

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

НАВОИЙГА АРМУГОН

(ИККИНЧИ КИТОБ)

Таҳрир ҳайъати: Х.Ҳомидов (масъул мухаррир),
С.Ашироев, Б.Тўхлиев, И.Йўлдошев.

Абдулла Қодирий номидаги халиқ мероси нашриёти

Тошкент-2000

Ушбу тўплам улут ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллик тўйига армуғондир. Ундаги мақолалар буюк адаб меросининг иисбатан кам ўрганилган масалаларини илмий-иззарий жаҳитдан таҳдил килишга бағишиланган.

Тўплам илмий ходимларга, асиирантлар, Олий ўқув юрглари талабалари ҳамда барча илм-адаб аҳлига мўлжалланган.

4603020000-249

H-----гриф-2000
M 361 (04)-200

ISBN 5-86484-049-7

© А. Қодирий номидаги халқ
мероси нашриёти, 2000 йил

АНЪНА ДАВОМ ЭТАДИ

Буюк ўзбек шоири ва мугафаккири Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги фақат ўзбекларининг, фақат Ўзбекистонимизнингтина эмас, балки бутун жаҳон халқларининг байрамидир. Алишер Навоий тимсолида жаҳон аҳли инсон фаолияти қирраларини, инсон тафаккурининг чексиз имкониятларини яна бир марта намойиш этганигининг гувоҳи бўлмоқда. Мавлоно Навоий таъқидлаганиларидек:

Ки ҳар нени билмиш одамизод,
Тафаккур бирла килмиш одамизод.

Навоий удуғланган идеал, Навоий тасвирлаган инсонлар эзгулик ва гўзалликининг, яхшилик ва ҳамжиҳатликининг, ўзаро иттифоқ ва осойишталикининг буюк тимсоллари сифатида бутун инсоният қалбида ифтихор туйғуларини ўйғотади. Забардаст адабиниг таълим-тарбия соҳасига алоҳида нигоҳи, айни илм- фан тарғибига маҳсус эътибор билан қарагани таҳснига сазовор. Бу бежиз эмас. Тарихдан яхши маълумки, Навоий маърифатли оила фарзанди эди. Унинг болалигидан илмга, турли фан асосларни цуҳта ўрганишга киришгани бежиз эмас. Фарҳод ҳақида айтилган:

Ўқиб ўтмак, укуб ўтмак шиори
Қолиб сафҳа-сафҳа ёдда бори,-

фиқрлари аслида Навоий шахсиятига, унинг болагиги чоғида шахсий фазилатларига тўлиғича таалуклидир.

Навоий буюк истеъодд эгаси сифатида иктидорли кишиларни, айнича, қобилиятли ёшлиларни улуғлайди, уларни мадҳ этади. Буюк сангъаткор асарларида буни тасдиқлайдиган мисоллар кўп. Бугина эмас, у шахсий ҳаётида ҳам кўплаб истеъодд эгаларини ўз наноҳига олгани, улар ҳақида ғамхўрлик қилгани яхши маълум.

Навоий беҳамто ижодкор сифатида ўз атрофининг гўзал бўлишини, гўзалликдан бутун инсониятининг баҳраманд бўлишини истар эди. Унинг ўзи поку, кўзи поку, сўзи пок инсонларни куйлагани бежиз эмас. Айни иғундай одамларгина баркамол бўлинни, баркамол инсонлар эса жамиятни, айнича, ёшлиларни тарбиялашда шахсий намуна вазифасини аъло даражада адо эта олиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир шахснинг, алоҳида олинган инсоннинг баркамоллиги жамиятнинг ютуғидир. Навоийнинг таърифидаги бу ҳолат барчага ибрат бўла олади. Адабиниг ёзишича, одам оламга келганда сўнг зини-ўзи тарбиялаш билан шуғулланомоги лозим. Шунда у ўзининг иуқсоқларини қўриб, уларни ўйқотиш учун ҳаракат қилиади. Агар инсон ўз иуқсоқларини сезса-ю, аммо уни ўйқотиш, бартараф қилиш ҳақида бош қотирмаса, ўйламаса, у ҳеч қачон ҳақиқий камолот чўққисига қўтарила олмайди. Шу ўринда адабиниг бу оламни ҳаммомга қиёслагани

эсга тушади. Ҳаммомга кирган одам у ердан ювиишиб, покланиб чиқади. Агар ҳаммомдан ювимай чиқса, ушбу одамнинг пок ва покизалиги ҳақида гапириш мумкин бўлмайди. Демак, ўзни баркамоллик сари унданмайдиган, эзгулик сари интилмайдиган инсонни ҳеч ҳам ҳақиқий инсон, деб айтиш мумкин бўлмайди.

Навоийнинг:

Одами эрсанг демагил одам,
Ониким йўқ ҳалқ ғамидин ғами,-

деган ҳикмати ҳалқимизга ёд бўлиб кетган. Навоийнинг ҳалқ учун куйиб, куйиниб, ёниб яшагаплигининг ўзиёқ уни ҳалқ ардоғига сазовор қилди.

Навоий асарлари ҳар бир хонадоида, ҳар бир уйда мавжуд. Унинг шеърлари билан айтиладиган қўшичилар радио ва телевидение орқали ҳар куни эшиттирилади. Булар қидимий анъаналяримиз, миллий қадриятларимизни тарғиб қилинада, уларни ёшлар онгига сингдиришда бебаҳо омилдир.

Буларниңг барчаси Навоийнинг ижодига қайта-қайта мурожаат этишининг ишадар зарурий ва ҳаётгий экаилигини кўреатиб турибди. Университетимизда Навоий ижодини ўрганиш, ўргатиш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор бериб келинаётганининг биси ҳам шунда. 60-70-йилларда университетимизда Воҳид Зоҳидов, Ҳамид Сулаймонов, Мақсуд Шайхзода, Натан Маллаев, Шарифа Абдуллаева сингари атоқли навоийшунослар талабаларга дарс бериш билан бирга шоир ижодини тадқиқ этиш билан жиддий шуғулландилар. Натижада, Шайхзоданинг “Ғазал мулканинг сultonни”, Н.Маллаевининг “Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири”, “Навоий ва ҳалқ оғзаки ижоди” номли рисолалари, Ҳаким Ҳомидийнинг шоир форсий меросига доир, Ш.Абдуллаеванинг Навоий ижодида хотин-қизлар образига оид тадқиқотлари юзага келди. Профессор Н.Маллаев ҳамда доцент Л.Халиловлар Навоийнинг 15 жилдлик ўзбекча ва 10 жилдлик русча нашрларини тайёрлашада фаол иштирок этдилар. Биззинг талабаларимиз Республика телевидениеси томонидан уочтирилган олий ўқув юрглариаро навоийхонлик мунюнирасида биринчи ўринни олган. Бизда юртимизниңг атоқли шоир, олим санъаткорлари билан ҳамкорликда навоийхонлик оқшомлари ўтказниш қуттуғ адабий-мусиқий анъанага айланган. Бундай тадбирлар Навоийнинг 525 йиллик юбилейи муносабати билан қизиб кетганди.

Ўша кезлари, яъни 1968 йили олимларимиз тадқиқотларида биларга сифатида “Навоийга армуғон” помли тўплам нашр этилган эди. Унда йирик, кўзга кўринган навоийшунослар иштирок этишган эди. Орадан йиллар ўтди. Энди ўша устозларининг кўплари орамизда йўқ. Профессор Ш.Абдуллаев, Ҳ.Сулаймон, Э.Исмоилов, Н.Маллаев, С.Усмонов; доцентлар М.Шайхзода, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимова, Ҳ.Бекмуҳаммедов, Ҳаким Ҳомидийлар раҳматли бўлишган. Уларниңг ўрнида олимлардинг янги бир авлоди Навоий ижодининг кўпчиликка номатнум бўлган томонларини тадқиқ этишмоқда. Ана шу “Навоийга армуғон”нинг иккинчи китоби

сифатида юзага келгани ушбу түп搭乘га Республикасында ҳамда университетимиздинг А.Хайитметов, Н.Комилов, Ф.Мусина, С.Аширов, Б.Тұхлиев, Б.Акрамов сингари атоқшы олимлари билан бир қаторда К.Муллахұжаева, З.Машарипова, И.Азимов, И.Йұлдошев, С.Рахимова сингари истеъодиди ёшлар ҳам үз тадқиқотлари билан иштирек этишган. Улар устозлар ағынаасини муваффақият билап давом эттиришимен. Мажмуадан жой олган аксарият мақолалар Навоий ижодининг кам ўрганилган жиҳатлари таҳлилига бағишиланган. Мазкур кузатишлар, шубҳасиз даҳо санъаткор меросини тағин ҳам теранроқ идрок этишига күмаклашади. Ўйламизки, ушбу китоб буюк адаб таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан илм-адаб аҳлига муносиб тухфа бўлади.

Б.Ф.ҚОДИРОВ

Низомий номидаги Тошкент Давлат
Педагогика университетининг ректори,
техника фанлари доктори, профессор



РУХИЯТ СЕҲРИ



ИЛК НАВОИЙШУНОСЛАР

Ҳар бир фанни, шу жумладан, навоийшунослик фанини ҳам унинг тарихидан ажратиб қарап мумкин эмас. XX асрда навдийшунослик адабиётшиносликнинг муҳим бир соҳаси сифатида катта ютуқларни кўлга кирилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган шароитда эса Алишер Навоий ва унинг адабий-илмий меросини ўрганиш янада юқорироқ савияга кўтарилиди. Навоийшунослик тарихини ўрганишга машҳур тиљуниос ва адабиётчинос олим А.К. Боровков “Родоначальник узбекской литературы” (Тошкент, 1940) тўпламида босилган “Изучение жизни и творчества Алишера Навои” мақоласи билан, таникли шарқшунос олим Е.Э. Бертельс “Навои” (Москва-Ленинград, 1948) китобининг “История изучения Навои” қисми билаш муҳим ҳисса қўшидилар. Бу йўналинидаги ишлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Матъумки, 1988 йили М. Хўлбековнинг “Ўзбек адабиёти Францияда” деган рисоласи эътон қилинди. Бу китобда маҳсус бир боб “Алишер Навоий ижоди Францияда” деб аталади. Умрбек Сотимовнинг “Инкордан иқроргача” (Ургапч, 1994) деган монографияси эса маҳсус равишда Навоий ҳаёти ва ижодининг Германияда ўрганилиши масалаларига бағишиланган.

Бизда Навоий ҳаёти, ижоди ва унинг муайян асарлари яхши ўрганилган. Аммо, навоийшунослик тарихи яхлит ҳолда тўла ўрганилган эмас.

Назаримизда, Навоий ҳаёти, у яшаган тарихий давр, улуғ шоир ижоди юзасидан кўп ва илмий жиҳатдан салмоқли тадқикотлар яратишда Ўзбекистон олдиғи ўринлардан бирини эгаллайди.

Навоийшунослик тарихини ёритишда эса биз илк навоийшуносларнинг фаолиятига ҳам жиддий ёътибор бермогимиз даркор. Мен бу ўринда шу мавзуга оид баъзи мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Навоий ва унинг асарлари ҳакида биринчи фикр билдирган кишилар - бу унинг замондошлиари бўлиб, ушбу масалага қисман И. Султонов ўзининг “Навоининг қалб дафтари” китобида (Тошкент, 1968, 1969) тўхталиб ўтган. Шарқшунос Бўрибой Аҳмедов эса “Навоий замондошлиари хотирасида” деган китобида (Тошкент, 1986) Навоийга замондош бўлган Абдураҳмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Бобур, Восиғий ва Содиқбек Содиқий асарларидан буюк шоир ҳакида мавжуд маълумотларнинг муҳим қисмларини келтирган.

Навоийшуносликнинг ўзига хос бир хусусияти шундаки, Навоийни, хусусан, унинг асарларини навоийшунос олимларнинг тадқиқотлари, изоҳ ва шарҳларисиз тушуниш ва улардан самараали фойдаланиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам XVI-XVII асрлардан бошлабоқ Навоий асарлари учун “Абушқа”, Толеъ Имонийнинг “Бадоєзул-лугат”, Мирзо Маҳдиҳонининг “Санглоҳ” каби лугатлар тузилиши бежиз бўлмаган. Бу лугатларнинг

муаллифларини ўз даврининг энг яхши навоийшунослари деб ҳисоблаш мумкин.

Аслида, навоийшунослик шоир ҳаётлик давридаёқ бошланган. Улуг шоир ва унинг асарлари тўғрисида биринчи бўлиб, ким фикр билдирган, - деган саволга “Навоийнинг қалб дафтари” китобида Иззат Султонов жавоб қидирган ва тонган. Чиндан ҳам Навоий Саййид Ҳасан Ардашер ҳаёти ва фаолиятини ёритишга бағишилагаи асарида ҳижрий 860 йили (мелодий 1455-56 йиллар) ҳақида гап боргандা, яъни, Навоий 14-15 ёшларда эканида, устози унинг:

Фурқатингдин замъфарон узра тўқармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур партолалар...
* * *

Ул паривашким, бўлибмен зору саргардон анга,
Ишқдин олам манга ҳайрону мен хайрон анга...

каби матлаълар билан бошланган ғазалларини ёддан ўқиб, ҳузур қилгани, хусусан унинг шеъридан олинган:

Лабинг кўргач, илигим тишлирам ҳар дам тахайяддин;
Ажаб ҳолатки, тутмай болни, бармок яладурмен...

байти ҳамда унинг маснавий асарида олинган:

Ҳар нечаки пухта бўлса таадбир,
Берур анга тўшмол тақдир...

каби байтлар унга жуда ёрқсан ҳақида хабар қиласди.

Тарихчи Хондамир “Макорим ул-ахлоқ”да хабар берищича, тахминан худди шу йиллари, яъни болалиги тутагаб, йигитлик вақти бошлаигаи бир пайтда, Навоий Лутфий билан учрашган бўлиб, ёш шоир унинг илтимосига кўра ўзининг машхур:

Оразин ёпиоч, кўзумдин сочилур ҳар лахза ёш -
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз никон бўлноч күёш,-

деб бошланган ғазалини ўқиб берган. Маълумки, бу ғазални эшитган, ёши 90 дан ошган Мавлоно Лутфий бу шеърга жуда юқори баҳо бериб, иложи бўлса, ўзининг ўн-ўн икки минг байтдан иборат шеърларини шу ғазалга алманишига тайёр эканини айтган.

Бинобарин, биз, илк навоийшунослар деганда биринчи қилиб шу киннларинг табаррук номларини навоийшунослар рўйхатига ёзиб қўйишшимиз керак.

Гарчи, улар Навоий тўғрисида фикрларни йўл-йўлакай, оғзаки равишда баён этган бўлсалар ҳам, уларнинг фикрлари Навоий ҳаёти ва ижодий тараққиётида мухим роль ўйнаган. “Холоти Саййид Ҳасан Ардашер”

рисоласида қайд этилишича, Саййид Ҳасан шу ёшдаги Навоийни тасаввуф йўлига кириш, шеър ёзиш билан ҳам муттасил ишғуланишга тарғиб этган: “Ва (Саййид Ҳасан) бу фақири фақр тариқига далолат ва ириод қилурлар эрди ва назм айтурға тарғиб кўргузурлар эрди”¹. Яна шуниси ҳам эътиборники, Навоий шу ёшдаёқ ўз шеърлари билан танилган бўлиб, унинг тўғрисида бу каби улуғ зотлар билдирган фикрлар оддий мақтов бўлиб қолмай, катта асосга эга бўлган.

Расмий навоийшунослик, албатта, Навоий ҳақидаги хатга тушган ҳолда, китоб ёки мақола тарзида ёки адабиётта оид асарларининг таркибида юзага кела бошлаган. Бу даврда Навоийга энг яқин турған ва унинг кўп асарлари яратилишининг шоҳиди, айрим ҳолларда яқин масалаҳатчиси бўлган киши Абдураҳмон Жомий эди. Навоий Жомий билан йигитлик вақтида танишган бўлса ҳам, лекин, улар ўргасидаги ижодий ва дўстона яқилик 70-йилларнинг бошларида, Навоий уни ўзига пир деб таингандан кейин юқори даражага кўтарилиди,- дейиш мумкин. Жомийининг Навоий асарларидан “Тухфат ул-афкор” қасидасига берган баҳосини унинг “Навоий ҳақидаги илк мулоҳазаларида бири” деб қараш жоиз. Бу тўерида Навоий “Хамсат ул-муғаҳайирин” ҳамда “Муҳокамат ул-лугатайн”да хабар беради. Жомий Навоийнинг ушбу қасидасининг матлаи билан танишгандадаёқ унга ғоят юқори баҳо бериб: “Бу манизури давлат синехр токига осилса ери бор ва бу туғроини саодатин мунштарий бўйнига овеза киляс мубоҳат ва ифтихоридур”,- деган экан.²

Жомий Навоий ва унинг ижоди тўғрисида “Хафт авранг”га кирган “Субҳат ул-аброр”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайди ва Мажиун”, “Хирадномаи Искандарий” достонларида, “Баҳористон” асари ва ўз девони дебочасида муҳим фикрларни ҳамда қимматли маълумотларни қолдирган. Жомийининг қайси асарларида Навоий ҳақида нималарин ёзгани “Хамсат ул-муғаҳайирин”да маҳсус қайд этилган. Жомий “Хирадномаи Искандарий” достонида Навоий “Хамса”си ҳақида қуйидаги каби мисраларни ёзар экан, унинг “Хамса”сига бириичи бўлиб Жомий энг юксак баҳони берган,- дейиш мумкин:

Ба тахис панже, ки сарнанжа зад,
Ба шере, ки сарпанжа аз Ганжка зад.
Ба туркизабон нақшси омад ажаб,
Ки жудудамонро бувад муҳри лаб.
Зи чарх оғарниҳо бар он киilk бод,
Ки ин нақши матбу аз он киilk зод.
Бу баҳшид бар форсигавҳарон,
Ба назми дарин дурри назмоварон,
Ки гар будй он ҳам ба назми дарӣ,
Намонди мажоли сухангустарӣ.
Ба мезонин он назми мӯъжазнизом-
Низомӣ кӣ будио Ҳусрав қадом.

¹ Алишер Навоий. Асарлар, Т. 1967, 77-саҳифа.

² Алишер Навоий. Асарлар, 14-том, 123-саҳифа.

Жомий ўзишинг “Баҳористон” асарида ҳам Навоий ижодига маҳсус тұхталиб, унға шарқ адабиёти контекстидегина эмас, жаҳон адабиёти контекстіда баҳо берган, -дейиш мүмкін. Җұнқи, бу даврда форс-тожик адабиёти энг ривожланған адабиёті зең. Навоий умуман “зуллисонай” шоир бўлганини, лекин, майли туркий тиілдаги адабиёттада күчлироқ бўлганини таърифлаб, Жомий бу асарида ёздади: “Ва агарчи вайро ба ҳасби табиат ва вусъати қобилияйт ҳар ду шав шеър - туркий аз форсий мұяссар аст, аммо майли табыи вай ба туркий аз форсий бештар аст. Ва ғазалиёти вай ба он забон аз даҳ ҳазор зиёдаги ҳоҳад буд. Маснавиёте ки, мұқобалай “Хамса”йи вуқуь ёфта, ба си ҳазор наzdик. Ва ҳамоно ки ба он забон аз вай ва беҳ аз вай шеър нағуфта аст ва гавҳарни назм насуфта”.¹

Таржимаси:

“Ва у (Навоий)ниш ўз табиати ва қобилиятипинг кеплиги ҳар икки тиілда - туркий ва форсийда ёзин имкоинин берса ҳам, аммо табыиниг истаги форсийга қараганда туркийга ортикроқ зең. Үни тиілда унинг ғазалларни ўн минг (байт)дан ошикроқдир. Низомий “Хамса”сига жавобан маснавийлар ҳам ёзган бўлиб, ўттиз минг (байт)га яқинидир. Ва бу замонда бу тиілде хеч ким ундан кўп ва ундан яхши ёзмаган ва назм гавҳарни тизмаган”.

Жомий Навоий асарларининг ҳажми тўғрисида ҳақиқатга яқин маълумотни бериш билан унинг ижодида асосий ўрин лирик шеърияти ва “Хамса” таркибидаги достонларига, шоирниң туркий шеъриятда туттган ўрнига ҳам ниҳоятта тўғри баҳо берган. Бунда “Баҳористон”ниш 1487 йилда ёзилганини ҳам, Навоий ўз лирик шеърларини бир ерга жамлаб ултурмаганини назарда тутиш зарур. Орада бир қанча йиллар ўтиб Захириддин Мухаммад Бобур “Бобурнома”да Навоийниң туркий шеъриятда туттган ўрин ҳақида: “Алишербек пазири йўқ киши зеңди. Туркий тиіл била то шеър айтубдурлар, хеч ким онча қўп ва ҳўб айтқон эмас”, - деб ёзар экан, бу гапни биринчи бўлиб Жомий айтганини уцутмаслик керак.

Маълумки, XV асрининг энг йирик адабиётшуносларидаи бири Давлатшоҳ Самарқандий зең. Унинг адабиётшуносларидаги ишоҳ асари “Тазкират учи-шуаро” бўлиб, бу асар ҳам Жомийининг “Баҳористон”и каби 1487 йили яратилған зең. Давлатшоҳ бу тазкирани Навоийга бағишилаш билан бирга Навоийни у ҳам Жомий сингари Шарқ адабиёти контекстіда баҳолаган, хусусан форс-тожик адабиётининг Фирдавсий, Низомий, Амир Хусрав Дехлавий, Шайх Саъдий каби намояндалари қаторида таъриф ва тавсиф этган.

Давлатшоҳ ўз тазкирасида Навоийни, аввало, тарихий шахс сифатида характерлаб, бундай кишилар тарихда ҳадеб дунёга келавермаслигини, бундай зотлар пайдо бўлгунча дунё иккى бор айланнини лозимилигини, унинг шахсини ортиқча улуғлаш эса “офтоб ёруғ” дейиш билан баробар эканини таъкидлайди. Шундай бўлса ҳам Навоийдек оламга танилган киши тўғрисида маълумотлар беринига киришпар экан, у биринчи галда шоир таржимаи ҳолига овд баъзи маълумотларни, яъни унинг ҳаёт йўлига, улуг

¹ Абдураҳмон Чоми, “Баҳористон”, Душанбе, 1966, 110-111 с.

сүз устаси, буюк давлат арбоби бўлиб етишиши билан боғлиқ муҳим омилиларни ва босқичларни (Шарофатли мақоматларидан бир қисми) кўрсатиб ўтип зарурлигини айтади. Чунки, унинг фикрича, “бу хусусда нима дейилса ҳам (бошқаларга) ибрат бўлғусидур”¹!

Давлатиоҳ бу ўринда Навоийнинг оддий бир оиласдан бўлмасдан, балки “Чигатой улусининг улугларидан бўлиб, Султон Абулқосим Бобур ҳукмрошлиги даврида сultonнинг яқин қишини сифатида мамлакатни идора” қилган бир қишининг фарзанди эканлигини алоҳида таъкидлайди. Давлатиоҳ Навоий тарбиясида отасининг хизмати катта бўлганини алоҳида кўрсатиб ўтган. У ёзади:

“Бениҳоят фозилингидан ҳамма вакт ўғлига фазилат ўргатди, тамом ҳимматини саодатманд фарзандини илм-хунар безаклари билан зийнатлаш ҳамда хидоят нурлари билан равшан қилингга сарф қилди”. Абулқосим Бобурнинг Навоийга таъсири катта бўлган: “Ул улуғ амир (яни, Навоий) юқорида зикр этилган маърифатли подиоҳ замонида унинг ҳашамати ва улкан ҳиммати билан ҳамма вақт фазилат ортиришга интилди, фазл эгаларининг сұхбатини тоңди, керакли табыни ва ўткир зехни шеър айтиш, ўтмини тарихини ўрганингга қаратилди. Ёшлик пайтидаёқ икки тил эгаси - туркийда соҳиби фан, форсийда фазл эгаси бўлди”.

Давлатиоҳ ёзишича, Абулқосим Бобур ёш Навоийга шахсан ғамхўрлик қилган, меҳрибонлик кўрсатган, руҳан рағбатлантирган вактлари ҳам кўн бўлғаи. Давлатиоҳ ёзади: “Султон Абулқосим Бобур сўзамол ва ҳунарнарвар подиоҳ эди, ҳаммавақт улуғ амир (Навоий)га табъининг мулойимлиги ва зийраклиги учун оғаринилар ўқир эди, баъзи пайтларда улуғ амир (Навоий) битган туркийча ёки форсийча шеъларни мутолаа қилар, табъининг қудрати ва шарофатли сўзларининг иширилигидан таажжубланаарди, бедариг марҳаматидан баҳраманд қилар ва хайрли дуолари билан қўллаб-кувватларди...”

Юрт бошигининг баъзан бир оғиз сўзи ҳам бошқа бир одамининг хаётида нақадар катта аҳамиятга эга бўлнишини тўғри тушунисак, шуңдагина Навоий хаётида Абулқосим Бобурнинг хизматларига тўғри баҳо бера оламиз,- деб ўйлайман. Менинг назаримда, умуман биз улуғ шоир ҳақида ёзилган ишларда Навоийнинг ўсиб унишида илк бор Абулқосим Бобурнинг катта ижобий роль ўйнаганини ҳали тўла кўрсатганимиз ва тан олганимиз ўйқ.

Давлатиоҳ Хусайн Бойқаро подшоҳлиги даврида Навоийнинг энг юксак мартаба ва обру-эътиборга сазовор бўлгани ва ўзидағи донишмаидлик, арбоблик, саҳоватиешалик, маърифатпарварлик, юксак одамийлик билан боғлиқ барча фазилатларини намоён этганини яхши таърифлаб ўтган.

Давлатиоҳ Навоий асарларига баҳо бернинга келганда, аввало, унинг Низомий “Хамса”сига туркийчада қилган жавоби бор бўлиб, “улуг амир (Навоий)дан аввал бирон кимса бу қадар фазилга эга бўлолмаган.

¹ Давлатиоҳ тазкирасидан иқтибослар Б. Аҳмедов таржимасида келтирилмоқда (А.Х.).

Дархакикат. ўша достонда у фасоҳатнинг додини берган”¹. Ўз гапининг ишботи учун у аввало Навоий достонларининг юксак бадиийлигини кўзда тутиб, “Лайли ва Мажнун” достонидан икки байт келтиради ва баҳор тасвирига бағнишланган бу икки байтда унинг ёзишича, “баланд ташибеҳлар, теран ўй-хаёллар мавжуддир.

Марз узра кияр себарга жавишсан,
Шашпар кўтуур бошиға савсан.
Лола варакин бериб сабога,
Бағри кародек учар ҳавога.

Ушбу мисолдан кейин Давлатшоҳ бу байтларни кўзда тутиб: “Унинг латиф табти, бошка байтлардаги юксак санъатлар ва бадиийлик шу икки байтдан ҳам маъдум”, -деди². Навоийнинг девони ҳакида эса у: “Улуг амириинг туркий девони ҳукмдорлар ҳамда қибор йигинларига безакдир, арганун навоси бенаволар учиюнини тўғри йўлга бошлар, қаламининг ғижир-ғижиридан мухолифлар мағлуб, хусравоний оҳангি Султон Ҳусайнга маҳбубдир”, -деб ёзди. Тазкира муаллифи ўзининг ушбу таъриф ва мақтоворлари ишботига Навоийнинг тасаввуфий мазмундаги:

Ё Раб, ул ой ҳуснин эл фаҳмига номафҳум қил.
Бўйла мавжуд этмасанг, аввал мени маъдум қил,-

матлаи билан бошлиганин мисол қилиб келтиради. Давлатшоҳ ҳам Навоийнинг “Тұхфатул-афкор” қасидасига юксак баҳо берган. Давлатшоҳ бу асарида Навоийнинг хайрия бинолар қуриш ва бошка ободончиликка доир фаолиятини кепг ёритиши билан бирга унинг илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат соҳасидаги хомийлик ишларини анча мукаммал кўрсатган. Тўғрироғи, Давлатшоҳ Навоий фаолиятининг 1487 йилгача бўйни даврини ёритган. Ўзи 1495 йили вафот этган. Тазкирадаги ўз мақолосини у Навоий тўғрисидаги муламмаъ-қасидаси билан тугаллаган. Қасидада кўйидаги каби мазмун жиҳатидан ҳам, бадиият жиҳатидан ҳам тоят гўзал байтларни ўқиши мумкин:

Ончунон к-аз мақдами Сайд шуда Ясириб азиз,
Гашт дорул фазли олам аз вужуди ў Ҳири.
Бахри ҳикматдур онинг зебо замири равшани,
Дўйтўйи манзуми ул баҳри шарафнинг гавҳари³.

Бу ўринда Давлатшоҳ Мадина шаҳри пайғамбаримиз шарофати билан қандай азиз ва мукаррам бўлган бўлса, Хуросон пойтахти-Ҳирот ҳам Навоий туфайли оламининг энг гўзал шаҳрига айланганини, унинг ақли

¹ Ўша китоб, 15-16-саҳифалар.

² Ўша китоб, 16-саҳифа.

³ Ўша китоб, 17-саҳифа.

хикмат денизи, шеърияти эса шу денизининг гавҳарлари эканини юксак адабий дид билан ифодалаган.

Навоий замондоилиларидан Навоийга яқии ва ўз асарларида унга муносиб ўрин ажратган олимлардан яна бирни тарихчи Мирхондир. Мирхонд ўзининг Навоий ҳомийлигига яратган улуғ асари “Равзатуссаф”да бир қанча бобларда Навоийнинг ижтимоний-сиёсий фаолиятининг турли даврлари ва ранг-бараанг қирраларини конкрет ва ҳақоний ёритиб берган. Мирхонд бу асарида гарчи Навоийнинг ижодкорлигини қаламга олмаган бўлса ҳам, лекин унинг хаётини яхши изоҳлаб бериши шоир асарларидаги кўп масалаларни тўғри тушшиниб олишимизга ёрдам беради.

Албаттга, бу даврда энг яқин, унинг ҳар бир ёзган асаридан яхши хабардор, бир неча қочоқлик йилларини ҳисобга олмагандан, қолган вақтларда доим у билан бирга бўлган яна бир киши-бу Ҳусайн Бойқаро эди. Ҳусайн Бойқаро Навоийдан б ѿшар катта бўлиб, унинг олдида ёши катталик ҳуқуқи бор эди. Ҳусайн Бойқаро ким бўлишидан қатъни назар, Навоийга болалик чоғидан меҳри тушган, уни севар, унга ишонар, унинг адабий дидини юқори баҳолар эди. Ҳусайн Бойқаро Ҳирот таҳтига ўлтиргандап кейин (1469 йил), улар орасидаги дўстлик, ҳамма соҳада бир-бирига суюниши туйғуси янада кучайди. Айни вақтда уларниң ўзаро муносабатлари самимийликка, бир-бирига талабчанликка асослашган бўлиб, ҳар қандай масалани, шу жумладан ижодий масалаларни ҳам ақи билан тўғри ҳал этиш, ганиниг ростиши айтиш, нуқсан ва камчиликлардан кўз юмаслик уларга хос энг яхши фазилатлар эди. Масалан, Навоий узоқ вақт ўз шеърларини йигиб девон тузишига шошилмаган. Лекин ҳалқ орасида, шеър аҳлари орасида бундай девонига эҳтиёж катта эди. Девон тузишига маънавий ҳаққи бўлган Навоий фаолиятида бундай камчиликни кўрган Ҳусайн Бойқаро фақат ёш улуғлик томондан эмас, балки шоҳлик мавқеъидан ҳам фойдаланиб Навоийга ўз шеърларидан девон тузишини буюради ва ҳеч қандай важ ва баҳона қабул қилинмайди,-дейди. Навоийнинг “Бадоевул-бидоя” номли биринчи девони шу йўсинда юзага келган эди. Навоий шу девонига ёзган дебочасида Ҳусайн Бойқаронинг унинг шеъриятига қандай муносабатда бўлгани, яхшиларини ўз ҳузуридаги адабий мажлисларда ўта ижобий баҳолаб, камчиликлари бўлса уларни айтгани, уларни тузатинига ёрдам бергани ҳақида кўйидаги гапларни айтгани эди: “Аммо ул ҳазратининг кимё хосиятлик илтифотларидин ва иксир манфаатлиқ муроотларидин мулозаматда бенхиtiёр ва убудиятда девонавор эрдим... Ва дураарбор тилига мажлисада баъзи абётим мазкур ва гавҳаринор илигига мағоҳилда баъзи ғазалиётим маастур бўлур эрди. Ва гоҳи иборатим қусурин тагиyr бермак била айбдин мубарро ва гоҳи маонийимдин фигурин ислоҳ қўймоқ билан нуқсондин муарро қилур эрди. Баъзи байтикам бирор номуносиб лафзи чиқиб, бир ласта субҳа ичра бир дурри шахвар тортқондек, бирор поҳанжор байтқа хат уруб, бир бузуғ даншт ичра бир қасри зарнигор ясағондек, бирор байтга даҳл берур эрди”¹.

¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами, I-том, 1987.

Бу маълумотлардан Ҳусайн Бойқаронинг Навоий шеърлари ҳақида конкрет нима дегани маълум бўймаса ҳам, бу икки ижодкорнинг яқиндан ижодий ҳамкорлик қилгани, унинг шеъриятигининг баланд парвоз қилишига Ҳусайн Бойқаро чин дилдан ўз хиссасини қўшгани яққол сезилиб туриди. Кейинчалик “Хазойинул-маоний” дебочасида қўйидагиларни маълум қиласди: “... эллик, олтмиш ё юз ғазалга яқин йигилса эрди, Ҳазрат Султон Соҳибқироннинг фидавс осо сухбатида ва фарсо ҳазратида ҳозир қилиб, арзга еткуур эрдим ва ул ҳазрат уларга шафқат юзидан боқиб, қайси маъни шўхинингким, таркиби хильъатида ва алфози кисватида зоеъ жавҳаридин номуносиблиг маълум қиласа, ўз хизонаи хотигирлари ганижинаспдин ёқуту лаъти рангин ва гавҳару дурри самин била зебу зийнатка табдил еткууб, ҳар ғазалини тартиб юзидин ўз ўрнига рақам қилур эрди”.

Навоий сўзларидан иш нарса маълум бўладики, Ҳусайн Бойқаро улуғ шоир шеърларига мизллат ва давлатнинг бойлиги сифатида қараб, уларни қадрлаган ва шоир девони, ундаги ҳар бир шеър мумкин қадар юксак савияда бўлишини истаган.

Ҳусайн Бойқаронинг Навоий ижоди ва унинг мамлакат ҳиётидаги муҳим аҳамияти ҳақидағи фикри машҳур рисоласида айниқса ёрқин акс этган. У ёзади: “... таҳаллуси “Навоий”га машҳурдур ва ашъорида бу таҳаллаус мастрдур. Түрк тиљининг ўлғон жисмига Масиҳ анософи била руҳ киорди ва ул руҳ тоқонларга туркий ойин алфоз тору пудидин тўқулғен ҳули ва ҳарир кийдурди ва сўз гулистонига навбаҳор табиатидин равон осо ёғинлар била рангоранг гуллар очти ва назм дарёсига саҳоб фикратидин руҳпарвар қатралар била гуногуни дурлар сочти. Ҳар синф шеър майдонигаким, таковар сурди, у кишварни тифи забон била ўз хиттати тасарруфига киорди...”¹.

Бу рисолада Ҳусайн Бойқаро Навоий ҳақидағи фикрларини қўйидаги ружуъ санъати асосида яратилган рубописи билан якунлаган эди:

Эрур сўз мулкиниг кишварситони;
Қаю кишварситон,-хуравнишони.
Дема хуравнишонким,-қаҳрамони;
Эрур,-гар чин десам,-соҳибқирони.

Улуғ сўз устаси ҳақидағи Ҳусайн Бойқаронинг бу гузал сатрлари Навоий шеъриятигининг буюк истиқболи ҳақидағи башюрат бўлиб, худди бугун ёзилгандай.

Навоийга, унинг ўзбек адабиёти ривожидаги тарихий хизматлари юзасидан бу даврда яшаб ижод қилгани, асарлар ёзган Атоуллоҳ Ҳусайниний, Шайхим Сұхайлий, Абдураззоқ Самарқандий, Биноий, Абдулла Ҳотиифий ва бошқалар ҳам яхши фикрлар билдирганлар.

Навоий тўғрисида ўзгаларининг иёб фикрларини изҳор этган, бу тўғрида ҳатто китоблар ёзган яна бир турҳ олимлар ва шоирлар борки, улар Навоий ҳаёт вақтида инсбатан ёш бўлганилар. Улар ўз асарларини эса

¹ Ўша китоб, 226-саҳифа.

Навоий вафотидан кейин ёзганилар. Мен бундай муаллифлар қаторига тарихчи Хондамир, адаб Зайниддин Восиғий, шоҳ ва шоир Захириддин Мұхаммад Бобур, Мирза Мұхаммад Ҳайдар, Убайдий кабиларни каритган бўлар эдим. Масалаи, Хондамир Навоий ҳаёти ҳақида маноқиб жаңрида маҳсус китоб ёзиб, уни “Макоримул-ахлоқ” деб атади. Навоий таржимаи ҳолини ўрганинда бу асар биринчидан даражали аҳамиятга эга. Шу билан бирга у ўзининг “Хулосатул-ахбор” асарида ҳам Навоийга тўхталиб, мухим маълумотларни баёни этди. Зайниддин Васиғий эса ўзининг “Бадоевула-вақо’еъ” асарида Навоий ҳаётига доир воқеалар тасвирига маҳсус бир бўлимни бағишилади. Бобурнинг “Бобурнома” асарида эса Навоий ва у яшаган ижтимоий-сиёсий ва маданий мухит янгича қарашлар билан ёритилиб берилади. Мирза Мұхаммад Ҳайдар ҳам “Тарихи Рашидий” асарида Навоий ва унинг бир қанча замондошлари тўғрисида маълумотлар беришни фарз деб билади. Булар ҳаммаси шуни кўрсатадики, Навоийга бўлган кизиқиши шоир вафотидан кейин янада кучайган. Адабиёт тарихида ўлгаидан сўнгги ўз баҳосини олган ёзувчи ва шоирлар кўп. Улардан фарқли улароқ Навоий эса ҳаётлигида ўз баҳосини олган эди. Унинг замондошлари гарчи улуғ шоир асарларини ҳозирги тунунчамида таҳлил этиб бермаган бўлсалар ҳам, моҳият эътибори билан улар Навоийнинг ўзбек адабиётини, адабий тилини ривожлантириши, ўз даврида маданий ҳаётни тараққий эттириш соҳасидаги тарихий хизматларига тўғри баҳо беришга эришгашлар. Шунинг учун ҳам биз бугуиги кунда илк навоийшуносларнинг хизматларини ҳеч қаҷони унутмаслигимиз ва улардан ўз илмий тадқиқотларимизда фойдаланишимиз, уларнинг фикрларини янада ривожлантиришимиз ҳамда чуқурлантиришимиз зарур.

Ролима МУСИНА

МЕХИНБОНУ-АЛИ ҚИЗ

Алишер Навоийнинг буюк даҳолиги шу ердаки, унинг илмий ҳофизаси бир инсон, бир мамлакат доирасидагина чекланиб қолмагаи. У бутун жаҳон донишманлари қаторидан жой олгаидир. Навоийнинг инсон деган сўз буюк зотининг ҳаёти ва ижоди билан чамбарчарс боғлиқдир. У давлат арбоби ҳам инсонларининг ғамхўри бўлиши билан бирга, ўз шахсий ҳаётида ҳам чин инсон эди. Унинг лирик шеърларида, эпик ва илмий асарларида ҳам шу концепция сезилиб туради.

Асар қаҳрамонларини яратишда, айниқса “Хамса”сида буюк шоир тор миллий доиралардан юқорига кўтарилагани яққол кўзга ташланади. У барча ҳалқларнинг вакилларига адолат кўзи билан қарайди, уларнинг урфу-одатларини хурмат қиласди, жамият аъзоларини мансабига, давлатига қараб эмас, инсоний фазилатларига қараб ардоқлаиди. У яратган қаҳрамонлар ирқий, жинисий, миллий, диний айирмаларга парво қилмайдилар. Уларнинг мезони - инсоний фазилатлардир.

Айниқса, “ХАМСА”да яратилган хотин-қызлар тимсоллари бунга намунаидир. Чин ҳукмронининг ўғли Фарҳод армани Ширини севици билан баҳтиёр, эронлик Шопур Фарҳоднинг энг яқин дўсти. Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида армана халқининг ҳукмрони Мехинбону тимсолини яратар экан, уш ўша давр подшолари, ҳукмронлари билан бир қаторга кўяди, инсоний қадриятлар жиҳатидан кўпинча даврининг машҳур подшоси Хисравдан юқори поғонага кўтаради. Мехинбону Хисравнинг дабдабали саройи-ю, от ҳуркитар савлати-ю, саноксиз лашкаридан ҳам кўрқмайди. У чет юртдан келган Фарҳоднинг меҳнатсеварлиги, инсонпарварлиги, армана халқининг төғ қазишдаги машакқатли меҳнатига қараб, раҳми келиб:

Хунарии асрарон иеткумдур охир,
Олиб тупроқкаму кетгумдур охир...

деб, ёшлигига тош йўнишга ўргангай ҳунарини ишга солини ҳам ҳайрон қолдиради. Фарҳод шоҳ ўғли бўлинига қарамай, ўзини камтар тутади. У Ширинга самимий онисик, унга жонини беришга тайёр. Фарҳоддаги бутун инсоний фазилатлар армана маликасининг меҳр-оқибатига сазовор бўлади. Угина эмас, Мехинбону саройидаги ўнта олимга қиз билан Фарҳоднинг сұхбати, савол-жавоблари, бир томондан, Фарҳоднинг катта илм эгаси эканини кўрсатса, иккинчи томондан, Мехинбону давлатида илм-фанса катта шароит яратиб берилганидан дарак беради. Бу тасодифий нарса эмас ёки Навоий ўз салафларидан олган анъана ҳам эмас эди. Бизга маълумки, ўрта асрларда туркий халқларининг кучли давлати майдонга келган эди. Ҳар бир халқининг маданий юксаклиги унинг хотин-қызларга бўлған муносабат билан ўлчанади. Навоий Мехинбону, Искандарнинг онаси Бону, Равишанак ва Мехрноз, Лубати Чин ва Дилором, Ширин каби бадий тимсолларни яратишда ўз даврига яқин бўлган тарихий шахслар, тарихий воқсалардан хабардор эди.

XIII асрда Карманада ҳукмроилик қиласи Кутбиддин вафотидан кейин унинг беваси Кутлуғ Туркон Хотуни бир неча йил Карманада регентлик, сўнгра мустакил ҳукмроилик қиласи. Ундан кейин қизи Подшоҳ Хотун Абака хон вафотидан кейин ҳукмрошлиқ қиласи эди. Кутлуғ Туркон вафотидан кейин унинг қызлари Подшоҳ Хотуни ва Биби Туркон онасининг жасадини Карманага олиб келиб, Туркон Хотун курдирган мухташам мадраса ҳовлисига дафи этирган эдилар. Демак бу асрда мадрасаларда диний билимлар билан бирга дунёвий билмлар ҳам ўқитилган. Унда хотин-қызлар ҳам ўқиншига.

Мехинбону саройидаги Дилосо-ю, Дилором-у, Гуландом-у, Суансо-ю, Париваш каби 10 та қизининг Фарҳод билан сұхбат килиши, ҳар бири бир соҳанинг олимаси эканлиги ҳам афсона эмас, хаётидир. Подшоҳ Хотуннинг шоирайлиги, гўзаллиги, чиройли хат ёзиши, Қуръони Каримни ўз қўли билан кўчирганлиги ҳақидаги маълумотни кўп тарихчилар ва адабиётшунослар зэлайдилар. Улардан: Шамсиiddин Сомий Подшоҳ Хотуннинг Иффатий тахаллуси билан ёзган шеърларидан намуналар

келтирган. Маҳмуд Зеҳний, мунший Насриддин, Мирхонд, Ҳамидуллоҳ Қазвипий ва Еврона, рус арқунослари унинг қобилиятига, шेърларига катта баҳо берганлар, “парда ичидаги сўз устаси” деб атапган. Бундай малпекалар ва шоиралар кўп бўлган. Буюк Амир Темур салтанати даврида ва темурийлар ҳукмронлиги вақтида давлат-жамоат ишларида фаол катнанига аёллар ҳам озмунича эмас эди. Уларни биз қисқагина эслаб ўтеак бўлади.

Асли она уруғи томонидан машҳур Қутлуғ Туркоилар авлодидан бўлган Амир Темуринг буюклиги, ишбилармонлиги ана шу ғайратли оналари генидан бошланган бўлса ажаб эмас. Кўплаб мамлакатларни бирлаштириб, марказлашган буюк давлат тузган Амир Темур бир-бири билан мухолифатда бўлиб турган майда давлат ҳалқларига тинчлик олиб келди. Ў уста сиёсатчи, улдабурро ҳукмрои бўлиб “бўтуп куч адолатда” эканини исбот қилди. Темурийлар салтанатида тури мамлакатлар билан маданий алоғалар ўринатида. Катта мадрасалар, хонақоҳлар қурилди. Бу даврда кўплаб олимлар, шоирлар етишиб чиқдилар. Бунинг тирпк гувоҳи бўлган Навоий ижодидаги маданий ҳаётнинг юқорилигини қўрсатувчи тимсоллар шу давр ҳаётининг акс садоси эди.

Амир Темур шарнат қонулларига суяниган холда иш кўрар, шариатнинг ишон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қоидаларини ҳурмат қилас, ота-боболар урфу-одатларини оёқ ости қилдирмас эди. Унинг сарийида хотин-қизлариниг фаол қобилити ҳам қадрланар эди. 1404 йили Испания элчиси Клавихо Амир Темур қабулида бўлган вақтида ҳукмроннинг бир ёнида амалдорлари, беклари, иккинчи ёнида хотинлари ва ишбилармон аёллар ўтирганини ёзди. Амир Темурнинг катта хотини Сарой-мулхоним, кичик хотинлари Туман оға, Тўқолхонимлариниг саройдаги мавқси катта бўлган. Бибихоним - Сароймулхоним қурдирган мадраса ва масжид буидан далолат бериб турди.

Амир Темурнинг ўели Шоҳруҳнинг хотини Гавҳаршодбегим болалари ва невараларининг билим олишга катта хизмат қилди. Улуғбекининг таниқи олим ва давлат арбоби бўлиб стиншида онаси Гавҳаршодбегимнинг ҳиссаси каттадир. Улуғбек қурдирган расадхона дунёдаги тўртга расадхонадан бири эди. Сарой ва мадрасалариниг нештоқига: “Толиб ул-илми фаризун ало кули муслиман ва муслиматун” (Илмга интилиш бутун мусулмои эркак ва аёлларга фарзди) деб ёзиб қўйилган. Улуғбекининг расадхонасида аёллар ҳам ишлаган.

Аристократ аёлларининг давлат ишларига аралашуви, эрларига таъсири кейинчалик ҳам давом этди. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг катта онаси Эсон Давлатбеким, бобурийлардан Нури Жаҳон, мумтоз Аржуманд Бону, Зебинисо каби машҳур аёллар кўп ўтган.

Алишер Навоийнинг Мехинбою тимсолини яратишга турткি бўлган бундай мисолларининг ҳаммасини ёзсан, мақоламиз доирасига сиғмас. Мехинбою Фарҳоднинг шоҳ ўели эканини билмай туриб, ишоний фазилатларини қадрлади. Унинг Ширинга бўлган соф мұҳаббатини, Шириннинг Фарҳодни севинини билгани учун ҳам Хисравдан келган совчиларга рад жавобини беради. Бир неча хотинлари бор Эрон шоҳига

севги эмас, балки ҳавас, манманлик ҳукм суринини билади. “Ширин ўғыл болалардай тарбияланган, өркаклар ҳақида эшитинин ҳам хоҳламайды”-деб баҳона қиласы.

Алишер Навоий Мехинбону тимсолини Али қызы, жаңговар жаңгчи қилиб яратмайды. Уни Тумарисдай, Заринадай ёки Гулойимдай жаңгужадалларда тасвирламайды. Элчиларни ёки Фарҳодни қабул қилишида ҳам дабдабали саройда қабул қиласы. Шунга қарамай, биз Мехинбону, кейинчалик Ширин образларыда уларининг довюраклиги, қўрқмаслигини сезиб турамиз. Шунинг учун ҳам улар али аёллардан қолишмайдилар. Бундай тасвир замона зайлни билан боғлиқдир. Халқ достонларининг энг қадимги нусхаларида ҳам қызлар ўз турмуш йўлдошини таълашда йигитлар билан ёй отган, курашга тушган бўлса, кейинчалик улар номидан ака-укаларни муҳолиф йигитлар билан куч синашадилар. Бундай ҳолат ўрта асрларда Европада ҳам мавжуд бўлган. Йигитлар ўз севгилиси номидан ёки бирор ҳукмрон аёл номидан жаңгга киргандар.

Хотин-қизларнинг бевосита жаңгларда ингтироқ этиши, эрлар билан баробар овга ва жаңгга бориши ҳақида юқорида айтган эдик. Биз буни “Қирқ қызы”, “Манас”, “Гўрўли”, “Алномин” достонларида яққол кўрамиз. Кутуб Хоразмий Низомий Ганижавийнинг “Хисрав ва Ширин” достонини ўзбек тилига таржима қиласр экан, достонга яигилик олиб кприб, ўз даври урф-одатлари, яшаш тарзида тасвирлайди. Масалан: Мехинбону Хисравни шахарда, ҳашаматли саройда эмас, яйловда, табиатнинг гўзал қўйинида қимматбаҳо чодирда қабул қиласы. Бу ер Мовароунахрининг дарёлари соҳилидаги манзарани эслатади. Биз бу ерда Сирдарё ва Амударё соҳилиларида ўуз элига беклик килган 7 та қызы ва Кавказ тоғларигача стиб борган қирқ қызы, Гулойим, Олтинойларни эслаймиз.

Алишер Навоий Мехинбону тимсолини тасвирланида уни али қизлардай сувори ҳолда кўрсатади. Фарҳод ва армани усталар тогни кесиб, канал қазиб, чўлни обод қисини ишларини тамомлаганда, сув очиш маросимига Мехинбону ва Ширин от миинб тоққа борадишлар. Буюк шоир хотин-қизларнинг тўлақонли тимсолини яратиш учун “Хамса” достонларида уларнинг яхши фазилатларини очиб бериш учун бир-бирини тўлдирувчи образлар яратди. “Хайрат ул-аброр”да яхши ва ёмон хотнилар ҳақида фалсафий фикрлар берган бўлса, “Лайли ва Мажнун”да самимий севги эгалари, “Сабъан сайёр”да ажойиб талантли, қобилиятли аёллар, “Садди Искандарий” ва “Фарҳод ва Ширин”да эса йирик давлат арбоблари, оқила, ишбайлармон аёллар галлереясини яратади. Хитой (Чин) императори томонидан совға қилишган Йўъбати Чин (Чин қўғирчоги)ни Навоий достонга тасодифан олиб кирган эмас. Ўрта Осиёлик туркий аёлларининг жаңговарлиги унда яққол кўриниб туради. Искандар Зулқарнайнининг аскарлари ёввойиларга қарши жаңгта киргандар, ёввойилар бошлиғи майдонга чиқиб, ўзига тарафкаш тилаб турди. Энг яхши наҳлавонлар аввалги урушда асир туниб кетган эди. Искандар паҳлавонларининг ёввойилар бошлиғига рўнара бўлолмай турганда, майдонга нарда ёпинган баҳодир унга қарши тараф бўлиб чиқди, оғир олиннувдан сўнг ёввойилар бошлиғини сигди, унинг илтимосига ишониб, ўлдирмади. Бу томонини

кўриб турган минглаб аскарлар ва Искандар хайрон қолишади. Пардали баҳодирни Искандар ёнинг чақириб, ким экашини сурингтиргаида, у совға қилинган Лўъбати Чин бўлиб чиқди. Искандар аввал бу аёлга нарво килмай, Равшанак ва Мехрнозга уйланган эди. Лўъбати Чиннинг бундан алами бор эди. Шунинг учун у ўзини жанговарликда кўреатишга аҳд қилди. Бу образни яратишида шоир хотии қизларни ҳамма соҳаларда эркаклардан колишмаслигини кўрсатиб, Мехнибону образини янада ривожлантириди.

Алишер Навоий аёллар тимсоллари севгида ҳам ман-ман деган эркаклардан руҳан устун қўяди. Бир мисол; Искандар Равшанак ва Мехрнозга уйлангандан кейин, кўироқ Равшанакни хурмат қиласди. Бу ҳол Мехрнозга оғир ботади. Қўнлардан бир куни Мехрноз бунинг сабабини ундан сўрайди. Искандар эса Мехрнозни севишини, лекин, Равшанакнииг отаси Доро катта подшо бўлганини, унинг хурмати туфайли Равшанакка эҳтиром кўрсатаётганини айтганда, Мехрноз севги қопида подшо ҳам, гадо ҳам тенг эмасми? -дедиди. Агар Равшанакнииг отаси буок шоҳ бўлган бўлса, менинг ҳуснин олдида жумла шоҳлар тиз чўқадилар:

Насаб бирла бўлса анга шоҳлик,
Ҳасаб бирла етмини манга моҳлик.
Анинг тожи кишиварга бўлса хирож,
Менинг олимга бош кўяр ахли тож.

Агар ул хирад бирла афсонадир,
Менга юз хирадманд девонадир.
Анга гар эрур пеша жон ўртамак,
Менга шева бўлмиси жаҳон ўртамак...

деб Мехрноз Искандар Зулқарнайнини ҳам севги бобида мот қилган эди. Қисқаси, Алишер Навоий "Хамса"сида ва лирикасида инсоннинг, айниқса, хотин-қизларининг ташки кўринишлари-ю, ички кечинималаригача усталик билан тасвирлаб бериб, ажойиб тимсоллар яратади. Унинг бой ижодини қанча чуқурроқ ўргаисак, инсонларнииг мураккаб табиати билан яқиндан тапишамиз. Бунинг натижасида ўзбек класик адабиёти қапчалик мұмтоз эканлигини яна бир марта ҳис қиласми.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

РУҲИЙ МУШТАРАКЛИК

Ўзбек ва тоҷик ҳалқлари ўтрасидаги биродарлик, адабий-маданий ҳамкорлик, маънавий бирлик узоқ тарихга эга. Зероки, қадимул айёмдан Ҳуресон ва Мовароуниярда бирликда яшаб келаётган бу ҳалқлар мазкур сарзаминалар маданиятини юксалтиришда баҳамжиҳат ижод қилишган, моддий неъматлар яратган, араб ғазовотчилари, мўғул яғомларию Россия мустамлакачиларига қарини бақамти қурапиган; ани шу ҳамрозлик уларнииг турмуши тарзи, қасб-кори, санъати ва адабиётида муштараклик хусусиятини

келтириб чиқарган; бу халқлар орасидан етишиб чиққан санъаткорларнинг бир-бирига рухан пайваст, устоз-шогирд бўлишини тақозо этган.

Ўзбек ва тоҷик халқлари ўртасидаги маданий-адабий алоқалар тарихида Абдураҳмон Жомий (1414-1492) ва Алишер Навоий ўртасидаги дўстлик, устоз-шогирдлик, маслақдошилик алоҳида ўрии тутади. Чунки бу икки буюк санъаткор бир умрга ҳамкору ҳамдаст, ҳаммаслагу ҳампафас эдилар; улар ўртасида рухий яқинлик падару фарзандлик даражасига етишган. Шунинг учун ҳам Жомий вафотида соҳиби маърака Навоий эди.

Биз бу буюк санъаткорлар ижодий меросини кўздан кечирав эканмиз, уларда ана шу яқинлик, маслақдошиликнинг нозик қирраларининг ифодаланганлигини кўрамиз. Абдураҳмон Жомий ўзининг барча асарларида маслақдонни, яқин дўсти, даҳо санъаткор, давлат арбоби Навоий ҳақида илиқ сўзларни ёзиб қолдирган. Биз Абдураҳмон Жомийнинг ижодий меросини кўздан кечирав эканмиз, бу хусусда сон-саноқсиз далилларга дучор бўламиз. Буюк адаб бирон бир маъмурий вазифани бажармаган бўлса-да, улуг санъаткор, шайхулислом сифатида ўз даври ижтимоий ҳаётида жуда катта обрӯ ва таъсирга эга эди. Шунинг учун оғир дамларда одий косибдан тортиб шаҳзодалару амалдорлар Жомийга ёрдам сўраб мурожаат этар эдилар. Адаб бўлса, бундай ишларни нома йўллаш воситаси билан Алишер Навоий орқали ҳал этилишига эришарди. Жомийнинг “Навоий мураққаси” орқали стиб келган 300 га яқин мактубларида ўзбек муғафакирининг давлат ва жамоат арбоби сифатида ҳокимият, юрт ва эл мағфаатини ҳамма нарсадан юксак деб биладигаи чин инсоншарвар, фидойи, ватандўст эканлигининг кўп жиҳатлари намоёни бўлади.

Маълумки, Жомийнинг хоҳини ва маслаҳати билан Навоий ўзбек тилида ёзган барча шеърларини тўрт девонга тартиб бериб, “Хазойинул-маоний” лирик кулиятини тузади. Жомий ҳам Навоийнинг илтимосига кўра барча шеърларини уч девонга жамлайди ва уларнинг ҳар бирiga умрининг бир фасли билан боғлаб алоҳида алоҳида ном кўяди. Жомий биринчи девони “Фатихат уш-шабоб” дебочасида Навоий ҳақида илиқ сўзларни айтгари ҳамда “уни ва халқ севгани учун таърифга сигмайди” деб шоир сиймосидаги халқшарварлик хислатини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Абдураҳмон Жомий “Ҳафт авранг” китобига кирган “Лайли ва Мажнун” (1484) достонида Навоийни вафодор дўст, чин маслаҳатгўй сифатида таърифлар экан, “дўстлик боғидаги вафо шоҳининг Навоийси, унинг лутғ тўла навоси кўнгли синиқларни эъзозлайди” дейди. “Юсуф ва Зулайҳо” (1483) достони муқаддимасида Навоийнинг ягонаи даврон бўлган инсон сифатида характерлар экан, муаммо йўли билан қўйиндагича баҳо беради:

Ба тахсис он жавонмарде, ки аз дер,
Насаб чун ном бошад шер бар шер.
Зи бас дар беша шерн далер аст,
Зи мардони жаҳон номаш ду шер аст.
Яке дар аз дизи даврон кананда,
Яке сарнанжа бо гўрон зананда.
Ба расми таъмия з-он бурдамаш ном,

Ки монад дур аз он андешан ом.
Мардлик жангларининг ботири бўлганидан,
Жаҳон мардлари ичра номи икки шердир.

(Бу ерда шоир “Алишер”даги “Али” сўзига ишора килмоқда.
Ривоятларга кўра, Мухаммадининг күёви Алиниң лақаби “Худонинг шери”
экан.)

Бириси даврон қатъасидан дарвоза кўнорди.
Бириси қулонларга панжа урди.

Омманинг фикри ундан узок бўлсен учун,
Муаммо ёили билан ном чиқардим.

Шарқ адабиётининг нуктасаси жонишманди, филология фанлари
доктори, Тожикистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Абдуғани Мирзоев Жомий
“Юсуф ва Зулайҳо” достонидаги вазир ва шох Юсуф образини яратар
экан, унга Навоийдаги дўстлик, эл-юрг ғамини ўйлаган, турли низо-
адоватларни ақл-тадбир билан бартараф қилиш, юртни обод этиш, жамоат
ва давлат аҳамиятига эга бўлган бино ҳамда иштоотлар қуришга жиҳдий
эътибор берини сингари фазилат, хислатларни сингдириб юборганлигини
достонни синчковлик билан таҳлил этиши орқали Навоий дастлаб улуғ
халқарвар инсон, инсонпарвар арбоб сифатида алоҳида меҳр билан тилга
олинган ва тасвирланган.

Юқорида татьқидланганидек, Жомий айрим асарларини бевосита
маслақдоши Навоий истаги ёки татъсирида яратган. Навоийининг “Хамсатул-
мутахажийирин”, Жомийининг “Баҳористон”, “Нафоҳот-ал-унс” асарларида
бу хусусда қимматли маълумотлар мавжуд. Жомий асарларида дебоча ёки
махсус бобларда Навоий садоқатли ҳамдам, фидоий дўст, бадиий ва илмий
ижодда мададкор, маслаҳатгўй, ижодий ҳамнафас, чин инсон сифатида
махсус татьқидланади, таъриф ва тавсифланади. Чунонча, Жомий маълум
маънода тазкира характеристига эга бўлган “Баҳористон” асарининг
сақизинчи равзасида Навоийининг иоми ва таҳаллуси ҳақида араб ҳамда
тожик тилларида муаммо ёзиб, “туркий тилда ҳеч ким уччалик кўп ва ҳўб
шевъ ёзмаган ҳамда назм дурини тизмаган” лигини хаяжон билан ёзган. Биз
шу бобда Навоий Жомийлар сафар пайтларида ҳам бир-бирлари билан
нома орқали боғланиб турганликларини билиб оламиз. Жомий
“Баҳористон”да Навоийиниг мактубига илова қилинган уч рубонийини фаҳр
билан келтиради.

Ҳирот шайхларидан бўлмиш XI асрининг тасаввуф шонри Абдуллоҳ
Анзорий турли йигин ва мажлисларда, баҳсу мунозараларда Абу
Абдураҳмои Мұҳаммад бинни-ал-Хусайн ас-Суламий аи-Нишобурийининг
“Табақот-ус-сўфия” асаридан далиллар келтирас экан, автор беши табақадан
иборат бу китобда ўзидан олдин ўтган ва замондоци юздан ортиқ машойих-
сўфийларининг ҳаёти, фаолияти, касб-кори, хулқ-атвори ҳақида латиф бир
тарзда ҳикоя қўлган экан. Абдуллоҳ Анзорий ана шу китобдан олинган
далилларни иакл этиши жараёшида унинг муаллифи назардан соқит этган
машойихлар ҳақидағи воқеаларни қўшиб кетар экан. Анзорийининг

муридларидаи бири ўша ҳикояларни тўплаб, тартиби билан жойлаштириб бир китоб яратибди. Лекин бу асар соф қўхна Ҳирот лаҳжасида битилгани учун XV асрнинг барча китобхонларига тушунарсиз экан. Абдураҳмон Жомий ана шу асарлардан файз тониб, замонидаги машҳориҳларнинг ҳам фаолиятини қамраб олган ҳолда, ҳаммабои тилда бир асар ёзиши режалаштириб қўяди. Лекин бундай китобни яратишга имконият ёки бир турткى бўлмайди. Ана шуднай бир пайтда “кунлардан бир кун Амир Низомиддин Алишер олдин кўнглидан ўтган ва хотирида ўрнашиб қолган” ўша ниятни рўёбга чиқарини илтимос қиласди. Натижада, “Нафаҳот ал-үис” асари ёзилди. Бу далил икки жиҳатдан характерлидир. Биринчидан, Навоий ҳам Жомий сингари ўтмиш сўфиийлари ҳакида замона аҳли учун давр талабига жавоб берадиган китоб яратилишини бир маънавий зарурият деб тушунганд. Иккинчидан, бундай асарнинг сўфиий ёки шайхлар ҳаётининг оддий хронологик тағсилоти бўлибгина қолмай, катта ахлоқий-татъимий, ижтимоний-фалсафий аҳамиятга эга эканлигига ҳам алоҳида эътибор берган. Кейинчалик мазкур асар Навоий томонидан ўзбек тилига “Насойим-ул-муҳаббат” номи билан эркин таржима қилинганинги ҳасобга олсан, бу икки санъаткор руҳий яқинлигининг ялдизлари нақадар теран эканлигини аңглаб олиш қийин эмас. Бундан ташқари, Жомий Навоийнинг илтимосига кўра муаммо назариясига доир махсус рисола ҳам ёзган.

Алишер Навоий устозининг фотиҳаси ҳамда қўялаб-қувватлаши туфайли икки йилда “Хамса”ни ёзиб тутатади ва яна унинг ҳукмига ҳавола қиласди: мўъжизадек туюлган бу ҳодиса Жомийни ҳайратга солади:

Назар солди очиб варак-баварак,
Бўлуб мултафат чун очиб ҳар варак.
Қаю сўздаким бир савол айлабон,
Ҳавобин дегач завқу ҳол айлабон.
Қилиб гоҳ таҳсину гоҳи дуо,
Ки юздин бири йўқ манда муддао.
Етиб ҳар сўзи күшоде манга,
Бўлуб ҳосил андин муроде манга.

Абдураҳмон Жомийниш деярли барча илмий ва бадиий асарларща Алишер Навоий шеъриятида қилини қирқ ёрадиган даҳо санъаткор, Шарқ назмининг қуёши, кўялаб ижодкорларнинг тарбияттар устози сифатида ардоқланади. Навоий шеърлари “ошиқлар қалбии бацд, гўзаллар лабини шакарханд эйти” деган Жомий “Хирадномаи Искандарий” (1485)да юқоридаги таассуротлар асосида шоир “Хамса”сини Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлевийнинг достонлари билан қиёс этиб, юксак баҳолайди. Бизнингча, бу ерда Жомий маслакдоши “Хамса”сидаги олий дарражадаги санъаткорлик маҳорати билан бирга, ундаги замон руҳи, ижтимоий ҳаёт, адолат учун кураши тоғисининг чуқур ифодаланганинги назарда тутган бўлса керак. Зоро, Низомий ва Хусрав ижодини сўз санъатининг юксак нуқтаси деб билган Навоий улар қаламга олган мавзуу ва образларни мутлақо янги тараққиёт чўққисига олиб чиқди, улар орқали ўзининг адолатли шоҳ, тинчлик учун, марказлашган давлат учун кураш,

халқарварлык, ободончилик, халқлар дүстүрлигі, севги-мухаббат, оыла, шахс эрки, хотиң-қызларнинг тадбиркорлығи ақл-заковатига ҳурмат, ватанпарварлык өтөсүнүң көңгү күлмәдә бадий нозик тасвирилшатын мұваффақ бўлган, унда ижтимоий рух кучли. Шунинг учун ҳам Навоий “Хамса”сини устозлари асаридан юксакрек баҳолашта интилиб, қуидагиларни ёзган Жомий мутлақо ҳақиқидир:

Туркىй тилда даги нақиң келди ажаб,
Ҳатто сөхрәрлар боғладилар лаб.
Бундай ёқимли нақиң туширган қалам,
Бошига оғарып ёғдирсек олам.
Кечирсек форсийда гавхар тергандар,
Дарий тилда дур газна берганлар,
Бунинг тили хамгар бўлганда дарий,
Мажолосиз қоларди уларнинг бари.
Бу мўъжиза мезон ўзлансан агар,
Ким улар Низомий, ким булар Ҳусрав?
Унинг тили бошқа, бунда бошқа тил.
Шундан ажратишга йўл топмас ақл.
Суҳан устозидир таъбинг кудрати,
Шеърият келди хоманиң қуввати.
Хорлик бурчагида куч боғлаб осон,
Рашнақдан колганди сўз аллакачон.
Сен порлоқ жилосин қайтариб бердинг,
Суҳан майдонида жавлон эттирдинг.
Заковатинг нури баҳш этии сафо,
Навоий лутғингдан тоңди у Наво.
Эй суҳан устоди, сенинг таббинг щундай ўткирки,
Сенинг қаламиңг қалиғи билан сўз (хазинаси) очилди.

Демак, Абдураҳмон Жомий Навоийни садоқатли дүст, чин инсон, хақиқий маслаҳатдони, руҳий сафдони, айни пайтда, тадбиркор давлат арбоби, тенгиз санъаткор сифатида қадрлаган, эъзозлаган, юқори баҳолаган.

Хақиқатдан ҳам, Навоий билан Жомий бир умрга руҳан яқдил, қалбан пайваид эдилар. Бу хусусият Жомийнинг Навоийга ёзган юзлаб мактубларида ҳам ўз ифодасини топган. Айниңса, ўн бешинчи аерда ва ундаң кейин яратилган илмий, тарихий ва бадий асарларда ҳам бу маънавий муштараклик ҳақида кўплаб қайдлар мавжуд. Жумладан, уларда Жомий ҳар бир асарининг биринчи ўқувчиси Навоий экани, устоз айрим асарларини бевосита шогирдииңнинг хоҳиши-илтимосига кўра ёзганлиги айни пайтда Жомий ҳам Навоийнинг девонлари, “Хамса”си ва бошқа асарларини яратнишда унга хомий, мададкор, маънавий рағбатлаитирувчи сифатида катта таъсир кўрсатганлиги қайд этилади. Бугина эмас, Навоийнинг ўзи ана шу устоз-шогирдлик ҳақида беш кисмдан иборат “Хамсатул-мутаҳайирии” асарини ёзгани, Жомийнинг бир неча асарини ўзбек тилига таржима қылғанлиги ҳам таъкидланади, хусусан, “Насойим ул-муҳаббат”, “Чиҳил ҳадис” асарлари эркин, ижодий тарзда ағдарилгани ўқтириллади.

Шу билан бирга биз Навоийнинг “Мажолис ун-иафойс”, “Мезон-ул-авзон”, “Мұхқамат-ул-лугатай”, “Девони Фоний” ва бошқа асарларини күздан көчирап экәтмиз, хамина устози унинг назар-эътиборида турғанлигини, уни дөйн эъзозлаб энг илиқ сұзлар билан таъриф ва тавсиф эттегиңиң гувоҳи бўламиз. Бу нукта айниқса, шоирниң дунё эник поэзиясиининг гултоzlаридан бўлмиш “Хамса” достонларида яққол кўзга ташланади.

Дастрраб щуни таъкидлаш керакки, Навоий ҳар бир достонининг муқаддимотларида ўзидан олдин “Хамса” ёзган Низомий, Хусрав Деҳлавийлар ҳақида фикр юритар экан, уларниң ижодига ғоявий-тематик ва санъаткорлик нуктаи назардан юксак баҳо бериб, улар билан мусобақаланиш қудратига эга эканлигини камтарлик билан кўрсатади. Ўз устози, маслақдори, ҳаммаслаги Абдураҳмон Жомийга келгацда эса, таъриф ва тавсифга анча чуқар, атрофлича, мукаммал далилланган ҳолда ёндашади, унинг ҳаётини, ижодига доир лавҳаларини назм ришиласига тортади.

Шоир муқаддимотларининг Жомийга бағишланган бобларида унинг ижтимоий келиб чиққини, ўқини, маслаги атрофидагилар билан муносабати, шахсияти, ҳулқи тасвирига кенг тўхталиб ўтади, уни сўфизм назариётчиларининг ҳам пешвоси сифатида характерлайди. Навоий Жомийни дунёвий билимлар донишманди сифатида тилга олар экан, унинг тилишунослик, адабиётшунослик, тарих, фалсафа, риёзиёт, ҳандаса, мағтиқ, ҳадис сингари фашларда ҳам тенгсиз бир мутафаккир эканлигини таъкидлайди. Уни Шарқу Фарбаниң Ибни Ҳажар, Афлотун, Ибни Ҳожиб, Жорулоҳ (Замахшарий) каби олимлардан ҳам устун кўяди:

Кашфи ҳикмат иши камоҳи анга,
Ҳам табию ҳам илоҳи анга.
Худ риёзи фикри гардунрав,
Айириб чарх мазрайин жав-жав.
Арабиятда даре анинг вирди.
Ибни Ҳожиб камина шогирди.
Ибни Ҳожиб демойки, Жорулоҳ,
Онга тағсир ишинда йўқ огоҳ.

“Хамса” муқаддимогларида Навоий ўзининг Жомий билан бевосита маслақдорлиги, ижодий алоқада эканлиги, жуда кўн ижтимоий масалаларни ҳал килишида у билан масаҳатлашганлиги ҳақида батафсил фикр юритади. Хатто бир ўринда Жомийнинг матъум вақт давлат хизматида бўлганлигини ва шунда ҳам илмий ҳамда ижодий ишни канда қилмаганлигини таъкидлаган. Навоий фикрича, Жомий юзлаб фикр, тафсир, ҳикмат, ҳадис, тасаввуф билан шуғулланадиган олимлар ҳамда ижодкорларга бевосита устозлик, раҳиамолик қилган. Улар Жомийга ихлюс, таъзим ва пайравлик билан асарлар яраттандар.

Муқаддимогларда Алишер Навоий устозини сўз саиътининг донишманди, мутафаккири сифатида баҳолар экан, унинг асарларини тематика, ғоявий йўналиш, бадний маҳорат жиҳатидан ном-баном характеристика, изоҳлаб беради. Агар “Лайли ва Мажнун” достонидаги

муқаддимогда Жомийнинг “Ҳамса” ёзишга киришгани, уч китобдан иборат девон тузгани, “Силсилатуз-заҳаб”, “Тұхфатул-афкор”, “Сұхбатул-аброр” достонлари ва боңға бир неча асарлар яратганини таъкидлаган бўлса, “Сабъаи сайёр” достонида адабиётшунослик, фикъ, тиљшунослик ва илм-фанинг бошқа соҳаларига доир ўплад асарлар ёзганини изчил тарзда тасвирлаб, баҳолаб ўтган.

Маълумки, Навоий жуда кўп диний, тарихий масалаларни, ижтимоий-сиёсий мұаммоларни ҳал қилишида ҳам бевосита устозидан маслаҳат олган, кўмак сўраган. Чунончи, шоир “Садди Искандарий”ни ёзишга киришишдан олдин Искандар ҳақидаги барча тарихий, бадиий асарларни ўрганиб чиқди, ҳалиқ ривоят ва ағсоналарини кўздан кечирди. Буюк жаҳонгир шахсияти ҳақидаги фикрларда ихтилоғлар кўнлигин аңглагач, шоир воқеа асосини Жомийдан сўрайди. Устози Низомий тасвирлаган Искандар ҳаммадан кўра ҳақиқатта яқинроқ эквалигини айтади.

“Ҳамса” достонларидағи мұқаддимотларни сингчеклаб ўқир экапмиз, кўз ўнгимизда мутафаккир Жомийнинг донишманд олим, буюк сангъаткор сифатида ижодий биографияси кўз олдимизда мұкаммал иамоён бўлади. Айни нийтда улар нұктадон бир адабиётшунос томонидан таҳлил этилиб, баҳо берилгандек туюлди:

Яна “Сұбха” жон риштасин тор этиб,
Ки ҳар мұхра бир дүрри шаҳвор этиб.
Чу Юсуф сўзин онкор айланбон,
Зулайҳо киби элни зор айланбон.
Чекиб хома “Лайлино Мажнун” сари,
Юз оғарт солиб төгу ҳомун сари.
Бу дамким қызиг ҳомасин дурғиншон,
Сандар ҳадисидин айтур нишон.

Маълумки, Абдураҳмон Жомий илм-фан, маданият аҳлигининг, дин арбобларининг пешвоси, шайхулислом бўлишига, юзлаб олимлар, давлат арбоблари унинг манзилини ўзларига бир муқаддас даргоҳ деб билишларига қарамай, ғоятда камтар, камсукум инсон бўлган: шогирдлару муридларидан, замона ҳукмдорлардан келган сон-саноқсиз тортиқ, ишъом-эҳсонларни ўзининг асл эгаси - ҳалқа, стим-есирларга тарқатган, мачит, мадрасалар қуришга берган, ўзи факирона умр кечирган; жамият, шариат олдиғидаги хизматларини ҳеч қачон неси қўлмаган. Алишер Навоий “Ҳамса” достонларида устозининг ана шу ҳислатларини тасвирлашга ҳам кенг ўрин берган ва ўз давридаги баъзи уламолар, илм-фан ва жамоат арбобларига ўриак қилиб кўрсатган.

Бирор кўнгли олидаким соғдур,
Агар заркаш ар бўрёбоғдур.
Агар бўлса ўз фанинда бебадал,
Ғашиматдур ул борчага филмасал.
Қаю кимсаким аҳли идрокдур,
Анга жон фидо килса не боклур??

Алишер Навоий “Хамса”ни тутатгаидан сўнг хаёлан уйкуга кетади ва ўзини бир бўстон ичидаги кўради. Шу пайт Ҳасан Дехлавий келиб, уни боғ тўрида ўтирган иноирлар базмига етаклади. Уни Саъдий, Фирдавсий, Унсурий, Саноий, Ҳоқоний, Анварий билан танинггиради. Жомий билан Ҳусрав келиб, уни Низомий ёнинг элтиб ўтқизадилар. Бу билан Навоий бадиий ижодда ўзининг ана шу мутафаккирлар билан тенг бўла олгаплигини ўқтиради ва Жомий ҳамиши уни қўллаб-кувватлаб келганлигига яна бир карра инора этади. Шу бобинг давомида ҳам устозини бир неча марта тилга олади ва унинг асарлари ҳамиша, барча авлоидларга хизмат этажагини башорат қиласди:

Шак эрмаски, фатҳ айлабон хушку тар
Скандар каби олгуси баҳру бар.

Демак, Алишер Навоийнинг “Хамса” достопларидағи муқаддимотлар Жомийнинг ижтимоий келиб чиқини, таҳсил даври, маслаги, асарларининг ёзилиши, гоявий концепцияси, бадиий қурдати ва бошига жиҳатлари хусусида ҳийла пухта маълумотлар берар экан. Бу бадиий далиллар икки буюк санъаткорнинг ижодий манераси, фалсафий қарашлари, сўфизмга муносабатларидағи муштарақликни аниқлашга муайян тарзда қўмаклашади ҳамда Жомий ҳақидаги тушунчаларимизнинг айrim жиҳатларини тўлдиради. Шунинг учун ҳам бу масалани Абдураҳмон Жомий асарларидағи Навоийга бағишланган алоҳида боблар ва бўлимлар билан жиддий қиёсий ўрганиши икки қардош ҳалиқ адабиётининг баъзи бир назарий масалаларини ҳал қилингана ёрдам беради. Унбу муаммо Е.Э.Бертеъс, А.Мирзоев, А.Ҳайитметов, Н.Маллаев, Ҳаким Ҳомидий, С.Воҳидов сингари машхур олимлар томонидан бир қадар ўрганилган. Аммо унинг кўи жиҳатлари янги тадқиқотчиларни кутмогуда.

Хуллас, икки қардош ҳалиқнинг буюк фарзаандлари, даҳо санъаткорлар Жомий ва Навоийлар ўргасидаги маънавий бирлик, руҳий муштарақлик қардош ўзбек ва тожик ҳалқлари ўргасидаги дўстлик, азалий ва абадий ҳамкорлигимизнинг зарварақларидир. Улар ҳамиши ҳалқларимиз руҳига зиё бағишлаб, биродарлигимиз йўлини нурафишон этаверади.

Нажмиддин КОМИЛОВ

**АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ
“МИНҲОЖКУН НАЖОТ” ҚАСИДАСИ**

Маъумки, Навоий форс-тоҷик тилида ўнга ажойиб қасида ёзид, улуг қасиданавис шоир сифатида шуҳрат қозонганди. Зоро, қасида ёзиши, яна тағин Ҳоқоний, Анварий, Салмон Соважий каби сўз усталари, бемисил қасиданавислар билан беллашиб, баркамол асарлар яратиш жуда катта истеъод ва теран фалсафий тафаккурни талаб қиласди. Алишер Навоий ўз устози Абдураҳмон Жомий ва дўсти Ҳусайн Бойкаронинг хоҳишларини инобатга олиб, олтига форсий қасида ёзади. Буларни қуйидагича номлайди:

“Рұхул қудс” (Муқаддас рух), “Айнұл ҳаёт” (Хаёт қашмаси), “Тұхфатул ағкор” (Фикрлар тұхфаси), “Құтул құлуб” (Қалблар қуввати), “Минһожын најжот” (Нажот йүли), “Насимул ҳұлд” (Жаңнат шабадаси).

“Рұхул қудс” 132 байт, “Айнұл ҳаёт” 106 байт, “Тұхфатул ағкор” 99 байт, “Құтул құлуб” 120 байт, “Минһожын најжот” 138 байт ва “Насимул ҳұлд” 129 байтдан иборат бўлиб жами 724 байтдир. Шоир бу олти қасидани жамлаб “Ситтаи зарурия” (олти зарурий қасида) деб ном қўяди. Яъни бу билан ушбу қасидалар бир-бирини давом эттирувчи бир туркум асарлар эканлигини таъкидлаган.

Бундан ташқари, Навоий йицлининг тўрт фаслини таъриф этувчи тўргита қасида ёзиб, уларин “Фусули арбаа” (тўрт фасл) деб атаган.

1965 йилда пашр бўлгани ўн беш томликининг бешинчи томига кирган “Девони Фоний” ичидә факат “Тұхфатул ағкор” қасидаси бор. “Ситтаи зарурия” 1968 йилда “Адабий мерос”нинг 1-китобида ҳам арабий ва ҳам кирилицида тўзинқ эълон қилингани. Аммо профессор Ҳамид Сулаймон бошлаган бу иш охирига етказилмай қолди. Яъни Навоийнинг қасидалари ўрганиб, улут шонрининг бу жанрдаги маҳоратини очиш, унинг Ҳоқоний, Анварий, Ҳасан Дехлавий каби салафларнiga мунисабатини аниқлаши, қасидаларининг ўзаро маъно-мазмун жиҳатдан боғлиқлигини очиб бериш, уларни ўзбек тилига таржима килиш, шархлаш, шонрининг бошиқа асарлари билан қиёслани каби масалалар амалга ошмай келади (М.Кодирова “Айнұл ҳаёт” қасидасига бағищалаб мақола ёзган “(Адабий мерос”, 1-китоб, 109-112-бетлар) аммо ғалат ва хатолар кўни).

Назаримизда ушбу масалаларни ҳал қилиши учун “Ситтаи зарурия”даги ҳар бир қасидани олиб, алоҳида ўрганиш керак бўлади. Шундай қилинса, шонрининг ижодий нияти, ғоялари аёнлашади, маҳорати ҳам тағсилотлари билан кўринади. Биз бу ўринда “Ситтаи зарурия”га кирган энг узун қасида “Минһожын најжот” (Нажот йўли) қасидаси таҳдиллига тўхтамоқчимиз.

Қасида кўйидагича бошланди:

Зихий, аз шамъни рўят чапми мардум гашта нуроний
Жаҳонро мардуми чашм омади аз айни инсоний.
(На ҳушким, юзингнинг шамъидан оламининг кўзи
равшаналашди-нурли бўлди. Жаҳонга сен Инсонийлик
ҳақиқати (кузи) бўлганинг учун сен жаҳон кўзининг
гавҳарига айландинг).

Бу матлаъда уч маъно мужассам: 1) Одам Атонинг ҳали жаннатдан қувилмаган пок вужуди; 2) Муҳаммад Мустафо (САВ) нури; 3) Комил инсон вужуди. Ҳар учала маъно ҳам бир-биринга боғлиқ. Яъни, одам Парваридгор томонидан яратилганда ҳамма фазилати билан мукаммал эди, уида Нури Раҳмоний акс отган бўлиб, у жаҳон кўзининг гавҳаридай азиз ва мукаррам эди. Чунки, Одам Атода Муҳаммад Мустафо нури азалдан мавжуддир (Худо биринчи яраттан нарса - логос, калом ҳам шу нурдир). Ҳазрати Одам сафиюллоҳ - Одам Ато ва Муҳаммад Мустафо Комил инсон тимсолидирлар. Комил инсон эса жаҳон кўзи, яъни одамийлар одамийси ҳисобланади. Инсонийликнинг жавҳари - ҳақиқати Комил инсонда зуҳр

этади, у күз сингари ўзгаларни күради-ю ўзини күрмайди, янын ўзи учун эмас, ўзгалар учун яшайды.

Навоийинг:

Каро күзум, келу мардумлик эмди фан килғил,
Күзум каросига мардум киби ватан килғил...

деган малихур байти ҳам шу матьни ифодалайди.

Энди қасидага кайттайлик. “Минхожуң најжот” қасидасининг насаби (бошлайма қисми) мана шу Комил ишон - Ҳазрати Одамнинг Тангри кудрати билан яратилиши, унинг жаннатда Ҳаво билан осуда ва баҳтли ҳаёти, Одам Атонинг таърифи тавсифига бағишланган. Ўн бир байтда шоир Одам тупрғининг фарицталар томоцидан Ердан келтирилгани, вужудининг тилемити Ҳудонинг илми ҳикмати билан тиклапиб, ақду дониш ва билим суви билан корилгани, Аллоҳ илмига мушарраф бўлгани учун барча мавжудотларга сардору сарвар экани, шу боис малоқлар унга сажда қилгани, аммо Иблис кибру ҳаво юзидаи саждага бўйин эгмагани айтилади.

Навоий Иблиси “ваҳиий қуш” деб атайди. Ишон эса Тангри наздидаги энг мукаррам зот бўлди ва Ҳудонинг халифасига айланди. Бироқ мардуд (рад этилган) ва малъун (лаънатланган) Иблис қасд олишга чоғланиб, сенга манъ этилган дараҳт мевасиши едирди ва Аллоҳ Таоло жаннатдан чиқарниб юборди, дейди Навоий.

Шоир буни афсус ва ачинини ҳисси билан тилга олади:

Намедонам чи шуд бо он, ки Ҳак “лотакраба” фармуд,
Гирифти бо рафиқат нуктаи он душмани жони?
Магар з-он рӯз гандум синаи худ чок зад з-он ғам,
Ки аз чи душманат фармуд тарки банди фармоний.

(Билмадим, нима бўлди-ю Ҳақ “узоқлашинг” деб буюрди. Сен ахир нега рафиқинг (Ҳаво) билан жонлар душмани Иблис сўзига кирдиларинг... Ўна кундан бери, яъни сизлар буғдой егандан бери бу замдан бугдойишнг сийаси чок (буғдой донасидағи ёриқда ишора), душманинг (Иблис) сенга фармонига бўйинсузмасликни ўргатди, сен негадир ҳийлани англамадинг).

Навоийнинг фикри бўйича, бу Иблис аслида пафс эди. Пафс қуткуси Одами комилликдан, жаннатдан дунё биёбонига қувғин қилди:

Чи расвоист, к-он нағъ одами комил зи боғи хулд
Шавад дар дашти ғам саргашта чун ўли биёбоний...
Сиях рўйнио, даргах рондаги турбату меҳнат,
Чи буд ин жумларо боис ҳамин як ҳаззи нағсоний.
(Қаңдай расволикким, шундай бир комил одам
жаннатдан қувилиб, саҳро деви каби ғам даштида
саргардан бўлса... Бу юз коралик, улуғ даргоҳдан
қувилини, азобу уқубатнинг барчасига сабаб ўша
нағсоний лаззат эди).

Кўринадики, бунда Кўръондаги ривоят асос қилиб олинган. Кўръонда Одам Атонинг жанинатдан қувилини ва инсои зотининг дунёдаги азобу меҳнатлари, айрилиқ ва қийинклар, ғаму андуҳ шундан бошлангани кўп ояти карималарда зикр этлади. Аллоҳ бандасини шайтон сўзига кирмасликка, бандаликни тарк этмасдан, итоатгўй бўлиб ящашга даъват этади. Инсои ўз аслига қайтиши учун ўша гуноҳдарини унутмай, бу гуноҳларни тоат-ибодат билан ювини, такомиллайиб бориши даркор. Шундай яна жанинатга қайтади.

Алишер Навоий бу гояни ўз қасидасига асос қилиб олар экан, Одамнинг жанинатдан қувилишини буюк бир фожеа сифатида талқин этади. Жанинатдан ҳайдалини-бу поклик оламидан, руҳлар оламидан, Нарвардигор хузуридан ҳайдалини, бу роҳатдан азобга, фаришталикдан ҳайвонийликка томон ҳаракат деб қаралади.

Бироқ шуниси таскин берадики, Аллоҳ таоло бандаларига яхши, солиҳ амаллар билан шуғулланиб, савоб ишлар қиссалар, зикру тоатда бўлсалар, яна жанинатга қайтишига ватъда беради, иккинчидан, Аллоҳ инсонларни Ер юзида жамики нарсаларга қўриқчи-юсобон қилиб кўйди:

Вале мулки жаҳонпро ёфти ҳукми жаҳонбони
(Жаҳон мулкига жаҳонбонлик ҳукмини топдинг).

Бироқ муҳими факат бу эмас. Муҳимроқ жиҳати шуки, Навоий қасиданинг асосий қисмини инсон нуқсонларини очиб кўреатиш ва нуқсонлардан қандай қилиб кутилиши ҳақида ёзди, инсонни ахлоқий-маънавий камолот сари ҳар доим, ҳамиша кураш олиб боришига даъват этади. Бир юз саккиз байтли қасиданинг саксон байти айлан шу гоя талқинига бағишланган. Навоий-Фоний наздида Одамнинг жанинатдан қувилгани қанчалик ачинарли ва фожиали бўлса, униш ўзини, ўз бурчи, олий вазифаларини англамай, гофил бўлиб, ҳирсу ҳавас, ёлғон ва риё, танипарварлик, фаҳига берилини ҳам шунча фожиали ва ачинарли. Шу боис шоир хийла кескин ва сатирик оҳангда иллатларимизни ойнада кўреатгаандай бирма-бир кўреатиб ўтади. Ҳар бир иллат, ҳар бир нуқсуз бадахлоқлик нечоғлик инсонни тубанликка олиб бориши, униш ўша жанинатий номига иснод келтиришини таъкидлайди. Одамлар буни англамайдилар, бугина эмас, улар қабиҳ ишларини эътиқод-имон билди беркитмоқчи бўладилар. Навоийнинг мазамматлари байтдан байтта кучайиб боради, байтдан байтга биз тўрли хилдаги пуксонлар, камчиликлариниг фалокат келтирувчи поэтик шарҳини ўқиб борамиз. Шоир бу билан одамларни огоҳлантиради. Натижада асарни ўқиб, қадам-бақадам ҳақиқий тақво ва ҳалоллик, росттўйлик ва тўғрилик йўли нима эканини англаб борамиз.

Хўш, улуғ шоир наздида ёмон ва ғайриинсоний ҳисобланган “хислатлар” қайсилар?

Қасидани бир бошидан ўқиган одам қуйидаги пуксонлар Навоийнинг рад этувчи сатирик баҳосига “сазовор” бўлганини кўради: гофиллик, гуноҳ қилиб тавба қилмаслик, имонининг сустлиги, золим нафс талабларини

Парвардигор муҳаббатидан устун күйиш, ўзини ҳар хил рангга киритиб, турлича товланиб юриши, мусулмонман деб керилиб, мусулмончилек ишидан бехабарлик, тақаббур-мамманлик, ҳасислик, риёкорлик, ҳийла-пайранг, фириғарлик, лаззатпарастлик, фаҳшга берилиш ва ҳоказо.

Баъзи мисодларни келтирамиз:

Жаҳон равшан зи нури офтоб, аммо ту чун хуффош,
Ҳама дар пардаҳо зулмати шаб жаста китмоний...

(Жаҳон күёш нуридан равшан, аммо, сен бойёли
каби тун пардалари ичиди яшеришиб учасан).

Қүёш бу ерда Аллоҳ тимсоли. Оламни Аллоҳ нури ёритиб турса-да, аммо сен күёшга тоқат қилюлмайдиган бойёли каби яширин иш қиласан, яшеришиб фикрдасан. Бу ўринда Навоий муноғиқ, имонини нафсига сотган одамлар ҳақида ганирмоқда. Улар Худога ҳам ишонмайдилар, гарчи Худонинг қудрат ва ҳикмати қундай равшан бўлса ҳам. Уларниг ичиди “коғир нафс” шунчалик ўринашиб олганки, бунга қул бўлиб, “*Ла илаха илла Аллоҳ*” (Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ) деган имон калимаси ҳам бундайларниң қоронгу қалбини ёритмайди, балки, бу қалбга киролмайди ҳам. Чунки, наришон қалбга пур кириб жойлашмаганидек, “айнига қатра” ичига оби ҳайвонни жойлаши қийин.

Сенинг бу ислому имонингдан коғирлар қаҳ-қаҳ уриб кулади, ўзинингга бок, уялгин бундай “мусулмонликдан”, дейди куюниб Навоий. Бундай одамларниг тушунчаси шунчалик торки, деб давом этади шоир, улар жапнатни худди дунёдаги ўзларининг машият ва фаҳш асбоби бўлган нарсалар каби тасаввур этадилар. Яъни, жанинат хурларипи гўзал қизлар деб, тўбини бир оддий дарахт деб, Кавсарни маҳалладаги ҳавз деб ўйлайдилар. Ҳолбуки, Қуръон оятлари рамзий маънога эга, жанинат ашёлари тасвири ҳам тимсол ва рамзлардир. Уларни дунё нарсаларига тенглантириш бемаънилик ва хато:

Зихи кўри ба боғи оғариниши, к-аз сари гафлат
Фалакро нилуфар дони-ю, тубиро гияҳ, хони
(Бу кандай қўргулики, гафлат ва идоонлик оқибатида
фалак-осмонни сувдаги нилуфар гуллар, жанинатдаги
туби дарахтини эса гиёҳ деб тушунса).

Бундай одамлар Қуръондан ҳам фақат ўз нафсоний манфаатини кўзлаб фойдаланадилар, муқаддас китоб оятлари кўзига олтин таигалари бўлиб туюлади, уларниг намозу рўзаси ҳам сиддиқи дилдан эмас, балки риё ва ҳалқин алдаш учунидир. “Халқ кўрсии деб масжиддан ҳаммадан кейин чиқасан, намозда юз хил найранг ўйлайсан, бунақа намозхонликдан кўра роҳиблик юз марта яхши”, деб ёзади Навоий. Шу каби шариатнинг бошқа шартларини ҳам хийла-пайранг юзасидан бажарадиганлар бор. Рӯзани аксар тутмайсан, агар тугсанг ҳам ноини тежаш учун тутасан.

Ва-гар аз ғояти ислом майди Ҳаж күни ногох,
Матон Макка пурси аз гарони ёхуд арzonи
Агар суди пакў умmed бошад бор барбанди.
Дар ин Ҳаж фарқ кай бонац дар исломину насроний...
(Ва агар ислом талаби билан ногоҳ ҳажга бормоқчи
бўлсанг аввал Маккадаги матоларнинг қиммати ёки арзоплигини сўрайсан.
Агар яхши фойда олиш умиди бўлса юкни оргиб, йўлга туҳсасан. Бундай ҳажда
мусулмонлик билан насронийлик орасида қандай фарқ бор?)

Ҳолбуки, Ҳаж зиёратига манфаат учун, тижорат ишини юргизиш
учун эмас, балки холисалиллоҳ Қальба зиёрати учун, пок Парвардигор
амрини бажариш учун борилади. Навоий фош этишни давом эттириб,
бундай одамлар агар тижоратдан нафъ кўришни умид қиласалар, “кам
сармоялик, йўл ҳавфу ҳатари ва жисмоний заифликни” баҳона қилиб,
Ҳажга бормай кўя қоладилар.

Модомки, XV асрда, Навоий замонида ана шундай тижоратчи
“ҳожилар” бор экан, демак иллатнинг тарихи узоқ ва бизнинг замонидаги
тожир “ҳожилар” ўналарини давомчиси бўлиб чиқади. Навоий учун бу
иафакат шариатта зид иш, балки одамийлик ахлоқига ҳам зиддир. Биз
бундай “Ҳожилар” ҳақида беш ярим аср муқаддам ҳазрат Навоий тили
билан бундай дейишга ҳақлимиз:

Бувад имонат он, исломат ин, Эй “мўмини муслим?”
Жуз ин ҳам коғирҳо бошадат дар парда пинхони.
(Имонинг шуми, исломинг буми, ҳайф сенга “эй
мўмини муслим” номини кўтарган. Бундан бошка
коғирдиклар сенда парда ичида яширинган).

Алишер Навоий бу қасидада танқид остига олган одамларнинг касбу
кору, машғулоти ва ҳоказоларга қарамагаи. Буни айтишимизнинг сабаби
шуки, бошقا асарларида, чуноичи “Махбубул қулуб” ва “Ҳайратул
аброр”да у золим подио, риёкор шайх, ришваҳӯр шайхул ислом ёки вазиру
амир, тамагир қози ва ҳоказо ҳақида алоҳида-алоҳида олиб фикр
билидиради. Үцибу қасидада эса, умуман ахлоқий ноқисликлар, ўзини, ўз
одамийлик аслияти, аввал бошда худо ато эттап Раҳмоний хислатларни
барҳам бера бориб, шайтоний белгилар касб этган одамлар хусусида аччиқ-
аччиқ, заҳарли ва фош этувчи мисраларни тизиб, уларнинг ташки қиёфаси,
фаолиятини ҳам, ички олами бузуқ пиятларини ҳам ўқувчи кўз олдида
иамоёи қиласи. Қасида нафс йўлида дину имонидан кечган, нима бўлса ҳам
бойлик ортиришни ўйладиган, ёлғон ва алдовни ҳаёт қоидасига
айлантирган одам қиёфаси чизилган. Қасиданинг ҳар бир байтида бигта
салбий хусусият ғоят таъсиричан ва мос-мувоғиқ ўхшатиш ёки истиора,
муболага билан очиб берилади. Баъзан бигта ёмои хислат бир неча байт
орқали тасвир этилади.

Бу ўринда яна бир фикрни айтмоқчимиз. Қасидани ўқиган одам
даҳиатга тушшиб, бигта одамда шунча камчиликлар бўлиши мумкини,
дениши мумкин. Асарни бу тарзда тушуниш хато. Бу ерда бигта ёки бир
гуруҳ одамлар ҳақида ган бораётгани йўқ. Навоий умуман иисонлардаги

салбай хулкни, одам боласыга хос нүқсанларни бұрттириб бағи этган, аммо, бу бұрттириш тағида ҳақиқат өтади: инсон-улуг, инсоннинг ақлу заковати, химмат-шикоати таҳсинга лойиц.

Аммо, инсоннинг тубанликлари ҳам чегарасиз, тубанлашган одамдан күра тубапроқ махлук йүқ дүнёда. Навоий Комил инсон идеали тарафида туриб, ана шу тубанликлар жамул жамини инсонга қайғуриб таңқид қиласы. Ҳа, Навоий таңқидлари, сатираси инсонни ёмон күриши, бадбинлик патижаси эмас, балки писонни юракдан севгани, унга қайғургани, унга бу тубанликлардан најкот тоцииш йўлени кўрсатишга бел боғлаганицидир. Шу учун ҳам қасида “Најкот йўли” деб номланган, ахир.

Шунинг учун у најкот йўлени бағи қилишдан олдин “осий бандаларнинг” гуноҳларини хийла батағсил шеърий таҳлилдан ўтказади, сатирик тасвирни қалинлангтириб, калаштириб бораверади. Шуидай экан, биз ҳам шоир фикрлари магзига янада чуқурроқ кириб бориб, тағии бир неча мисолларни кўздан кечиришин лозим топдик.

Инсонни тубанликка тортувчи шайтоний ҳусусиятлар уни турли куйларга солади, инсон ўзининг салоҳияти, ботиний событ кадр-қийматини, шарағини йўқота боради. Фалакининг қажрағторлиги одамнинг ҳийаллари олдида ҳеч нарса бўлмай қолади. Атрофдагилариниң кўзига “улугвор”, “вали-ю уламо” бўлиб кўринишига интилиш, ўзини Фаззолий ё Каттонийдай аллома қилиб кўрсатишга тиришади. Аммо, аслида на қалбда бир нур, на бошда илму ҳикматдан ишона бор. Аксинча, фикру зикринг чиройли қийицган зеболар билан айш қилини, фахшидан лаззат тошишадир. Қорун деган одам, ривоятда айтилишча, беҳисоб олгин жамлаб, хасислигидан уни яшириб ҳеч кимга фойдаланишга бермаган. Охири ер ёрилиб, Қорунни бойлиги билан ютиб юборган экан.

Навоий шу ривоятни мисол келтириб дейди: “агар сенга Қорун хазинасидан бойлик пасиб этса, бу бойлик учун дунё мулкини бузиб, вайрон этининг ҳам тайёрсан”.

Бундай одамлар қалбida фақат ёмонлик, бадбинлик уруги кўкаради, улардаги хире ва хаво оловидан юзлаб дехқон хирмошлири ёнади. Бироқ, қизиғи шуки, бу йўлда кўз ёши тўқасан, ўзингни баъзан афтода, ожизу мазлум қилиб ҳам кўрсатасан. Одамнинг хийла-найранги олдида шайтон ҳам ип эшполмайди. Шу ўрнида Навоий қизиқ бир мисолини келтиради:

Фаришта, фильмасал, дар шакли инсон гар шавад зоҳир,
Намояд рохи шайтонат, ки жўйи баҳри меҳмони
Лаболаб рохи раёнини дори то қуни мастан,
Сиришта доруни бехушӣ андар рохи раёнӣ...

(Агар, масалан олайлик, фаришта одам суратидан наидо бўлса,
шайтоний ниятинг уни меҳмон қилиш пайига тушади
ва унга сен раённий ранг (кўкиш) майши тўлдириб тутқазасан,
токи маст бўлсин деб. Ҳам раённий майнигта бехуш қиладиган дори қўшиб
ичирасан).

Қандай ажойиб тасвир, таниш лавҳа. Қанчадан-қапча фаришта табиат одамлар мана шунақа фитначи пайрангбозлар домига тушмаган дейсиз бу дүнёи дунда! Аммо, одам осмондаги фариштага ҳам панд беради, уни ҳам алдаб домига туширади, мақсади - фариштадан ҳам манфаат топиш.

Малак эмин намонад аз ту бо ин девфөсыліхो,
Наметарсы зи қаҳри жици, эмин чи сон мони?
(Фариштага ҳам ҳатто сепинг девфөынгдан омон қолмайди,
Таңгри таюло қаҳридап күркмайсан, (аммо) үзинг қандай омон коласан?)

деб фарёд қиласы шонир.

Одам ичидағи дөв бүш қүйилға, у ҳеч нарасадан тан тортмайды, уннинг олдиға Фиръянну Намруд ҳам оддий хизматкордай гап.

Навоийннинг ҳажв күчи, нафрата ошиб кеттегач, қуидагича сатрларни биттан:

Зи бас тори лиbosат он чунон кисват қуни худро,
Ки не доман зи вай гардад, не гирбоне.
Чу кирми к-аз ба сад расвоият берүн кашанд аз вай,
Ки ҳам гүри ту буда ҳам каған аз айни печоний.
(Үзингни шүцидай лиbosатта үрайсанки, уннинг на этаги, иа
ёқаси билинади. Худан пылла куртидай сени ундан ташига
тортиб оладилар. Шундай үранибсанки, гүе бу лиbos ҳам
гүринг ва ҳам кағанингдир).

Кимматбаҳо матолар билан олифталик учун ясан-тусан қилиб кийинин, беүшшов, ярашмаган кийимларни кийинин Навоий мана шунақа заҳархандалы ташбекшлар билан масхаралаб тасвирлаган.

Навоий наздыда булар бариси инсоннинг маңнавий ноқислиги, гоғыллігі белгиларидір. Бири үзиге ярашмаган лиbosлар кийиб күлгү бұлса, боңиқаси дарвең жаңдасини кийиб, үзинш шайхизамон қилиб күрсатмоқчы бұлади. Ваҳоланки, уннинг “хирқасининг қатнда юзта бут яшириңган”. Мақсад - татымагирлик. Яшаш учун Худони ҳам, баңдасини ҳам алдаш, риё домини күриб, мурид овлаш. Манманлық учун уйнинг токталарини олтын суви билан ёзилған Қуръон билан безайди, бирор өзятини дуруст билмайды, осмондаги іолдузларни ҳам дуру гавҳар деб йигиб олишша өлеңләнади. Яна аяңчлеси шуки, ичидағи ҳасади иұртаға үриб, үзиге яхшилик қылғанға зиён етказади. “Агар сени биров мақтаб қўкларга қўтарса, иззат қылса,- деб ёзади Навоий, - сен әвазига уни қўлингдан келса ер билан яксон этасаң”.

Рұхоний ҳаловатта әрнаппін учун нағсанний лаззатдан воз кечмоқ керак. Агар киши одамийлик рутбасида турманан деса йўл фақат шу.

Алишер Навоий боя айттанимиздай, бирор бир ижтимоий гурух, табақа ёки касб әгаларини ажратиб олиб, танқид остига олган эмас. Қасида умуман инсоний ноқисликларни ошкор этишга бағищланған ва бу ноқисликлар камми-қўими аксар инсонларда бор. Жамиятдан бу ноқисликлардан холи одамни топиш қийин.

Ва, шу нүктан-назардан Навоий ҳам ўзини “ноңис бандалар” қаторига қўшгани дикқатимизни тортади:

Худовандо, манам он бандай золим ба нафси худ.
Ки сад чандин, ки гуфтам оядам аз нафси зулмоний.
Агар сад дўзахи дигар бисозӣ баҳри таъзибам,
Сазоворам ва гар ҳам баҳшиям ҳастат ба осоний.
(Эй Худованд. ўз нафси билан золим бўлган
бандалардан мениман, золиму хор этувчи нафсга
гирифторлигим айтганиларим юз карра қўлдир.
Агар яна ўзга дўзах яратиб азобласанг ҳам сазоворман.
Аммо, агар кечирсанг ҳам сен учун бу осондир).

Ҳа, Аллоҳ Раҳийм, кечиримли. Аммо, гуноҳлари кечирилган инсон комилликка эришадими? Йўқ, у авф этилади, бироқ нуқсу ажзи қолади. Комиллик, демак, аввало инсонинг ўзига боғлиқ, унинг ўзи гуноҳи нуқсини англаб, буларни тарқ этиши ва фазилату руҳоний рушд касб этиши шарт. Мана шунда Инесоп шарафи, руҳоний шараф қайта тикланади ва Комиллик мартабалари эгаллаб борилади. Нажот йўли мана шу.

Алишер Навоий ўзини нафси золимга башда бўлганилар қаторига қўшади. Лекин, Навоий қандай улуг инсон эди, унинг умр йўли савобу эзгукликлар йўли эди. Унинг асарларидағи эзгу ва нурбахи тоғоялар, унинг минглаб одамларга етказган муруввату саҳовати, адолат пойдорлиги учун қўилган амаллари бари асрларким, ибрат ва намуна бўлиб келмоқда. У ҳаётда инсонийлик тимсоли эди. Бироқ, шундай инсон ҳам ўзини бегуноҳ, барқамол ҳисобламаган, у яна уч нарсани ургулаб, умид қиласади, шояд парвардиғор шу уч нарсани инобатга олиб, гуноҳларини кечирса. Шонир таъкид этади: 1) исену ноңислик пайдо бўлганда, бу билан керилмасдан, билаке, тавба қилидим, пушаймон бўлдим; 2) феъшимда қусур юз берганда ҳам Расули Ақрам (САВ)га дилдан садоқат кўрсатиб, “Ҳамиша раҳмоний тавғиқ билан комил бўлдим” ва 3) ҳазрати маҳдум (Жомий) хизматини адо этиб турдим.

Ҳазрат Навоийнинг ўзини “зўлмоний нафс”га гирифторлар қаторига қўшишини қасиданинг умумланигирувчилик хусусиятини ошириб, таъсирчанлигини яна ҳам кучли қилингаша сабаб бўлган. Умуман шонирнинг унбу қасидани ёзишидан мақсади одамлар қалбини уйғотиш, гумроҳлик, соғифликдан огоҳлантириш эди.

Буни Навоийнинг асар охирида ўзи таъкидлаган:

Мусалсаал з-ибтидои оғарнииш то бад-ин соат,
Сухан дар як қасида роидам аз рӯи сухандони.
Ба ҳар байташ китобе дарж кардам-сарбасар ҳикмат.
Ба ҳар як дурж пинхон соҳтам сад гавҳари конӣ.
Баёни ҳоли худ з-инсоғ кардам, вон гаҳ авсофаш,
Бувад ҳам баҳра гирад аз таважҷухон виждоний.
Чунон бедор кардам аҳли оламро аз ии гулбонг,
Ки н-ояд хобашон то ҳашр аз андуҳу пазмоний.
(Одамнинг яратилиши ибтидосидан шу дамгача бўлган
(инсон) ахволини бир списилада бир қасидада сухандонлик

билан битдим. Ҳар бир бонидан оёк ҳикматдан иборат бир китоб маъниони байтида жойладим ҳар бир сандиқча ичига юз гавҳар доналарини солдим. Иисоҳф қозасидан ўз ҳолимни баён этдим, чунки ҳар қачон ўқувчи менинг фикру андишаларимдан боҳабар бўлсин. Бонг уриб, олам ахлини шундай уйғодимки, Қиёматтагача андух ва согинчдан уйқулари келмагай).

Дарҳақиқат, шундай. Навоий қасидаларининг ҳар бир байти бир ҳикмат, уларда олам-олам маъни мужассамлашган. Шоир бетараф кузатувчи эмас, мушоҳадалари аниқ нишонга тегадиган, фикрлари тиғдай ўткир, бир-бирини тўлдирадиган ва қувватлантирадигацдир. Бу фаол ва инсонпавар тафаккурнинг инсон тақдирига, унинг кирдикорига ачиниши. Навоий инсонини худди ўша илк яратилиши хилқатидай покиза ва Комил, руҳдай бегуноҳ қўрининишини ҳоҳлайди, ердаги ҳаётдаги адапциилар, бўлғанинилардан ачиниади ва бундан кутулиш, аслини аинглашга даъват этади, бонг уриб фарёд чекади. Инсонни севиш, гуманизмининг моҳияти Шарқда ана шундай идрок этилган. Яъни, Инсоннинг нуксонлари, табиий талинишлари билан эмас, балки инсондаги инсоний моҳиятни севиш ва шуни кўнайтирип учун курашиш.

Навоийнинг форсий қасидалари ҳам шундай қарашни ифодалайди. Аммо, бу қарашлар ҳамон аҳамиятини йўқотмагац, ҳамон инсон ўша касалга мубталодир. Навоийнинг сўзлари шу бонс бугун ёзилган янги асардай жараанглаб турибди, унинг фарёдига биз бугун ҳам қулоқ солишшимиз, ибрат олиб ўзимизни маънавий ўйглашшимиз даркор.

Ботирхон АКРАМ

МУБОРАК “ҲАСБИ ҲОЛ”, МУҚАДДАС ХОТИРОТ

I

Қадимий маданият, маърифат ўчоқларидан Ажам мамлакатлари (Эрону Турон), хусусан, Хуросону Туркистоннинг машҳур шоирлари “илми балога” билимдошлари ўз фаолиятида - хоҳ ишъериятида, хоҳ рисолалари (ё тазкирлари)да бўлсин, шахсияти, турли саргузаштлари, замоиаси, замондоилари, ўзлиги - “ҳасби ҳоли” ҳақидаги мушоҳада-мулоҳазаларини шеърий ё насрый лавҳаларда, сұхбат-ҳикоялар тарзида, баъзан ёднома, фахрия усулида ифодалайди. Бу датвонинг биринчи далили-мисоли сифатида ҳазрат Навоийнинг илк болалик эдаликларидан иқтибос келтирамиз: “Бу факир аввал назмеки ўрганибмен, ҳамоно уч ёш била тўрт ёшининг орасида эрдим, азизлар (шеър) ўқимоқ тақлифи қилиб, баъзи ҳайрат изҳор қилур эрди...” (“Мажолис ун-нафонс”дан). “Бу хоксори наришон рўзгор кичик ёштин ўзумни шеърининг паришон савдосига

тирифтор бүлғоним...” (“Бадоेъул-бидоя” дебочасидан). “Чун кичик ёштин менгің бұлды насиб, Назм адосида хаёлоти ғарийб” (“Лисонугт-тайр”дан)...

“Халойиқ орасида минг байт, икки минг байт ортиқроқ усрукроққым, үzlари жамъ килиб эрділар, бағоят машхұр бұлуб эрди...

Күнгілімда не маңыни ўлса эрди найдо,
Тил айлар эди назм либосида адо.
Ул назмға жонин килибон халқ філдо
Солурлар эди гүнбази гардунга садо...
(“Бадоеъул бидоя” дебочасидан.)

Не, ажабки, Алишер Навоийнинг барвакт башланиб, узокұларға тараған шұхратидан далолат берувчи бу ҳайротомиз мисралар илохій ва ижодий қисмет раҳнамолиги замонидан анча аввал яратылған. “Халқ жонини філдо қилибон” даражада тез овоза бүлған, шүнчалар шоён-шойиста қадр-эътибор тоңған шеърлар (аксарият ғазалиёт)... Абусаид Мирзодек мұстабаид темурийзода ҳукмронліги йылларига мансуб бўлса, бу ёш Алишернинг шеърий иқтидори, сўз даҳоси даҳліз юксак мавқега эга бўлганидан далолат бермайдими?!

Ана ўша бемисолу подир йигитлик йилларида сарҳад билмай жавлони урган сарбаланд хәёллар, беором изланишлар кейипчалик “Мұхокаматул лугатай”да ўзгача “хасби ҳол” тарзида умумлаштирилған: “Фусуниардоз шуароцииң шириң ашғюри ва рангии абыётидан әллік мингдан ортиқ ёд тутубмен ва алар завқи ва хуиҳоллігидан ўзумни овутубмен ва салоҳ ва фасод (марғубу номарғуб)ларига фикр айтибмен... Ўқуриға давовин (девонлари)дин бу фақир машғул бўлмагон девон оз эрмиш... Барчасига кўн катла ўтупмен, балки қўпши ёд тутубмен ва қасонд ва ғазалиётининг ғарийб ва латофатин билибмен, балки ғарийброқ ва латифроқларига татаббу даги қилибмен...”

Табаррук “хасби ҳол” ва муборак ёдноманинг улуғ ҳазрат, валиулоҳу мураббий ишор таржимаи холи -умр ва тақдир йўленинг бири-биридии азиз, ҳам нурхикмат, ҳам беназир манзилларига дохил унтутилмас лавҳа-манзараларини хоҳ “Дебоча”лардан, хоҳ “Хазойинул-маоний” девонларидаги турли жанр (Навоий тасиғида “синф”)га мансуб шеърларда, айниқса, қитъаларда, “Масавий”да, “Соқийнома”да (458 байтдан иборат!), “Хамса” муқаддимотида, “Махбубул-қулуб”да, “Муншашот”да, “Вақфия”да, “Мұхокаматул-лугатай”да кузатамиз, ҳайратта тушамиз, ўйга толамиз...

Мұхим, ёрқин иқтибослардан тамсиллар:

“не тоңгдин оқшомгача ўзумга бир гизо (емак-ичмак)дин ком, не оқиомдин тоңгтacha турфатул айни (турли кайғиятда кеңрілған лаҳзалар) кўзумга уйқудин ором... Хотирим савдоомез хәёллардан мушавваши (ташвишда), бесару дилликдан ҳар иеча дилкаш сўз бўлса, кўнглумга ноҳуш...” (“Дебоча”дан, “Ғаройибус-сигар”).

Менга бу эл ичра ие бир ҳамдаме,
Ки бир дам икковлон дейишсак ғаме.

Не бир ахли давлатдин онча умид.
Ки андии наво топса бир ноумид...
Не бир хужраким, ком топкай күнгүл,
Даме анда ором ташкай күнгүл.
Не ёрики, ранжимни килгай қабул,
Не зорики, ҳажримдин ўлғай малул...
(Маснавийдан)

Шеърият яратиш жараёнининг фақат шоирнинг ўзига аёи руҳий-ҳиссий, ижодий сир-асорори - ўзгача дарди, қийноқлари ва шавқи-рағбатидан шаҳодат берувчи “ҳасби ҳол”нинг хос чизгилари: “Ишқим ошуби түгёнида ҳар суубат (қийноқлар)ким юзланур эрди, чун бир ҳамдард рағиқим йўқ эрдиким, дардимдин шаммаи (озми-кўими) изҳор қилигаймен, бирор байт бирла ул ҳол мазмунини назм қилиб, кўнглумни холи қилур эрдим ва жунуним шиддати ғалаёнида ҳар ошубиким оллимга келур эрди, чун бир ҳамзабон мушғиқим йўқ эрдиким, маҳфий ўтумни ошкор этгаймен, бирор матлаъ била оз вақтда кўп шеър айтилди ва ҳар навъ назм теграмга йигилди...” (Илк “Дебоча”дан.)

“Мунишаот”да ҳам ана шундай муштарак лавҳа мавжуд: “Бу ўттан иккى йилким (Сўз Навоийнинг Астрободдаги хаёти устида боради), бу банда бошиға ҳаводиси рўзгордин юз навъ ballo, ишқи забункуши бедодидин юз турулук ибтило (мубталолик) юзланиди. Оллимга ҳар шиддат келса, чун айтурга бир рағиқи соҳиби асрорим йўқ эрди, ул шиддат ва суубат мазмунидин бирор байт ё матлаъ ҳаёл қилур эрдим ва кўнглумни ул гусса ва андуҳдин холи этар эрдим: бу оз вақтда кўп назм айтилғон эрмиш ва ғазал йигилғон эрмиш, булар зоеъ қилмоқ бандага номақдур)имконисиз) ва тартибиға ҳам била маъмур (бўйорилган)”.

Аммолекин, Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг шеърият даҳосини унинг дини ислом ва давлат йўлидаги, Ватан ва эл-улус манфаати, тариқат ва жамият хизматига бахшида хаёти, фаолиятидан асло ажратиб бўлмайди. “Махбубул-кулуб” муқаддимасидан ва “Вафо бобида” қисмидан мисраларни ўқиб, қаттиқ мугтаассир бўламиз, ўйга толамиз:

“... Бу хокеори паришси рўзгор шабоб авонининг бидоятидан куҳулият (ўрга ёшлиқ) замонининг шиҳоятиғача даврон воқеотидин ва синехри гардон ҳодисотидин ва даҳри фитнангез буқаламунлиғидин муддати мадид ва аҳди байд (бардавом давр) ҳар навъ шиқ (катта-кичик) ва суратда ақдом урдум ва ҳар тавр судук ва кисват (либос)да югурдум... Гоҳ илм мадорасида сафи ноил (пойгоҳ)да ер туттум ва уламо мажолосида илм нуридин кўнгулии ёрутгум... Ва гоҳ азизлар хизматидин ўзумни баҳрамаид ва сўзумни дилписанд ва аржуманд топдим... Ва гоҳ арзол (разиллар) олида безътиборлиғ кўргуздим... Ҳар кўйи ва кўчада югурубмен ва олам аҳлидин ҳар навъ элга ўзумни еткурубмен ва яхши-ёмоннинг афъолин билибмен ва ёмону яхши хислатларидин тажриба қилибмен, хайр ва шаръдии нўш ва ниш кўксумга етибдур ва лаим (иокас) ва карим заҳм ва марҳамии кўнглум дарк (идрок) этибдур...” “Ҳар кимгаким бир вафо кўргуздум, юз бевафолиғ кўрмагунча қутулмадим. Ва

хар кимгаким бир меҳуббат ойини туздум, минг жабру мазаллат (хақоратлар) тортмагунча халос бўлмадим..."

Улуғ одамларда дард ҳам улуғ бўлар экан, армон-ўкинчлар, ҳасрат-наломатлар ҳам... Бас, буюк шеъриятнинг, даҳо шонирлар ижодининг гоялари, тимсоллари ҳам пурдарлиги, нолаворлиги, түфени, исёнкор оҳангларга бойлиги униш печоғлиқ хаққонийлиги, боқийлиги далолатидир...

Беназир улуғ шоир ва улуғ инсоннинг миллий маданиятимиз, алалхусус, миллий руҳиятимиз ва маънивиятимиз учун, жумладан, мумтоз шеъриятимиз, мумтоз сўз санъатимиз-бадиият илми, фасоҳат қонунлари тарихида, тақдирда тутган беназир ўрии, сарбаланд мақоми ҳаққи-хуқуки зътибори-ла, Навоийни бутун умри давомида таъқиб этган хасталик аломатлари, асоратлари ҳақида ёзиши... то ҳануз бизни ларзага солади. Ҳазратнинг ўзи турли асарларида, турли йиллар хотигроти лавҳаларида тез-тез эслаб ўтишиб бекиз эмас. Бу асли подиоҳ Абулқосим Бобур шахси билан боғлиқ Машҳад сафари, мадраса таҳсили, аввал Камол Турбатий, кейин Пахлавон Муҳаммад ташрифлари ҳақида унтутилмас хотира саҳифаларидан бошлианди... Мана Султон Ҳусайн номига йўлланган мактублардан сатрлар:

"...Чун башдаға заъф чирмашибтур, муборак дийдорингизга мушарраф бўлиб, (ногиҳонда) қазо ҳам етса, бу муракқалар (қоралама варакълар) бори сизнинг назарингизда бўлғай... Чун ўзумда ул қувват тонмадим, ул китоблар (дастхати)ни Йосуф Алидин қуллукқа юбордим..." ("Муншаоот"дан).

"Қуллук арзошт (камини кулингиз арз-ниёзи) улким, бу башдаға ёш улгойен оча заъф юзлаиди. Ва ул заъф рищтаси рицтадек заъфлик пайкар (комат) имга андоқ чирмашибдиким, ул куёшдек замирга равишандур... Ва атиббо (табиблар) иложидин ожиз ва маъзул (холи) ва аҳиббо (аҳбоблар - ҳабиб-дўсту ёроилар) мизоижимдин малул (малолда), димоғим паришишнигидин сўзум помарбут (қовушимас) ва хаёлим ошуфталигидин холи помазбут (парищон)". (Иккиси "Дебоча"дан).

Захириздин Мухаммад Бобур ҳам бу ҳақида ёзиб, Навоийнинг ўзидан "ҳасби ҳол" байтини келтиради: "Бу дард илаки ӯлурмен, мараз чу зоҳир эмас. Табиблар бу балоға пе чора қислайлар..."

II

Алишер Навоийнинг турии табақот ва тоифага мансуб энг яқин сұхбатдошлари ("фақир била муҳосибдур...") орасида бир сира улуғ сиймоларни ажратиб кўрсатиш мумкин, хусусан: Ҳусайн Бойқаро, Абдураҳмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Пахлавон Муҳаммад... Улуғ шоир ва мутафаккирнинг беназир шахсияти, хос дунёси- "ҳасби ҳол"ни бири-биридан азиз бу зоти шарифлар ҳақидаги муборак ёдномаларсиз аниқлиги, бугунлиги билан тасаввур этиши мушкил. Зотан, Навоий ҳазратлари учун бағоят даражада азизу аржуманд, асли тақдирни илоҳий ишояти бўлмиш ширги муршид, ғамгусору раҳнамун мақомидаги табаррук

сиймолар ҳақида, табиийки, бир мақола доирасида мусоҳаба юритиш имконисиз. Шу боисдан ҳам биз Навоий “ҳасби ҳоли”нинг мўътабар далил-исботи сифатида фақат икки улуғ сиймо-ҳазрат Жомий ва Пахлавон Мухаммад номлари билан боғлиқ хотирот лавҳаларини имконият даражасида шарҳлани билан кифояланамиз.

Навоий дунёси, жумладан, унинг “ҳасби ҳоли” билан ҳарфтан ва руҳан йўғрилган том матънода муқаддас хотирот лавҳалари шеърий ва насрой шакла битилган интиналардан иборат бўлиб, улар, даставвал, “орифи Жом”-Маҳдуми Нурац, яъни Нуриддин Абдураҳмон Жомий ҳазратларига бағишиланган. Улар, шубҳасиз, катта бир китобга муносиб-шоиста бадиий-илмий қиссадирки, биз имконимиз доирасида, фақат баъзи насрой мисоллар келтириш билан кифояланамиз.

“Барчадан қулиқ санад (йирикроқ далолат) буким, ҳазрат ириод паноҳи Нуранки, замир пиҳонхонасидин аижуман тамоногоҳига жиљва берур эрдилар, аниг мусаввадасидин (кораламасини) бурупроқ бу фақириға илтифот ва эътиқод юзасидин берур эрдиларким: “Бу авроқни ол ва боштин оёғига назар сол, хотирингга ҳар не айтгудек сўз келса, айт”, деб ва ҳар не иҳорат бўлғонким, мазкур бўлди, зоҳир қилсан, мақбул тутар эрдилар. Бу датъоға далил буким, ўндин ортуқ кутуб ва рисолада ул ҳазрат бу фақирининг отини мазкур қилибдурлар. Ва кўи табъ ва идрок мунга мансуб нималарга ишбат бериб, мастур қилибдурлар” (“Муҳокаматул-лугатайн”дан).

Айниқса, ҳазрат Навоий ҳаёт йўлишиниг сўнгти маңзиллари замонида деярлик муқим маңзилгоҳга, оромгоҳ-богча, боцқа хос жамоат, таисиқ руҳий фароғату илоҳий таскин масканларига айланган кутглуғ қадамжолар ҳақида “Хамсатул-муғаҳаййинин” ёдномасидан, шунингдек, “Бобурнома” саҳифаларидан аниқ маълумотлар оламиз ва бенхтиёр хаёлга толамиз.

“Алишербекининг ўлтурур ўйларниким, “Уисия” дерлар, мақбара ва масжиди жомийликим, “Қудсия” дерлар, мадраса ва хонақоҳким “Халосия” ва “Ихлосия” дерлар, ҳаммом ва доруш-шифосинким, “Сафоия” ва “Шифоия” дерлар, борини андак фурсатга сайр қилдим. Аввал менга Боги Навда юрт тайин қилиб эрдилар, тонглasi келиб Боги Навда туштум ва бир кечада бўлдум, ани муносиб қўрмай, Алишербекининг ўйларини тайин қилдилар, то Ҳиридин чиққунча Алишербекининг ўйларида эрдим...” (“Бобурнома”дан).

“Фаноия” боғчаси ясардаким, ул ҳазрат (Жомий) ҳовлиларининг ичидан ер июят қилиб бериб эрдиларким, фақири ўзумга маизил ясабмен” (“Вақфия”дан)

“... Сайид Фиёским, ул боғининг таъмири ва боғбошлиги анга мутайин эрди. Йўлда йўлуктниким, арабаларга улуғроқ сарв йиғочларни боғлардан сотуни олиб, кўнгариб юклаб “Жаҳоноро” боғига элтадур эрди, ул ҳазраттага салом бериб, алар (Жомий) мутонба била дедилар: “Яна ҳеч сарв йиғочи қолдиму?... не бўйла сарв йиғочи юклабсен, оё, неча йиғоч бўлғай?” Ул дедиким: “Санаббиз: юз тўрт ададдур.. Алар дедиларким: “Ажаб ададдур”. Фақири дедимким: “Муносиб ададдур, невчунким, “қад” адади билан

муносибдур. Алар (Жомий) дедиларким: "Ростдур", даги факир (Навоий) таҳсис қилдилар" ("Хамсатул-мутаҳайирин"дан)

Во ажаб! Жомий Навоий ва бирор боиңа маибадан аввал бизга маълум бўлмаган ҳиротлик боғбон йигит Саййид Фиёс ораларида содир бўлган ҳам ишоний, ҳам фасиҳ мулокот-сұхбат асносида ўша дорул-амон бир замонда турли тоифага мансуб аҳли замоннинг аҳблари ҳакида кўпкиррали-ҳам ҳаётний, ҳам маънавий-ахлоқий, айни пайтда бадиий маърифат олишга муваффақ бўламиз: аввал адабий, илмий манбалардан ўқиб билганимиз "Боги жаҳоноро"да, эҳтимол, эрта баҳорда (ё кеч кузда) амалга оширилаётган ҳайрли тадбирлар-уз боғнинг таъмири", яъни сарв қўчатлари ўтқазин тарааддуни, хусусий "боғлардан согуи олиб" араваларга ортилган ниҳоллар ҳақида, хусусан икки табаррук зот, уларга таниш шониртабиат боғбон йигит ҳакида, яна-да мухими, гаройиброри, бўлиб ўтгани ўша савол-жавоб давомида беихтиёр равишда тадқиқ этилган насрий усуздаги тажнис ва ийҳом санъатлари ҳакида аниқ, мухтасар тасаввур ҳосил қиласмиз ("йигоч" маънолари-дараҳт ва масофа ўлчовлари-тажнис, сарв қўчатларининг сони, шакл-шамойили, аслий ва рамзий маъноларидан ҳосил бўлган учлик шеърий иисбати: "сарв-қади-рост" сўзлари яратган образли лавҳа пайхомдир)...

"Насойимул-муҳабbat" саҳифаларидан ўқиб, ўзгача руҳий фароғат оламиз: "... Ва ҳазрат Махдуми Нуран дебтурларки, хотирға келурки, чун Жом вилоятидин (хазрати Ҳожа Мухаммад Порсо Бухорий) ўтар эрдилар, бу факирнинг (Жомийиниг) оталари жамъи касир ниёзмандлар ва мухлислар билан аларнинг зиёрати қасдиға чиқиб эрдилар ва менинг умрум ҳануз беш йилда бўлмайдур эрди, отам мутааллиуқларидин (ўзига қарашли кишилардан) бирига аттиқим, менинг энгина кўтариб, аларнинг илайҳи (хузури)га тутди. Алар илтифот килиб, бир бои кирмоний ибиот илмига бердилар... Бу кун ул тарихдин олтмиц йилдирки, ҳануз хильъатларининг сафоси (кийимининг туси, нури-зиёси) менинг кўзумдадур, муборак дийдорларининг лаззати менинг кўнглумдадур ва ҳамонки ихлос ва зътиқод ва иродат (муридлик) ва муҳабbat робитаси бу фақирларни, ҳожалар (валиулоҳ зотлар) хонудониға воеадур, ул назарнинг баракотидин мухиблари ва мухлислари зумраси (турухни)да машҳур бўлгаймен", Навоий ўз тасаввурида қайта жонлантирилган, беш яшар Абдураҳмоннинг "кўзида... сафо", мурғак "кўнглида... лаззат" пайдо қиласан хизрисифат покдоман вали зот-Муҳаммад Порсонинг... бугун биз-ўзимизнинг шунчалар азиз, бебаҳо руҳий-маънавий меросимизга ворислик ҳаққи-хуқуқимизни эндиғица аинглаб, идрок эта бошлаган катта-кичик ёшдаги авлодлар учун ўша муборак аждодларининг "хильъат"-кйиган кийимларининг гаройиб-сирли бўйи, жилюси, "дийдор"-фаринглари юзларида ёғилган нур баҳрасини муносиб даражада ифодалаб, шарҳлаб беришга тилимиз ожизлик қилмайдими?!...

Махсус ёднома асарлардан, бошқа шеърий ва насрый китоблардан жой олган табаррүк саҳифалар, шеърий сатрлар тизимида наасби саййидлардан бўлган Абусаййид Паҳлавон Муҳаммадга аталган хотира лавҳалари фахрли ўрин тутади (шубҳасиз, улар Маҳдуми Нуран Жомийдан кейин, Сайид Ҳасан Ардашер билан бир қаторда туради). Биз, асосан “Холоти Паҳлавон Муҳаммад” ва “Мажколис уп-нафоис”дан қисман “Наводируш-шабоб”дан фойдаланиб мусоҳаба юритамиз. Уларда нафақат Ҳуросону Туркистонда, Балки Арабу Ажам (“етти мамлакат” Навоий)да донг тараттаги, тенги ва иисбати йўқ. Паҳлавон-куштигир, иқтидорли шоир, олим, мутириб-муғаний ва бастакор, хусусан, тариқат аҳлининг пешиволаридаи бири, Навоийнинг доимий ҳамдам-мусоҳби, ҳуллас, фазлу камолда подири замои Паҳлавон Муҳаммад ҳақида чексиз меҳру ихлос, ҳайрату таҳсин, ниҳоят, тўзимсиз ўқинч-армонилар ила битилган нурхикмату ларзакор лавҳаларни кузатамиз, ҳазрати Абусаййидек пири комил, фозилу солим аждодларимиздан мерос бўлмиши рух поклиги, бой маънавиит, кўпқиррали заковат зиёсидаи маърифат оламиз, ҳаёлга чўмамиз... Не ажабки, ёднома лавҳалари излаб тошиб бўлмас, унуттилмас дўсту анис, тенги йўқ ғамхўру гамгусор зот ҳақидаги ўйлар азалий зиддият туйғулари-ла йўғрилган рубоий билан бошлиланади:

Эй чарх, не даврларки даст этдинг.
Давриштда муҳаббат аҳлини маст этдинг.
Ҳар кимники оламда забардаст эттинг,
Охир ажал илгода они паст эттинг.

Ҳам пурмаъно, ҳам ортиқ дардиок бу шеърий муқаддиманинг ҳар мисраси, бевосита ўз замонасишинг “суврат ва маъносида маънида бешабеҳ (тенги йўқ) ва беназир... шамсул-миллат вад-дин” мақомидаги Паҳлавон Муҳаммад шаънига, қолаверса, билвосита унинг машҳур замондоши ҳаққига (жумладан, Навоий сиймосига ҳам) дохил бўлиб, кеиг маъниода, илоҳий қудрат продаси-ла бунёд этилган оламнинг мўъжалазларидан, “барчадин шариф” (Навоий) инсонга инъом қилинган исътедоду иқтидор ва рағбатининг сехр-жозибасидан, айни чогда умрининг бебақолигидан баҳс очади. Навоий бундай ўйчан-ҳазини фалсафий муқаддима-шеърий ибтидодан кенин пири комил замондошининг тимсолини насрый тафсилларда чизади:... Паҳлавон кичик ёшлиғ эрканда ул фанда (куштигарлик-паҳлавонликда.- Б.А.) куидан-куига аидин гаройиб осор ва намудор (кўрининиш)лар зоҳир бўлур эркандур. Андоғки, оз фурсатда жамъи аబнойи жинс (тенгқурлар) борини мағлуб қилиб, борига фюқ ва голиб келибдур... Паҳлавон истиҳқоқ (ҳайрат) била паҳлавонлик сартақсиясига ўлтурубдур ва бу тоифа сархалқалигин рағбат била қабул қилибдурлар... Чун қобилияти баланд тунгашдур ва мулоямати табъи (жонга малхам табнати) борча фунуига муносиб ва баҳраманд воқеъ бўлғондур-кўп фазойил ва камолот

касб қылғондурким, замона ахли барчада Паҳлавонни мусаллам тутар (тан олар) эрдилар...” Бу фикр “Мажолиссуң-нафоис” тазкирасида яна да тағсилій аниқлігі билан беріледі: “Мусиқій ва адвор (музыкашынослик ва бастакорлик) илміда даврининг беназиридур. Чун камология “азашу минаш-шам” (қүешідан-да порлоқ) дур, шарқ қылмоқ әхтиёж әмас...”

“Холоти...”дан тамсиллар: “Машхұр амаллардан бири “чаҳоргох” амалидур... яна “сегох” амалидурким, Мағлюто Ҳисравийнинг шеърига боғлабдұр... яна иннілар ҳам мисли: “қавл” ва “ғазал” ва “чөрзарб” дег “савт” ва “иақшы” худ бекіту агад болғабдұрки, халойиқ орасида машхұрлардың, барчасын дарж (қайыл) килинса, мужиби итноб бўлур” (сўз чўзилар)...

Хеч шубҳасиз, “Холоти...”да Паҳлавон Мұхаммад билан бевосита, бедаҳл ишонийликпен олай бир мақомидаги дил сұхбатлари-щаҳсий мулоқотлар жағдайларын күнгиллиниң түрисидан, хотирот мөхрабидан жой олган лавҳалардир: “...Кириқ йыл (воажаб!) бир менинг худрой (ўжар) ва бесарупой (бебеок, бекарор) ошиғтасори париши рўзгор киши билан мусоҳиблик қылғайки, хотиррга келмаски оңдии хотирга губоре ўтигриши бўлгай ва кўнгулга етмаски, ҳаргиз андин кўнгулга озоре етмиши бўлгай, балки андоқ нисбат қылмаси бўлғайким, кундин-кунга муҳаббат риштаси маҳкамроқ ва муваддат (ёр-дўстлик) қонда ва тариқи мұаққад (қайта-қайта тағыйидланған) ва мустаҳкам бўлмиши бўлгай...” Бошқа бир саҳифада ўқиймиз: “...Аммо хеч навъ маҳфий сирри ва рози йўқ эрдиким, бу фақирдин яшурин бўлгай, андоқки, бу фақириниң ҳам андии...” Навоийдек ғояти зариф кўнгил, дақиқу нозик табъ, покиза хилқатли шоир ва амири кабир билан бу қадарли сирдон-ҳамроз бўлиш баҳти паҳлавонлар пири, фақиру ҳақиқлар цепшвоси Абусаййид Мұхаммаддан ўзга аниң инсонга насиб этган экан?! Шубҳасиз, Навоий икror қилган сўзлар замирида камоли ишонич-эътимод туйғулари зуҳр этса, айни найтда бошқа тоифа замондорлар, ҳатто баъзи бир яцин мусоҳибларга илесатан ички бир алам, афсус, ҳасрат матънолари ҳам яширингандир...

“Холоти...”дан бошқа бир лавҳа-иктибос келтириш жойиз: “...Алқисса, қаригонининг шархида ва паҳлавон Пирий (паҳлавон Мұхаммаддинг мурид-иогирларидан, Б.А.)нинг.. умрдек бевағолиги бобида маснавий айтибұрким, бу фақир (Навоий) бир неча байт сабт (қайыл) қылышында ва у абёт будурким (биз фақат икки байт келтириши билан чеклашамиз):

...Ҳама умр тухми беҳн коштам,
Чу вакти баромад набардоштам...
Кунун ман на шери занжириям,
Бадар бурда ҳам зи ғам нириям...

Мазмұни: “...Умрим давомида яхшилик уруғини әкдім, аммо вақты келиб уңдан ҳосил хирмони күттаролмадым... Охир-оқибат, мен әнді на занжирибанд шердирман, қарилік ғам-аидухи мени узокдарга бадарға этди...”

“...Ва ҳол аҳли бу абғұддин маңлум құлурларким, Паҳлавоннинг таъбида не міндер дарди ҳол қошииси бор экандур”. ҳазин мазмұнын бу иқтисиесден тенгсиз забардастылғы билан подири замон, боз устига, саҳоватда беназир (бундай камең хислатты зоттар “Хайратул аброр”да “одамийлар одамийсі” деб таърифланған) ири комил Мұхаммад Паҳлавоңдек улуғ инсоннинг “не міндер дарди ҳол”идан уншын замондоңылари оғохлығы, ла-хусус, бу валиуллоҳ зот билан шахсан яқын бұлған кициларшының не өзгілік ҳамдардлығы ҳам аён бұлады. Бу дағыннинг ёрқин далилі: “Мен әнді на занжирбанд шердирман” сатри замиридаги чекесіз ва тұзымсыз ҳасрат-нақомат оқаңғидирки, бу шоҳ мисра, әхтимол, Алишер Навоий дастхатига мансуб машқұр: “Занжирбанд шер, енгаман дер” мажозий ҳикмати замирида яратылған, шубхасыз, мұламмаң санъетиннинг ёрқип мисолидир. Ва әхтимолки, Навоий үзіннинг ўна пурдард график тасвирини ири мұрниди ва дүсті Паҳлавоңшының мазкур байти таъсирида яратғандыр... На чора, улуғ шоирлар ижодхонасига хос буннинг каби талайгина пурхикмат, айни өзде аламиок шеърий ииебат тұғрисида аник ва асослы мұшохада-мусохаба юритиш болған, афеуски, имконсиз...

Мазкур ёднома Ҳазрати Паҳлавон Мұхаммадшың вафоты, мотам маросиминнинг беарадағам-андуҳ оқаңгилар-ла биттилған жүмлалар билан тамомланады: “талх-талх шуроба тұқуб, ҳой-хой йиглағон” подиоҳ - Сүлттоң ҳусайн Абұлғозий Баҳодирхон ва Навоий бош жами азадорлар аҳли - Ҳироттіннинг хосу оми “гирёну паришин ва бесомон” ҳолатида “вовайло, вомусибато!” дея тортған навха (ох-нола)лары кікүт тоқи сары ўрлаб, поёни йүк мотамсаролар оқими подиоҳ ингөм эттән, кечако күндүз мурид-мухіблар қадами узилмаган Незьматобод мавзеъига - Абусаййид Мұхаммадшың хоки поклари абадий мадғұн этиладыған макон - дахма томоны йўналади. Ҳироттіннинг машқұр хуффоз - отапчанафас қорилари узокларга тараттаған Қуръон тиловатидан сүнг, шоирлар марсияларини ўқидилар. Мотам күнлары давомида подиоҳ анжуманшылар “тузуб, азим онлар беріб, ҳатм қоидасин бажо келтүрдилар” дея эслайди Навоий...

Навоийнинг ири комилу аниес мусохиби хотирасига бағиғшыланған “Паҳлавон мотамишиннегар гүзашты ва манзур сабзи хат фирқениннегар сарнавиши” (тақдиршы илохий ҳохини) сарлавҳали қытъаси билан ёдномани итмолига етказамиз.

Паҳлавон әрди менинг ёриму бир шұх анисим,
Бирн үлди-ю, бири итти, ишим бұлды таассуф.
Ровиё, хажрларидин манға йўқтур кечака уйку,
Қиссан Ҳамза¹ дегил тоҳи-ю, гаҳ қиссан Юсуф².
(“Наводируш-шабоб”дан)

¹ Пайғамбарымыз Мұхаммад Мустафонинг илк сахобаларидан, яқын ағдошларидан саркарда Ҳамза мұқаддас жаңгларининг бирида шахид кеттган... Диний-лохий адабиёттә яратылған фожеъ-ҳазин асарлардан бири “Қиссан Ҳамза”дир.

² Юсуф пайғамбар ҳақида қисса (ёхуд “Юсуф ва Зулайх” достони).

Бу табаррук ёднома лавҳаларига муносиб якун сифатида яна ҳазрат Навоийнинг ўзларига - “Холоти...” саҳифаларини абадий сўйимас рух билан иурлантирувчи қудсий ҳамду сано қалимотига мурожаат қиласиз: “Субҳоналлоҳ, юз минг ҳамд ва сипос ва санойи беҳаду қиёс ул қодир сунъ (яратувчи қудрат)ғаким, ҳар бандасигаким, бир овуч тупроқдин ҳалқ қилибдур, мунча қобилият ва қабулият ва ахлоқи ҳамида (хушахлоқ) ва адвори писандида (ноёб феъл) ва зоҳир юзидин мунча фазлу камол ва маъни тарафидин мунча важди ҳол (Ўзликни унугтар ҳолат) бера олурким, бир жаҳон ҳалқин мулоямат (ҳалиймлик) била сайд ва бир олам аҳлин занжирни иродати (муридлик риштаси) била гирфтори бекайд (бандсиз банд) қилғай...”

Баҳодир САРИМСОҚОВ

АЛИШЕР НАВОЙЙ ФАЗАЛИЁТИДА ТАҲАЛЛУС САНЪАТИ

Буюклиқ маснадига фақат буюк заҳмат орқали эришиш мумкин. Буюклар эса буюк кашифиётлар яратадилар, ҳаттоқи уларнинг хатолари ҳам буюк бўлади. Ҳазрат Алишер Навоий “Фазал мулкининг султони” (М.Шайхзода) даражасига ҳам фақаг заҳмат чекиши орқали эришган.

Алишер Навоийдек сўзининг сехр-жозибаси олдида ўзини масъул сезган даҳо санъаткор ҳар бир девоини устози Мавлоно Абдурахмон Жомий, дўсти ва маслаҳаттўйи Ҳусайн Бойқаро каби муқаррибларининг даъвати, илтимослари ва маслаҳатлари билан тартиб берган. Бу жараёнда Навоийнинг ҳар бир асарга, ҳар бир ғазалга, ғазалдаги ҳар бир байтга, байтдаги ҳар бир сўз ва иборага жиддий ёндашгани айни ҳақиқат. Шоирининг “Бадоев ул-бидоя”, “Наводир ун-ниҳоя” номли икки девони асосида дўсти Султон Ҳусайн Бойқаронинг даъвати билан тузилган “Ҳазойин ул-маоний” таркибидаги тўрт девонига киритилган асарларни шунчаки оддий қиёслашининг ўзи аввалги девонлардаги асарларнинг кейинги девонларга бадиийлик, сўз сехрини чуқур ҳис этиш, поэтик ғояни теран ифодалаш маҳорати нуқтаи назаридан муҳим тузатишлар билан киритилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Алишер Навоий “Фаройиб ус-сигар” девонига ёзган дебочасида дўсти ва ҳомийси Ҳусайн Бойқаронинг нафакат “Бадоев ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя”, балки “Ҳазойин ул-маоний” куллиётини тузища ҳам кўплаб қимматли маслаҳатлар берганлигини, ана шу маслаҳатлар туфайли шонр ўз асарларига жиддий таҳририй тузатинилар киритганлигини миинатдорчилик билан қайд этади. Аммо мана шу самимий эътирофга асосланиб, айрим адабиётгунослар девондаги асарларда шоирнинг ўзи томонидан қилинган таҳририй тузатишларни кўпроқ Ҳусайн Бойқарога нисбат бериш майлини ҳам билдирадилар.

Тўгри, Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” куллиётига киритилган асарлар таҳририда Ҳусайн Бойқаронинг хизматлари бениҳоя катта ва буни

шоирнинг ўзи ҳам қайта-қайта эътироф этали. Шу билаи бирга, у “Дебоча”да бир нарсага нозик ишора қилиб ўтади. У шундай ёзади: “...ул татылмаларни ўзумга дастур қилиб, ҳамул дастур била ул забту тартибга шурӯй қилур эрдим”. Маълум бўладики, Алишер Навоий “Чор Девон”ни тартиб беришда худди аввалги девонларида бўлганидек, Ҳусайн Бойқаронинг маслаҳат ва кўрсатмаларини ўзига дастур қилиб, уларни тузатган.

Шоир ғазал ва бошқа жанрлардаги асарларига таҳририй тузатишлар киритар экан, ҳамиша ўз олдига поэтик ғоя аниқлиги, образлар ёрқинлиги, бадий ҳақиқат билан ҳаётний ҳақиқат ўртасидаги мантикий уйғунликни сақлашга, қисқаси, маҳорат масалаларига жиддий эътибор беринши биринчи даражали вазифа қилиб кўяди. Бу нарсанни аксарият ғазаллардаги айрим сўз, бирикма ва гаплар таркибида юз берган ўзгаришларни девонлараро оддий қиёслашлар орқали ҳам кўриш мумкин. Ёки вази, мумтоз коғия ва бадий санъатлар қўллашдаги таҳририй тузатишларда ҳам бемалол кўриш мумкин.

Ушбу мақолада эса Алишер Навоийнинг бир ғазали мисолида тахаллус санъатига бўлған жиддий муносабати ва мазкур санъатни қўллашдаги маҳорати ҳақида тўхтамоқчимиз.

“Тахаллус” атамаси ҳозир ғазал ёки бошқа шеърий асар ниҳоясида (мақтатъсида) ижодкорнинг ўз адабий номини қўллаш маъносида қўлланилади. Чунки “тахаллус” атамасини шу маънода истифода этиш Шарқ бадиият илмида нисбатан кейинги ҳодиса. Дастроб эса бу атама бутунлай бошқа маънода қўлланган.

Шарқ бадиият илмининг йирик иамояндларидан Умар ар-Родиенийнинг “Таржимон ул-балога”, Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам...” номли асарларида тахаллус қасида ва ғазал байтларининг биридан иккинчисига ҳам фикрий юксаклик, ҳам вазиий уйғунлик, ҳам оҳанг вобасталигига, ҳам қоғия мутаносиблигига ҳеч қандай қурсиз ўтилинидан иборат, деб таъриф берадилар. Ҳаттоқи Родуёни бу санъатниң касида жанрида амал қилиши ҳақида сўз юритар экан, тахаллус ҷасибатдан ташибига ва ундан мадҳга ўтилишини батафсил таҳлил қиласди, ғазалда эса фикрий янгиликка ўтилишини байти маҳлас, ўтилишдаги назокатни эса хусин тахаллус деб номлайди. Қайс Розий эса юқоридагиларга қўшимча қилиб “лутғи тахаллус, таҳуллусоти мустаҳсан, таҳаллусоти нодир балиғ, таҳуллусоти зишт, тахаллуси ракик(суст), тахаллуси лойиқ, тахаллуси гузир, тахаллуси қабех, тахаллуси бориз (хунук)” каби тахаллус кўринишларини қайд этади.

Юқоридаги кисқача мулоҳазалардан шу иарса маълум бўладики, ўрта асрлар Шарқ адабиётининг назарий масалаларида, хусусан илми бадеда “тахаллус” атамаси қасида ёки ғазалда байтдан байтга нозик ёки нуқсонли ўтишларни ифодаловчи санъат маъносида қўлланилган.

Албатта, Шарқ мумтоз поэтикасининг буидай назарий муаммолари анчагина. Уларнинг барчаси ҳақида муфассал тўхталиш алоҳида тадқиқотларни талаб қиласди. Шу боис биз қуйида Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул-бидоя” девонидаги тўртингичи ғазалнинг “Фаройиб ус-сигар” ва

“Наводир уи-шабоб” девонига қандай тузатишлар билан киристилганлиги ва бу таҳрирда улуг шоир тахаллус санъатига қай даражада риоя қилғанлиги ҳақида тұхталиши лозим тоңдик.

Ушбу ғазал “Бадоеь үл-бидоя”да қуйидагича матлағы билан бопланады:

Эй, ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат *била* сенга,
Андоқки, *қурбн тақвии* тоат *била* сенга.

Мазкур матлағы “Фаройиб үс-сифар”га шундай таҳрир билан киристилган:

Эй ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат *била* санға,
Андоқки *қурбн тақвову* тоат *била* санға.

Хар иккі девонда ҳам бу ғазал тұққиз байтдан иборат бўлиб, “Бадоеь үл-бидоя”да мақтағы саккизинчи байтда келган. Тұққизинчи байт эса мақтаъдан кейин келган:

Лутф айлагилки, мумкин эмас қилмасанг қабул,
Етмак тамоми умр ибодат била санға.

Аммо пурмаъно ушбу байтиинг ғазал мақтаъсидан кейин келиши, фалсафий-бадий жиҳатдан якупланған ғазал поэтик мантиқининг янгидан аланғаланишига сабаб бўлаётганини шоир чуқур ҳис қиласы да тахаллус санъати талабларини бузажанлигини англаб етади. Натижада, шоир мақтадан кейин келган байти “Фаройиб үс-сифар” девонида ғазалнинг олтинчи байтида кейин еттинчи байт сифатида киритади.

Мана шундан кейин ғазал мазмунидан изчил тадриж, поэтик фикрнинг погонама-погона юксалини, лирик образ такомилининг бир хил миқёс ва меъёрда таъмилацияни учун имкон туғилади. Чунки ғазалнинг 6-байтида маъниуқа (Аллоҳ) лутфи ҳақида сўз юритилиб, агар сенинг лутфинг мени ўзига ошию этмаса, лутф қилмасанг, бошдан-оёқ гуноҳу залолат билан сенга етнимоққа менинг ҳаддим сифмайди, құдратим етмайди, дейилган:

Лутфунг рафиқим ўлмаса, не ҳадди еткамен,
Бошдии аёғ гуноҳу залолат билан санға.

Шундан сўнг лутф ҳақидаги поэтик тезис ҳал қилишни, яъни бир байтдан иккинчисига маъно парвози жиҳатидан teng, ифода равоилиги жиҳатидан ўхшаш, бошқача айтғанда, тахаллус санъати билан ўтиш маҳорати талаб қилинади. Навоий “Бадоеь үл-бидоя”да ана шу ўрин учун зарур бўлған байти мақтаъдан кейин келтиргани эди. Натижада, 6-байтдаги поэтик мазмун мантиқий интиҳосига етмай қолган эди. “Фаройиб үс-сифар”да эса мақтаъдан кейиниги байтнинг етгингичи байт қилиб ғазал таркибиға киритилиши кейиниги байтларда поэтик фикрнинг узвийлигини, мантиқий ривожини ва ифода жиҳатдан уйғунлатгани тұла таъмилаган. Бу

нарсаны биргина олтинчи ва еттинчи байтлар ўртасидаги фикрий тенглик, уйғунык мисолида ҳам күзатиш мүмкін.

6-байт: Лутфинг рафикаим ұлмаса, не ҳадким еткаймен,
Бошдин аәқ гуноху залолат билан сенга.

7-байт: Лутф айлагилки, мүмкін эмас қылмасаң кабул,
Етмак тамоми умр ибодат билан санга.

Даңғақиқат, агар Аллоҳ Таоло ўзи лутф этмаса, гуноқкор банда уннинг васлиға восьил бўла олмайди. Ҷемак, мана шу ўринда шоир чала қолган поэтик фикрий итномига етказили, етказганда ҳам мантиқаң ўзини оқладай оладиган қилиб етказиш эҳтиёжини сезади. Чунки байтлараро фикрий тахаллус тўла таъминлашмаган эди. Шу боис у “Фаройиб ус-сигар”да чала қолган поэтик фикрга тўлалик киригтади, яъни сен лутф айла, чунки умр бўйи ибодат қилиш билан сенинг васлинингга эришиш мүмкін эмас, шунинг учун менинг бу муножотимни қабул қылмаслигинги мүмкін эмас, деб байтлараро фикрий уйғуныкни таъминлайди. Бу нарса эса тахаллус санъатининг талабларини адо этишининг гўзал намунасини ташкил этади.

Ҳақиқатдан ҳам яратганинг ўзи лутф этмаса, киши умр бўйи ибодат қилиши билан этиша олмайдиган олий васл учун банда фақат илтижо қилишдан ўзга чорани билмайди. Фазалдаги 8-байт ана шу илтижонинг айнан ўзидир. Унда “сендан бошқа паноҳим бўлмагач, мен журму гунохдан қочиб, сендан наноҳ излаб келишим табиний” дейилади. Мана шу байтдан кейин Навоий назарда тутган ғоя мантиқий изчилликда ифодаланади. Энди газални якунлари колди, холос. Уни шоир “Навоийнинг исёни кўп, шунинг учун у шунча хижолатлик билан уялмай сенга этишишни истайди” деб якунлайди.

Газал мураккаб поэтик тузилишга эга бўлган “иижик” жаир. Айниқса, тахаллус санъати газалнинг вази табиати, поэтик синтаксисининг барча талабларига риоя қилиши, қоғия оҳангдорлигига амал қилишдан ташқари ҳар бир байтдаги фикрининг ўзига хослиги ва байтлараро фикрий уйғуныкка, уларнинг мантиқий изчиллигига ҳам эътибор беришини талаб этади. Биргина мисол. Алишер Навоийнинг “Наводир ун-иҳоя” девонидаги 367-газалнинг 5-6 байтлари қуйидагича тартибда келади:

Гар табассум вактида кўрсанг лабин, эй боғбон,
Елга бергайсан қилиб гулбарги хандонингни жамъ.
Ул пари маҳнунларига садъяк ўлғай, эй қуёш,
Чунки, қилсанг зарраи беҳадду поённингни жамъ.

Шоир ушбу газалини “Бадоеъ ул-васат” девонига киритишда юқоридаги байтларнинг ўринини алмаштиради:

Ул парий маҳнунларига садъяк ўлғай, эй қуёш,
Чунки, қилсанг зарраи беҳадду поённингни жамъ.
Гар табассум вактида кўрсанг лабин, эй боғбон,
Елга бергайсан, қилиб гулбарги хандонингни жамъ.

Юкоридаги байтларинг ўринин алмаштириш ғазалнинг оҳангдорлиги талаби билан амалга оширилгани ёки муайян бадний мағтиқ тақосози билан? Бизнингча, Навоийдек даҳо шоир ўзича байтларнинг ўринин алмаштирумаса керак. Бундай алмашини остида поэтик фикрнинг мантиқий оқимини равонлаштириш, изчиллаштириш ётибди. Чунки, фикрнинг қуюқлиги, мантиқий умумлашманинг кучи “Наводир ун-иҳоя” -даги иккинчи ва “Бадоеъ ул-васат”даги биринчи байтда кўзга ташланади. Шу боис шоир аввал фикрий умумлашма кучли бўлган байтни олдиңга олиб, ундан кейин сал хусусийроқ поэтик фикрни ифодаловчи байтни аввалга байтда айтилган поэтик фикрнинг тасдиғи сифатида келтиршни лозим кўради. Чунки, тахаллус санъатининг поэтик фикрни изчиз баён килингдаги икки талаби мавижуд. Булар: а) умумийликдан хусусийлика; б) хусусийликдан умумийликка бориш. Ҳар икки ҳолда ҳам поэтик фикрнинг, мантиқининг изчиллигини сақлаш ижодкор маҳоратини белгилашнинг бош мезони саналади. Алишер Навоий “Бадоеъ ул-васат”да “Навоидир ун-иҳоя”даги байтларнинг тартибини ўзгартирас экан, тахаллус санъатининг ана шу мезонларидан келиб чиқсан. Мана шу туфайли ғазалдаги поэтик фикр оқими равон, мантиқи давом этади.

Навоийнинг девонларига киритилган ғазаллар матнини киёслаш шундан далолат берадики, шоир “Бадоеъ ул-бидоя” ҳамда “Наводир ун-иҳоя” девонларидаги ғазалларни “Хазойни ул-маоний” таркибидағи девонларга киритар экан, айрим ғазалларни бутунлай қайта ишлайди. Масалан, “Бадоеъ ул-бидоя”даги 672-673-ғазаллар таркибидағи айрим байтлар асосида “Наводир ун-шабоб” девонида янги бир ғазал яратади. Табиийки, бу парса соғ техник иш бўлмай, шоир илгари ғазаллардан олинган байтлар асосида янги ғазал яратар экан, байтлараро фикрий, мантиқий ва бошка шаклий унсурлар уйғулигига, яъши тахаллус санъати талаоб ҳамда мезонларига тўла амал қиласди. Унбу фикримизни яққол тасаввур қилини учун дастлаб “Бадоеъ ул-бидоя”даги иккала ғазал матнини тўлиқ келтиришини лозим тоғдик.

672-ғазал

Очиб қўксум шикофин, айладим қўнглумин наzzора,
Эрур юз пораву зам тийғидин ҳар пора юз пора.
Таним меҳнат синеҳри, анда, вах, пайкоининг ашким
Қўнгулга гусса еткүрмакка сабит бирла сайдёра.
Манга бедардлик дард эрди, вахким, ҳажрингдин
Чу менда бўлди дард. эмди эрур бечоралик чора.
Ўтарсан ўйнай-ўйнай, мен гадойи хаста йўл узра,
Қолурмен бир киё бокмок учун ёлбора-ёлбора,
Қўнгул саргашталиқдин бўлди йўқ оғзинг киби, гўё
Ани чарх айлагандур ғунча йўномоглиқка инкора.
Ўлумдин ҳажр душвор ўлмаса дард ахлиға, невчун
Ажал Мажнунни асрар, айлагай Лайлиси оввора?
Навоий қўксини чок этти ҳажр андокки, фахм этгай
Тахайол хайъатини қўнгул аро ким наzzора.

673-ғазал

Фироккинг тийғидинким хаста жисмим бұлды юз пора.
Эрүр хар пора бир күз киғали холимни наzzора.
Буборым жисмиң хижрон даштыда сарғашта ошиқнинг,
Күондек ҳар қаёнким мойил ўлди, бұлды оввора.
Не тош үрән танимға урди, күксумни чокига сөздім,
Мәни бедил күнгүл касб эттім они күнгілдек хора.
Олиб юз пора күнгілдем итларингга айладинг қысмет,
Итингмен, айб эмас, жою, манга хам тегса бир пора.
Танимни ишқ асири айладинг, мань этма охимни,
Чу кил ўт ичра тұшти дуд бұлмоқтін эмас чора.
Малак таслами шайтон кибридекур, буки ақл ўзин
Килиб маъмури амр, истар аторат нағзи аммора.
Навоий бода ютқон күрсә қон ютқон گүмөн айлар,
Сув ичгани май ичган соғиңур, ким бұлса майхора.

Ҳар иккى ғазал хам етти байтдан ташкил топған. Ана шу ўн түрт байтдан Навоий “Наводир уш-шабоб”га түккіз байтдан иборат янги ғазал қылип киригтади. Бу ғазалға эса Навоий 672-ғазалнинг матлаъсини айрим таҳририй тузатышлар билан матлаъ сифатида киригтади:

Очиб күксүм шиғофин, айладим күнгілдемни наzzора,
Эрүр юз пораву ғам тийғидин минг ёра ҳар пора.

672-ғазалда иккинчи байт “таним меңнат сиңеҳри, аида, вах, найкоининг ту ашким” мисраси билан бошланса, “Наводир уш-шабоб”да шоир ўргага янги бир байт киригтади. Бу эса ғазал матлаъсида айтылған поэтик фикрин давом эттирувчи, матлаъдаги тезисни яида чукурлаштирувчи таҳаллусона байт вазифасини ўтайды. Чунки, күксининг тешігінин очиб, күнглига назар ташлаган ва ғам тиғидин юз пора бұлған, ҳар бир парчаси эса мингта яра бұлған лирик қаҳрамон кечинмаси муайян хүлоса, хукм талааб киляди. Таҳаллус сағынаннинг мана шу талабидан келиб чиққап Навоий кейин күйндеги байтни көлтиради:

Не тош үрән танимға урди күксүм чокига сөздім,
Мени бедил күнгүл касб эттім, аниң күнгілдек хора.

Демек, Навоий матлаъдан кейин 673-ғазалидаги иккинчи байтни көлтиришни лозим топған. Шундан сүнг у иккинчи байтдаги поэтик фикрини чукурлаштириб, нисбий яқуналаш учун янги байт киритади:

Таним үн ишқ асири айладинг, мань этма охимни,
Чу кил ўт узра тұшти, дуд килемоқтін эмас чора.

Лирик қаҳрамон ўз дард-ҳасратиниң айтиб бўлгач, энди маъшуқапнинг аҳволидан хабар беришга жазм этади. Энди у 672-ғазалдаги 4-байтни ана шу мақасадда янги ғазалға 4-байт сифатида киритади:

Ўтарсен ўйнай-ўйнай, мен гадойи хаста йўл узра,

Қолурмен бир киё бокмоқ учун ёлбора-ёлбора.

Шу тариқа поэтик фикр аста-секин тадриж эта боради. Лирик қахрамон хажр дардининг беҳад оғирлигини англаб, нега ажал фақат ошиқларигина оввора қиласагига таажжублашади. Бу фикр эса 672-ғазалнинг 6-байтида ифодаланган. Навоий ана шу байтни янги ғазалнинг 5-байти сифатида ташлаб олади:

Ўлумдип хажр душвор ўлмаса дард ахлиға, невчун
Ажал Мажнуниң асрәб, айлагай Лайлини оввора?

Мана шундан кейин Навоий ғазалдаги фикрий тараангликни саклаш мақсадида 673-ғазалнинг мақтаъсини бироз таҳририй тузатиш билан 6-байт сифатида киригади:

Малак таслими шайтон кибридекдур буки, ақл ўзин
Килиб маъмури амр истар аморат нафси аммора.

Нихоят ғазалин ўзига хос фалсафий хулоса билан якунлаш учун шоир 672-ғазалнинг мақтаъсини көлтиради:

Навонӣ кўксини чок этти ҳажр аидокки фаҳм этгай,
Тахайол ҳайъатини кўнгул аро ким қисла иззора.

Дикъат қилинса, икки ғазал байтлари асосида яратилган “Навоидир уш-шабоб” девоницидаги янги ғазалда (531-ғазал) матлабъда ташланган поэтик тезис тадрижий ривожлантирилиб, мақтаъда ўзининг маштиқий якунига етганлигини кўриш мумкин. Ҳар икки ғазалдан олинган байтлар эса тоҳ кўшишимча, тоҳ айни байтларниң таҳририй тузатишлари билан ўзаро ўйгулаштирилган. Шу туғайли ғазалҳон байтларниң ўзаро фикрий, маштиқий ва бошқа шаклий жиҳатлардан боғлиқларини тўла ҳис қиласди. Бу нарса ғазал жанрида тахаллус санъатининг белгиловчи ғоявий-бадиий вазифа ўтасини кўрсатувчи фактдир.

Демак, 672- ва 673-ғазаллардаги беш байт ғазалга кирмай қолган. Ҳар икки ғазалдан олинган тўқиз байт эса янги ғазал матнини ташкил этади. Биз учун энг муҳими ўщудаки, икки ғазалдан олингани байтлар ўзаро тахаллус санъати талаблари асосида боғланганлигини айтни. 672-ғазалдаги икки байт, яни 2- ва 3-байтлар, 673-ғазалдаги 1-, 2- ва 4-байтлар ўз ҳолича ёхуд айрим тузатишлар билан бошқа девонларидаги ғазаллар таркибига кириптан бўлиши лозим.

Хуллас, Алишер Навоий ижодиётини, айниқса, унинг ғазалларини девонлараро матнин қиёслани ва таҳдил қилини бу бебаҳо маънио бўстонининг ҳали очилмаган сиру синоатларини очишга имкон беради. Қолаверса, Навоийдек улкан шоир ижодидаги тадрижийликни аниқлашга, унинг ижод устахонасига чукурроқ кириб боришга ёрдам беради деб умид қиласиз.

АЛИШЕР НАВОЙЙ АСАРЛАРИДАГИ БИР
ХАЛҚОНА ТАСВИР УСУЛИ ҲАҚИДА

Халқ оғзаки ижоди тасвир усулларига бойлиги ва уларниң хилмакхилиги билан ўзига хослик касб этади, айниқса, туркй халиқлар фольклори бу жиҳатдан айрича хусусиятта эга.

Буюк сўз усталарининг барчаси оғзаки ижод дурдоналарига бекиёс намуна мактаби сифатида қарагандари бежиз эмас. Бу жиҳатдан Алишер Навоий ижоди мутлақо ўзига хосликка эга. Алишер Навоий ва халиқ оғзаки ижоди мавзуси адабиётшунослигимизда анча кенг ва чукур ўрганилган. Шунга қарамай фольклорда кенг тарқалган ва Навоий ижодида күн учрайдиган бир тасвир усули ҳақида маҳсус тадқиқотларининг амалга оширилмагани бизни ушибу мақолани ёзишга унади.

Гап бадиий вариация устида бормоқда. Унинг моҳияти шундаки, айни фикр бадиий ифодасига кўра ниҳоятда хилма-хил шаклларга эга бўлиши мумкин. Бундай ифодалардан фойдаланишининг мақсад ва вазифалари ҳам турлича бўлади, фикримизни “Алномин” достонидан олинган бир мисол орқали изоҳлайлик:

Кечакундуз йўл олгандир бу бойлар,
Бораётган хар кайсиси тўрадир,
Кўккамиш кўлидан чикиб боради.
Хар на кисмат, ёзилганин кўради.
Хорига йўлларда булар кўнади,
Кўккамишдан кети узилмай боради.
Ўтар дунё ўтарини ўйлади,
Тантка тайлаб Олатовни ёйлади,
Қалмоқни юртига талаб айлаб,
Юрсак етармиз, деб бойлар ўйлади.
Кўккамишдан бойлар чикиб жўнади,
Хар на кисмат, ёзилганин кўради.
Қалмоқ юртига борсан дейишиб боради,
Бойбачалар бедов отни минади.
От чопиб бойлар чўлни кўради,
Мол-давлатни йўлга солади,
Йўл тортиб, шул замон чикиб жўнади,
Бедов миган от-абзалин шайлади,
Чўонлар қур-ҳайтлаб қўйин ҳайдади¹.

Матндан асосий мазмун Бойсун-Қўнғирот элиниң қалмоқ юртига кўчиши тасвиридан иборат. Ана шу фикр ниҳоятда хилма-хил шаклларда ифода этилмоқда. Биргина “Кўккамишдан чикиб жўнамоқда” деган фикр ифодасини кузатайлик. Дастроб у “Кўккамиш кўлидан чикиб боради” шаклида учрайди. Сўнг “Кўккамишдан кети узилмай боради” ифодаси

¹ Алномин. Ўзбек халқ қаҳрамани эпоси. Т., “Фан”, 1999, 82-бет

келади. Навбатдаги ифода “Құққамишдан бойлар чиқиб жұнади” шаклиға зга. Демек, айни фикр ифодаси турлы варианatlарда учрайди.

Еки борадиган манзил билан боғлиқ тасвиirlар ҳам ниҳоятда хилмашылғы эътиборни тортади:

“Қалмоқ юртін булар излаб боради”,
“... Қалмокшыннан юртіга талаб айлади”.
“... Қалмоқ юртіга борсак дейишиб боради”

Бораёттан шахслар тасвири ҳам бу жихатдан характеридир:

Кече-кундуз ішүл олғандир бу бойлар,
Бораёттан ҳар қайсиси түрадир.
... Йорсак етармиз, деб бойлар үйлади
Құққамишдан бойлар чиқиб жұнади.
... Бойбачайлар бедов отни минди,
От чопиб бойлар чүлни күради.
... Бедов минған от-абзалин шайлади,
Чұпоналар қур-хайтлаб қүйин хайдади.

Ана шу биргина мисол ҳаңқ өззаки ижодида барий вариациянинг нечөдли катта вазифа ва аҳамиятта молик эканлигини күрсата олади.

Оззаки ижод анианаларидан пухта хабардор бўлган ва баракали файз тоинган Алишер Навоий ушиб усула ниҳоятда кўп мурожаат этган. Фикримизни “Ҳайрат ул-абброр” достони мисолида изоҳлашыга уриниб кўрамиз.

Форси ўёди чу аларға адo,
Турки ила қилсан ани ибтидо.
Форси эл топди чу хурсандлик,
Турк доги топса барумандлик¹.

Ушибу парчада дастлаб шу пайттагача ёзилган “Хамса”ларининг форс тилинда ёзилганини ҳамда энди туркий тил билан ёзиш нияти ифода этилмоқда. Аслида кейинги байт ҳам ана шу фикр тажассумидан иборат. Фақат унинг ифода шакли мутлақо ўзгармоқда. Бу ерда фикрний тақрорининг шаклий жихатдан янгиланғаны мутлақо бошқача бадий-эстетик таъсир уйғотаётгандыгы сир эмас.

“Ҳайрат ул-абброр”да Алишер Навоий Низомий, Ҳусрав Деҳлавий ҳамда Абдураҳмон Жомийлар шаъниши улуғлайди. Уларнинг истеъод ва жураъатларига ниҳоятда юксак баҳо беради. Айни пайттада ўзининг ҳам улар ўйлидан юришга, ўз имкониятими кўрсатишга уринишдан ҳам яширмайди. Айни шу фикрларининг бадий ифодаси эса тақрорланмас бадий мисраларда ўз ифодасини тоинган:

Бўлса ўту суву ҳаво дил пазир,

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20-томлик. 7 том. Хамса. Ҳайрат ул аброр. Т., “Фан”, 1991, 55-бет.

Ул аро түфроқ ҳам эрур ногузир.
Сарву гулу лола харидори бор,
Лек ўтуннинг доги бозори бор.
Бўлса ҳазу атласу иксун либос,
Ит жули қилимокка ярар ҳам палос.
Латы ила ёқуту дур истар баҳо,
Лек сомонники чекар қаҳрабо¹.

Ҳар тўрт мисрада ҳам асосий фикр “улар буюк, мен ожиз” ақидасининг исботи учун хизмат қиласди. Дастлаб бу дунёнинг яратилишидаги тўрт асосий унсур воситасида ўртага қўйилган. Ўт, сув, ҳаво-Навоий ардоқлаган буюк устозлар рамзи бўлса, түфроқ-адибнинг ўзини ифода этмоқда. Айни шу вазифалар кейинги байтларда “сарву гулу лола” ҳамда “ўтиң”га, “ҳазу, атласу иксун либос” ҳамда “ит жули”га, охирги байтда эса латы, ёқут, дур ва сомон тимсолларига юкланганд. Бу мисоллардан ўз-ўзича бадний вариациянинг пайдо бўлиши сабаблари аёнлашгандай бўлади. Шоир муайян фикр ифодасидан қопиқмаганида, ёки ана шу фикрини бадний жиҳатдан янада юксалтириш иштиёқи қучайганида хилма-хил ифодаларга мурожаат этади. Натижада олмос қирраларида тақрорланмас жило каби бир байтда фикрининг янги-янги нуқталари ўзгача бир тароват билан кўзга ташланади.

Бадний вариация туфайли дастлаб айтилган фикр тўлдирилади, бойитиб берилади, фикрининг янги қирраларига алоҳида эътибор тортилади. Шакл ва маъни мутаносиблигига оид қуйидаги мисраларни ўқийлик:

Назмда ҳам асл анга маъни дурур.
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур.
Назмки маъни анга марғуб эмас,
Ахли маъни қошида хўб эмас.
Назмки сурат эрур хуш анга,
Зимиңда маъни доги дилкаш анга.

Биринчи байтда қайси шаклда бўлмасин (“Бўлсун анинг сурату ҳар не дурур”) маъни назмда (шеъриятда) ҳам асосий ўрин тутмоғи лозимлиги устида сўз бормоқда. Иккичи байт ҳам ана шу фикрини ифода этәётир. Фақат бу ерда назмнинг маънидан ташқари ҳолатига эътибор тортилган. Охирги байт эса маънонинг чиройли шаклда (“Назмки ҳам сурат эрур хуш анга”) ифодаланишининг омили бўла олиши таъкидланмоқда.

Алишер Навоий бадний вариациянинг ишоятда хилма-хил кўринишларида фойдаланади. Аниқроғи, фикрин товлантиришда ҳам Навоий ўзига хос бадний маҳоратта эга эканлигини намойиш этади.

Табиат тасвирига бағищланган қуйидаги парчага эътибор қаратайлик:

Берди сахар хулласи зар ришта тоб,
Қолмади тун нардасидин ришта тоб.
Ёзди фалак токига килки казо,
Ояти “Ваш-шамс” била “Ваз-зухо”.

¹ Ўша китоб, 56-бет.

Сўфийи субҳ айлабон ул дам зухур,
Ейди сипехр узра мусаллойи нур.
Шом саводи асарин тийра хок,
Субҳ супургиси била килди нок.
Чархки дахр узра эди мушкрез.
Бўйди хаму муншк уза кофурбез.
Нилуфари чарх тўкуб жоласин,
Очи сахар боғи сариг лоласин.
Ож ўлубон панжараи обнус,
Ўт сочибон мижмари сундрус.
Кўйди қўёни ўтига зулмат туни,
Учти ҳаво узра нужум учкуни.
Жилва бўлуб гум кеча товусидин,
Нур кетиб гуллари қўзгусидин.
Кўз очиб ҳожа адам шомидин,
Ҳон топибон тонг ели пайромидин...

Кўриниб турганидай, тасвир туни ўршига келаётган қунни кўрсатишга бағишланган.

Буларининг барчаси Навоийнинг ҳалқ оғзаки ижодидан чукур баҳараманд бўлганлигини яна бир марта тасдиқлади.

Муслиҳиддин МУХИДДИНОВ

“ҲАЙРАТУЛ АБРОР” ДОСТОНИДА ИНСОН ТАЛҚИНИ

Инсон ҳамма замонларда адабиётининг бош мавзуси бўлиб келган. “Адабиёт инсонишунослик фани” экан, демак бутун адабиёт тарихи инсон ҳақидаги фикрий-ғоявий қарашлар, инсонни тасвирлаш, инсон моҳиятини кашиф эта борили тарихи, деб атаса бўлади. Чунки ҳар бир ёзувчи, ҳар бир шоир жамият ҳодисалари, ўзини қизиқтирган, тўлдирсанлантирган ғояларни қаламга олар экан, албатта ишони сийрати ва сурати, ахлоқи фаолияти, инят-орзуяларига қадалиб ўтади. Инсоннинг ўзи нима, у қаердан келиб чиқсан, ҳаётда ўзини қандай тутиши керак, инсоният жамияти, одамларнинг бир-бирига муносабати нималар асосида қурилиши лозим? Бу саволлар факат файласуф, сиёсатдонларнигиша эмас, адилларни ҳам лол этгаи. Кўп асрлик Шарқ адабиётида ҳам инсон муаммоси доимий равища бахс-муниозарага сабаб бўлиб, турли қарашларни вужудга келтирган. Шарқнинг гуманист шоирлари ҳамма замонларда, ҳатто, зулм-истибод кучайган даврларда ҳам инсонни улуғлаш, унинг ажаб фазилатларини васф этиш, номақбул, тубан хислатларни таниқид қилишини канда этмаганлар.

Буни иккни буюк шоир Хусрав Ҷеҳлавий ва Алишер Навоий ижодида, хусусан, уларниң фалсафий-лирик достонлари “Матлаъул авор”, Низомий Гапижавийнинг “Маҳзапул асрор” достонига жавобан ёзилган бўлса, “Ҳайратул абров ҳам Низомий ва Ҷеҳлавий асарларига жавоб тарзида дунёга келган. Хусрав Ҷеҳлавий билан Алишер Навоий бу достонларда

фалакиёт ва коинот, рухи муглақ, одамнинг яратилиши, табиати, яхши-ёмон хислатлари ҳақида фикр юритадилар.

Гарчи бу асарлар Низомий таъсирида юзага келган бўлса-да, аммо улар ҳар бир шоир яшаган замонининг талаблари, муаллифнинг шахсий қарашлари, ўй-фикри акс этганини унугтаслигимиз керак. Улар шунчаки, инсон ҳақида фикр юритиш, унинг фалсафий моҳиятини англаш учун интилган эмаслар. Буюк шоирларни, аввало, яхши инсон фазилатлари нимадан иборат, қандай қилиб яхши одам бўлини керак, деган масалалар қизитирган ва ҳар бири ўз кузатишлариининг натижасини ифодалаган. Шунинг учун “Матлаъул анвор” билан “Ҳайратул аброр” мазмун-мундарижка, кўтарилиган масалаларига кўра ўзаро яқин жиҳатларга ҳам, фарқли жиҳатларга ҳам эга.

Буни яхширок идрок этиши учун иккала достоннинг композициясини қисқача кўздан кечирамиз.

Хусрав Дехлавий достонида умумий муқаддимадан кейин учта мунојжот ва наът келади. Сўнгра шоир ўз пири Низомиддин авлиё, сulton Алоуддин, яна бир ҳукмдор мадҳига ўтади. Сўнгра асарнинг таркиб ва тартиби хусусида галиради-да, ораксидан учта хилват (учта фалсафий-тасаввүфий боблар)ни ёзди. Шундан кейин йигирмата макола келадики, ҳар бир мақолот битта ҳикоя билан якуланган. Асарнинг охириги боби “Гуфтори иҳтимоми китоб” (Китоб тутагилгани ҳақида сўз) деб номланган. Хусрав Дехлавий асарлари, шундай қилиб, ҳаммаси бўлиб, 53 бобдан иборат. Алишер Навоий достоий эса 63 бобни ташкил этади, яъни Хусравдан 8 боб ортиқ.

Бу ияманинг ҳисобига юз берган?

Мақолотлар ва уларнинг ҳикоятлари сони иккала асарда ҳам баробар-20 тадан. Бош-а бобларда эса фарқ бор. Масалан, Алишер Навоий умумий киришдан кейин яна бир ҳамд (“Ул холик ҳамдидақим, маҳлуқот тасвирига аниң қалами сунъи чехракушодур...”) бор. Бундан бошқа мунојжот тўртта, наът эса бештадир, яъни 3 боб бу ерда зиёд. Ўзбек шоирни ўзининг тақиидий-эстетик қарашларини ифодалаш учун сўз таърифига икки боб бағишлийди, унинг бағишивлари ҳам Хусрав Дехлавийдан битта ортиқ (Баҳовуддин Нақибанд таърифи)-Навоий “Ҳайрат”ларини бошилашдан олдин (Хусравда булар хилват деб номланган), кўнгил талқинига бир боб ажратилган. Чуники, оламдан унинг жамоли, сирру асроридан ҳайратланиш - бу кўнгил, яъни рух ишидир, инсон, аввало руҳдир, инсон камолотидир, деган гояни илгари суради Навоий. Инсон севгиси поклиги, вафоси, ақли, билими ва бошқа хислатлари билан улуғдир. булар ҳақида “Матлаъул анвор” муаллифи ҳам, “Ҳайратул аброр” муаллифи ҳам муҳим фикрларни олга сурғанлар.

Хусрав Дехлавий ёзди:

Эй зи азал гавҳари пок омада,
Гавҳари ту зевари хок омада
Чанбари нўҳ ҷарх басе бехи хок,
То бурун омади эй дурри пок.

Нури ту хангомай анжум шикаст.
Дасги ту тасбехи малоик гусаст.
Жони жаҳони ҳама олам туй,
В он ки нагуижад ба жаҳон ҳам туй¹

(Эй азалдан тоза гавҳар бўлиб яратилган, сенинг гавҳаринг ернинг - тупроқнинг зийнатидир. Фалакниш тўқиз элаги сен дурри пок ҳосил бўлгунча тупроқ элади. Сенинг нуриш юлдузлар шуъласини синдириди, қўлинг малоикалар қўлидаги тасбехни тортиб олди. Бугун оламнинг жону-жаҳони сенсан, жаҳонга сигмаган ҳам сенсан.)

Шоир иносонни барча маҳлуқотнинг энг аълоси, шарифи деб тъярифлайди. Шундай бўлгач иносон ўзига муносиб шариф ишлар билан шуғулланиши, оламга дил кўзгуси билан қараб ибрат олиши, яхши-ёмонни ажратиши, ҳасад, хирс-пасткашилик каби кабих ишлардан ҳазар қилиши лозим, дейди. Хусрави Дехлавий биринчи мақолатни иносон талқинига бағишлаб, кейинги бобларда, ижтимоий-ахлоқий қарашларни баён этган.

Унинг уқтиринича, наст одам ҳар қанча ҳаракат қўлса ҳам, мансаб-амалга мисса ҳам настлигича қолади:

Паст нагардад ба таманно баланд,
Гарчи ба ангушт кунад по баланд.

(Паст орзу билан улуг одамга айлана олмайди, гарчи бармоқларига тирагиб бўйини баланд кўрсатса ҳам)

Одамй аст аз наи кори бузург,
Гар накунад инг-ҳамори бузург

(Одам улуг ишлари билан улугдир. Агар буни қилмаса-катта ҳайнондири.)

Одамнинг мартабаси унинг ақли, шахсий қобиляти, ҳиммати-ҳимоятига иродасига қараб кўтарилиши керак.

Ўз насли, ота-бобосининг обрўси, қариндош-уруг орқасидан мамашлик қилиш фурт аҳмоқлик дейди Хусрав Дехлавий:

Такя чй орӣ ба асои касон,
Зинда нашуд кас ба баҳои касон.

(Ўзгалар таёғига суюмоги не, ўзгалар баҳоси-ҳиммати билан ҳеч ким тирган эмас). Ҳаётда баланд ҳиммат билан доим илм ўргаянган, ўз-ўзини тарбиялагап, ҳаром нафсадан ҳазар этган киши улуғлик касб этиб бораверади, назари баланд бўлади.

Кейинги мақолотларда Хусрав Дехлавий илм олиш хуш сухбатлик, ижод тақвадорлик, шукр, хурсандчилик қилиш соғ севғи, дўстлик, вафо, раҳм, ҳаёли бўлиши, диёнат, писоғ, адолат каби аҳлоқий фазилатларга

¹ Хусрав Дехлавий. Матлаъул авор, танқидий текст тайёрловчи Тоҳир ўғли Махаррамов, М., Наука, 1975, 83-бет. Мисоллар шу манбади олинди.

тұхталған. Алишер Навоийнинг олам ва одамнинг яратылыш ҳақидаги қарашлари Хусрав Дәхлавий фикрларига монанд. Навоий хам инсонни оламнинг гүлтоғи, ҳосиласи деб таърифлайди. Масалан:

Мунча гаройибки, мисол айладинг,
Барчани мирыоти жамол айладинг
Ганжинг аро нақд фаравон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди.

Ёки:

Кониу хайвони, агар худ набот,
Ҳар бирі бир гаөхари оли сифот
Борчасини гарчи латиф айладинг,
Борудан инсонни шариф айладинг.

Улуг шоир инсонни бириңчи навбатда ҳаётдаги фәолияти, кирду корига қараб ھукм чиқаради, инсон қилаётган иши, келтирған нағұй ғарары билан аниқ фазилат қасб этади. Инсоннинг яратылыш ҳақидаги диний ағсоңа ҳар иккى шоирда ҳам мавжуд. Шу каби шариат қоидаларига амал қилиш имоили-этиқодлы бўлиш ҳам талаб этилади. Бу қонуний ҳол, чунки ҳамма гаи шуидаки, гуманист шоирлар шу қарашлар ичидә оташин инсонпарвар, инсонсевар бўлиб коладилар. Алишер Навоийнинг мағнұр:

Одами әрсанғ демагил одами,
Оники йўқ ҳалқ ғамидин ғами.

Хикмати ҳам “Хайрат ул-аброр”дадир. Навоий ая шундай ўзгалар ғамида юрадиган, ҳиммати балапп, ҳожатбарор, адолатналоқ инсонларни таърифлайди. Маълумки, инсон аллақаңдай мавхұм түшүнча эмас. Инсон ўз қасбу кори, жамиятта әгалларатан мавқеи билан, аниқ шаҳсадир. Агар ўрта асрларда яшаган кишиларни пазарда тутсак, бу деҳқонлар, олимлар, ижодкорлар, амирлар, шоҳлар, савдоғарлар ва хоказолардан иборат. Навоий бу тоифаларнинг ҳаммасини “Маҳбуб ул-қулуб” асарида бир-бир таърифлаган, аммо ҳар бир гурӯҳнинг ҳам яхши-ёмони борлигини күрсаттаги. Ана шу тарика зид кўйиб тасвирлаш “Хайратул аброр”да ҳам бор. Улуг шоир шунинг учун адолатли ва золим шоҳ, рост қавл ва риёкор шайх, қарамли (саҳоватли) ва хасис одам, одобли ва беадаб киши, олим ва жоҳилар хүсусида ёзди, уларнинг инсоният жамияти учун фойда ёки зарарини кўрсатиб ўтади. Масалан, ўн бириңчи мақолатда илмнинг фазилати ва жоҳил-нодонликнинг касофати ҳақида сўз боради. аммо, шоир бобни тўғридан-тўғри:

Даҳр иши то ҳалқ ила бўлмиш ситеz,
Хордурур олиму жоҳил азиз.

деган байт билан бошлайди. Чунки, замона зулмни севади, разил, жоҳилларга мартаба, мансаб ногонасига кўтарилиши насиб этади, “билик аҳлиға” эса раңжу азоб:

Феъли ёмон топса рафия айлабон,
Хукмиға олмани мутеъ айлабон.

Ёмон одам бошқаларни ўзига мутеъ этса, яхшилар, оқилю донолар хор бўлади, лаълдек қимматли, кўнгли пок одамлар “кўхи боло остида ғаминок” яшайдилар. Хулқи, рафтари дораңдалик бўлган покаслар шоҳ саройидан иззат-хурматда яшайдилар, дейди Навоий. Шоир илм олишининг машаққатли азобларини тасвирлайди. Қағишақ, оч-ялонгоч муллаваччалар аянчили ахволда мадрасаларда купу тун тахсил кўриб, илм ўрганадилар, мақсадга эришиши чун барча нарсадан, ҳатто ҳаёт неъматларидан ҳам воз кечадлар:

Еурбат аро холи ёмондин ёмон
Хар не йўқ андин ёмон, андин ёмон.

Лекин, афсусланадиган ва ажабланадиган жойи шуки, деб қуюнади Навоий, “бир жоҳили қотилваш”, “сўзи ҳам, ўзи ҳам ноҳуш” дину диёнати йўқ жоҳил одамлар молу мулк эгаси, мансабу мартабали. Яна ажабланарлиси шуки, бу разил, нодон одамлар хизматида нечта олим униниманд юради, мулозимлик қизлади. Навоий бундай олимларни ёмон кўрган. Агар қанча муҳтож бўлсанг ҳам, паст, жоҳил кишинииг хизматида бўлма, бошингни кўтариб озод юргин, дейди шоир:

Илмни ким воситай жоҳ этар,
Ўзини-ю ҳалқини гумроҳ этар.

Илм-амал, мансаб воситаси эмас, балки ҳалққа хизмат қилиш куролидир. Олим дунё молига меҳр қўймаслиги керак:

Солмаса кўз жафои дунё сори,
Бокмаса туз дунё фони сори,

Они шараф гавҳарининг кони бил,
Гавҳару кон ҳар не десанг, они бил.

Шу тариқа, қўрамизки, Алишер Навоий инсоннинг муҳим фазилатларидаи бири сифатида билимдонликини қўрсатган. Бу ерда муҳими шуки, улуғ шоир аниқ суратда ўз даврининг воқеаларидан келиб чиқиб илму урфон эгаллашнинг ниҳоятда қийин экани, энг ёмони шу азоб билан билимдон бўлганилар хору нодон, разиллар эса роҳатда яшашини бир дард, алам билан тасвирлаган. Шоирининг муносабати, жамиятнинг нотекислиги, адолат йўқлигини очиқ-ойдан ёзилиши Навоий инсонпарварлигининг курдатини оширгаи, унинг гоялари ҳаёттийрок, таъсирилорк бўлиб ифодаланган.

Илм ҳақидаги боб Ҳусрав Дечлавийда ҳам бор. “Матлаъул аввор”нинг иккинчи мақологи шу мавзуга бағициланган. Ҳусрав ҳам илмни улуғлаб, жаҳолатни танқид қилган. Учинча, илм бу қоронги кечада йўл қўрсатувчи

чироғдир. Чироғи бўлмаган одам қудуққа тушиб кетади. Илм қучли бўлған одам зарра гавҳарига эътибор қилмайди, ҳам илм ва ҳам бойлиги бор одам камдир. Олим ўз илми билан улуғ, жохиж агар шоҳу султон бўлса, дунёни эгалласа ҳам авомдир, пастир:

Гарчи қашад гов жаволи гухар,
Бор зиёдат шавадаш, не хунар.

(Хўқизга гавҳар кони ортилган билан юки ортади, хунари ортмайди).

Хусрав ўзини билимдан кўрсатишга уринган нодон кишилар, ясантусан қилиб юрадиган одамлардан кўлади. Хусрав Дехлавий олим билан жоҳилни турли кўринишларда солиштириб, ҳақиқий илм эгасининг фазилатларини бир-бир санаб чиқади. Илмда ҳийла, маниманлик, ялқовлик, мақтаичноқлик зиён келтиради. Илм оламан деган одам майнарастлик, ишқибозлиқдан воз кечиши керак:

Илм чунон хон, ки зи паст знидаги,
Хоби ту бошад шарафи бандагӣ

(Илмни шу қадар ўргаигинки, ўлганингдан сўнг, сенинг уйқунг одамийлик шарафи бўлсин).

Олим одамнинг аъмоли ҳам ўзига ярападиган, хулқи покиза бўлиши керак.

Шундай қилиб, ҳар икки шоирнинг инсон хислатлари ҳақидаги қарашларида умумийлик борлиги маълум бўлади. Навоий Хусрав Дехлавийнинг гуманистик ғояларини давом эттирган. Айни вақтда ўзбек шоирнинг қарашларида аниқлик, замонадан келиб чиқиб фикр юритиш, илм аҳли аҳволига ачиниш хос. У инсонни кўпроқ ижтимоий категория сифатида олиб қараган ва шу асосида фикр юритган.

Файзуллохон НАБИЕВ

ЛИРИК ҚАҲРАМОН ВА ТАБИАТ ТАСВИРИ

I. МУШТАРАКЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИК

Алишер Навоий мислсиз лирик шоир, шу билан бирга буюк достоннависидир. Ўз изходини лирик шеърлар битиш билан бошлаган Навоий йирик бадиий полотнолар - достонлар яратишини орзу қилди. Ниҳоят, кўп йилялик орзу ва ижодий изланишлари самараси ўлароқ сўз санъатининг гултоғи - “Хамса” яратилди.

“Хамса” - лиро-эпик асар. Унда лириклик билан эпиклик бир-бирга шу қадар сингишиб, ўзаро шундай уйгуналашиб кетганки, буни бир-биридан ажратиш баъзан жуда сунъий бўлади. Бироқ, шуни таъкидлаш зарурки, “Хамса”даги ҳар бир достон ўз жанр хусусиятларига эга.

Навоийшүнослиқда “Ҳайратул-аборор” - фалсафий-таълимий, “Фарҳод ва Ширин” - ишқий-қаҳрамонлик, “Лайли ва Мажнун” - ишқий-фожиавий, “Сабъаи сайёр” - ишқий-саргузашт, “Садди Искандарий” - қаҳрамонлик асари сифатида баҳоланган.

Биз, бу ўрида табиат тасвири ва лирик қаҳрамон масаласини ёритишни мақсад килдик. Бунинг учун, биз, “Фарҳод ва Ширин” достоининг айрим бобларидаги (ҳажмии ҳисобга олган ҳолда) табиат тасвирининг лирик қаҳрамон фикр-ўйлари ва ҳис-туйғуларини ифодаланидаги ўрии ва вазифасини аниқлашга уриидик.

Лирик қаҳрамон руҳий дунёси бевосита унинг шутқида - монолог ва ички монологларида намоён бўлади. Шоир ўз шуткининг бадииятини ошириш, таъсир кучини орттириш учун табиат тасвиридан қай даражада ва қандай фойдаланинг? Ва бу ҳол шоир олдига кўйган мақсадларни рӯёбга чиқаришида нечоёлик кўл келган? Щу мақсадда, биз, “Фарҳод ва Ширин”, достоининг лирик парчаларида - лирик қаҳрамон шутқидаги пейзаж хусусиятларини, гарчанд моҳиятни битта бўлсада (чуники, улар ўзаро ўйғун, бирни исканичи бирини тўлдирса-да), мазмунни уларнинг ўзига хос эканлигини назарда тутиб, айни масалани атрофлича ёритишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, лиро-эпик асарларда қаҳрамонлар билан бирга, лирик қаҳрамон ҳам тўла иштирок этади. Хўш, табиат тасвирида бу қандай намоён бўлади? Ва унинг асар воқеалари, уларнинг тадрижий такомилидаги ўрии қандай? Масалани шу жиҳатдан кузатини қизиқарли, албатта.

Зеро, лирик қаҳрамон шутқи бу достоинларда ҳам ажралиб туради. Яъни, гарчи ҳамма байтларда ҳам лирик қаҳрамон иштироки эҳтимоли бўлса-да, биз, соф лирик парчаларга кўпроқ ётибор қиласмиз, уларга эник тасвир устуни турадиган парчалардан шартли равинида ажратиб қараймиз. “Фарҳод ва Ширин”нинг услуби, ундаги лирик қаҳрамон ҳақида баҳс юритар экан, профессор С. Эркинов шундай дейди: “Алишер Навоийнинг эник услуби учун хос бўлган бир фазилат - адид ишқий-саргузашт сюжетига лирика элементларини жуда ўрили сингдириб юборади. Ўқувчиларда қаҳрамон кайфиятини умумий тарзда ифодаловчи ва кучли эмоция ўйғотувчи мисраларни кўн учратади. Лекин, улар асарда сюжет бирлигига, унинг эволюциясига салбий таъсир этмайди, балки кўп ҳолатларда воқеаларнинг бошланниши, кульминацияси ва ечимига ўтишда бир поэтик усул сифатида хизмат қиласди”¹.

Хўш, ани шу лирик парчалар достоинларда қандай намоён бўлади? Ва улардан муаллиф кузатган мақсад-ниятлар нималардан иборат?

Маълумки, лирик парчалар, аввало, насрий сарлавхалардан бошланади. Уларда боб воқеаларининг мундарижаси баёни этилса ҳам, шоир ўша воқеаларга ўз ҳиссий муносабатини ҳам билдириб кетади. Ундан кейинги лирик парча деб бобларнинг бошланма байтлари - бароати истелоҳларини айтиш мумкин. Чуники, ҳар бир бароати истихдолга шоир ўзининг лирик

¹ С. Эркинов, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг киёсий тахлиси, Т. Фан., 1971. 245-246 бетлар.

кайфиятини сингдира олган. Кейин боблар ичидаги лирик чекишишларда табиат тасвири усутун келгандар бор. Боб сүнгидаги лирик хотима - соқйномаларда ҳам қўниша табиат образлари ёрдамга келади. Демак, лирик қаҳрамон образи бобда насрий сарлавҳа, бароати истиҳдол, лирик чекишиш ва лирик хотима каби кетма-кетликда намоён бўлади. Шуни ишонч билан айтиш мумкини, ана шу лирик парчаларнинг қўпчилигага шоир бевосита табиат тасвирига мурожаат қилади. Лирик қаҳрамоннинг ўй-фикрлари, ҳис-ҳаяжонлари табиат образлари ёрдамида намоян бўлади. Биз достонинг ана шу жиҳатларини кузатишни мақсад қилдик. Чунки, бу жиҳатдан достон фасллари бир даражада эмас. Ундан ташқари, лирик қаҳрамоннинг табиат тасвири ёрдамида ўй-хаёлларини баён этиш учун достон воқеалари кечган ташқи мұхит - табий вазиятнинг тасвири ҳам бўлган. “Фарҳод ва Ширин” воқеалари дунёнинг гўзал гўшаларида Чин ва Арманистонда кечади. Хар иккала диёр ҳам Навоий тасвирида жуда гўзал мамлакатdir. Кейин, Арманиядаги тоғу тоицлар, чаманзорлар тасвири, дengiz тасвири бунга жуда қўл келган.¹ Демак, айтиш мумкини, Навоий асарларида табиат тасвирини асар воқеаларининг ўзидан келиб чиқиб кузатиш керак. Чунки, айни шу воқеалар табиат тасвиридан фойдланиши даражаси ва қўламини бошқарган.

Маълумки, достондаги насрий сарлавҳа, бароати истиҳдол ва соқйномалардаги табиат тасвири билан уйғунлашиб келган лирик чекишишларни аниқлаш у қадар қийин эмас, чунки, бу поэтик бўлакларнинг композицион ўрни аниқ. Бироқ, боб ичидаги лирик чекишишлар қандай ўриппларда келади? Аввало, юқорида қайд этилганидек, ҳар қандай воқеа баёни келганда, шои ўз муносабатини қўшиб тасвирлайди. Демак, пазарий жиҳатдан ҳар қандай байтда лириклик кутиш лозим. Бироқ, шоир боб ичидаги алоҳида, маҳсус лирик чекишишлар ҳам қилади. Энди достоини ана шу жиҳатдан кузатсан.

2. “ФАРҲОД ВА ШИРИН”ДА ЛИРИК ҚАҲРАМОН ВА ТАБИАТ ТАСВИРИ.

Достоннинг 2-бобига шундай сарлавҳа қўйилган: “Бу шавқ достонларининг “алиф”лари сарвқадлар бўйидек санубарвац ва “лом”лари бинафша зулғлар турраси янглиғ дилкаш эрконинг боис фехрастидаги ҳақ отидин тўғро ва дебочаси қайноми мутзақ сифоти била мутарро эрконишинг баёни”². Қўриниб турибдики, шоир “сарвқад”, “санубарвац”, “бинафша” каби ифодаларда табиатга онд образлардан фойдаланган. Демак, бу бобда табиат тасвири насрий сарлавҳаданоқ бошланди. Бу тасвир занжири насрий сарлавҳадан бароати истиҳдолга ўтади:

¹ Айни масалалар навоийшуносликда анчайин тадқик этилганлиги сабабли ва ҳажм тақозосига кўра, биз, факат мавзумиз доирасида баҳс юритишни лозим топдик (Ф.Н.).

² Алишер Навоий, Ҳамса, Т., Фан, 1960. 150-бет. Барча мисоллар “Ҳамса”нинг ушбу нашридан олинганилиги сабабли, бундан кейин факат саҳифаларини кўрсатиб борамиз.

Бу раингин сафха, балким дард боғи,
 Аёй ҳар лоласида ишқ доти.
 Тахайюр ўти ҳар барги гул анда,
 Таҳассур дуди ҳар бир сунбул анда.
 Қүшининг ғағмаси ҳижрон суруди,
 Оқар сув барча стайли ашқ рӯди.
 Шамолига самуми ҳажр ҳамроҳ,
 Самуми ҳажр йўқим, шуълаи ох.
 Бугуб гулбунларидин ғунчай дард,
 Чикаб ул гунчалардан отачин вард.
 ...Ки инсон кўнглини эти гулшани ишқ,
 Бу гулшанинг ҳаримин маҳзани ишқ.
 Демай ўт ониким, барқи дураҳшон,
 Демай барки дураҳшон, меҳри рахшони.
 Тулув эти чу ул рахшанда хуршид,
 Адам шомига бўлди щамъи жовид.
 Анииг нури чу партав қизди зоҳир,
 Бори заррот бўлдилар мазоҳир.
 Қўёш маъшиқу ҳар зот ўлди ошиқ,
 Дема ҳар зот, заррот ўлди ошиқ!¹

Бу байтларда шоир табиатнинг ажаб манзарасини яратган. Муаллифнинг фикрича, бу дунё бир боғ. Қўёш эса бу боқча нур сочади. Гулисан, ундаги жамики зотлар, наботот ва жонзотлар, балки бор зарротлар ҳамма-ҳаммаси ана шу қўёш нури билан ёритилади, ана ўша қўёшга ошиқ бўлади. Қўёш эса ҳамма нареа учун буюк бир маъшиқ. Бу тажалли фалсафаси асосидаги ошиқ ва маъшиқ талқини. Буни шоир лирик кечинималар орқали табиатдан мисол олиб тушунтиради. Шу тариқа ишқ, ошиқ ва маъшиқка таърифи давом этади. Сўнг яна шоир “Навоийга” мурожаат қилиб, яна лирик чекиниш бошлиниади:

Навоий, телбаликни бартараф кил,
 Яна бир лаҳза сўз бошига келгил.²

Бобининг охирроғида яна табиат тасвирига дуч келамиз. Эпди нужумиёт тимсолларига, тасвиirlарига ўтилади. Маълумки, нужумиёт ҳам табиатнинг узвий бўлаги. бунга асос ҳам бор: боб бошида қўёш образи чизилгани эди. Нужумиётта оид тушунчалар тун-кеча маназарасини чизиш орқали тилга олинади:

Шафақ гулгунига хуршед этиб раинг,
 Яна жул ҷархи атлас қаҳқашон танг.
 Кеча шабдезин айлаб танг баста,
 Йиги ойдин қилиб сатлиға даста.
 Қадар Шопурин анжумдин садафкор,
 Анга ҷарху шафак шиннгарғу зангор.

¹ Алишер Навоий, Ҳамса, ўша бет.

² Алишер Навоий, Ҳамса, 150-бет.

...Чу тортиб зухра лаҳни Борбадни,
Олиб Баҳромвашлардин хирадни.
Ўкуш Фарҳоду Ширин айласанг жамъ,
Шабистонида бир парвонаву шамъ.¹

Хуллас, табиат тасвиirlари бу ерда шоирга асарда нима ҳақида гап борили, унда иштирок этажак қаҳрамонлар номини образли-истиоравий йўл билан китобхонга таништириш имконини берган.

Умуман, тун маиззараси - Навоий асарларида, айниқса, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достонларида кўп учрайдиган бадии тасвиirlардан. 5-бобда бунинг яна бир ёрқин намунасини қўрамиз. Меъроj талқинидан иборат бу боб бевосита тун тасвиiri билан бошланади:

Ул оқшомким юзига луббати чин,
Елиб марғула ўйди зулфи мушкин.
Насим ул мушк исин пурратти харён,
Ҳаво ратьонларига сотти харён.
Ёшунди мушк ичинда чин ғазоли,
Дема чинким, фалак заррин ғазоли.
Қаю заррин ғазола, турки чин де,
Қаро туфрокка киргон махжабин де.
Қуёш сўти иши киргач ароға,
Фалак лутъбатлари кирди қароға².

Демак, бобда лирик қаҳрамон баъзан насрӣ сарлавҳаларда ҳам, истиҳлоғда ҳам, боб ичида ҳам ва бобдаги лирик хотимада ҳам табиат тасвиiriдан, унинг ранг-баранг лавҳалардан усталик билан фойдаланади. 5-бобда эса табиат тасвиiri бундай узвийликка эга эмас. Шунингдек, Низомӣ ва Ҷеҳлавий таърифидаги 6-бобда ҳам шоир ўрии-ўрии билан табиат образларидан фойдаланиб, әжойиб образли фикрлаш намуналарини яратган:

Агар булбул десанг, Ҳиндустон тун,
Қаро зулмат дема, анбарфишон тун.
Бу андок тун аро шабхез булбул,
Шабистон ичра шўрангез булбул.
Дема булбул, де они қақнуси зор,
Топиб лаҳнидин опинг қақнус озор.
Агар қақнус чекиб юз нола жонсӯз,
Анга минг нола ўқи борча дилсӯз.
Дема ўқ, балки ҳар бир барқ оҳи,
Ки, секриб ўртабон мах то ба моҳи.
Солиб юз шуъла ҳардам хирманига,
Ўзининг йўқки, олам хирманига.
Маоний баҳрига аинфосидин мавж,
Ки ул мавж остига қолиб тўқуз авж.
Такаллум ришгасиня назмидин дур,
Фалак бағрига ул дурдин тафроҳур.

¹ Алишер Навоий, Хамса, 151-бет.

² Алишер Навоий, Хамса, 155-бет.

Саводи назм анга абри баҳори,
Бўлуб эл бошиға гавҳар нисори¹.

Лавҳада Дехлавийни таърифлаш учун шоир Ҳиндиистон ва у билан боғлиқ табиат, коинот ҳодисаларидан ҳамда турли атамалар, тущуичаю тасаввурлардан усталик билан фойдаланади: “булбул”, “тун”, “қаро зулмат”, “аибарфишон тун”, “шабхез булбул”, “шабистон”, “қақпүс”, “барқ”, “маҳ”, “моҳи”, “шұыла”, “хирман”, “баҳр”, “олам хирмани”, “баҳр”, “мавж”, “тұқуз авж”, “дур”, “фалак бағри”, “абри баҳори”, “булут”, “гавҳар”, “найсоний бұлуг”, “мушикин сахоби”, “қатра”, “дүрри поб” каби табиатта хос ҳодиса ва тушунчалар орқали Дехлавий шеъриятининг таърифини көлтиради. Шуидан ҳам қўриниб турибдики, шоир фақат асар қаҳрамонлари руҳий ҳолатини тасвирилаш учунгина табиат қўринишларидан фойдаланиб қолмай, табиатта тааллукли тушуича ва тасаввурлар орқали баён этади. Шундай қилиб, табиатта, унинг турли хил қўринишларига бир неча мақсад ва жиҳат билан мурожаат қилиган Навоий, бадиий тасвирида уининг кеңг имкониятларидан моҳирона фойдаланади.

Баъзан муаллиф боб охирида табиат манзараси яратиб, лирик хотимани унга улаб юборади. Масалан, “Фарҳод ва Ширип”нинг 9-боби шундай бошланади:

Берур меҳнат тунига шамъ ёғду,
Чу ўчти шуыласи бўлди қоронгу.
Мангаким солди шоми замон сўз,
Десамким ёрутай бу шамъи жонсўз.
Бошида бўлмаса заррин ливоий,
Шабистонга нетиб солграй зиёй.
Умидим улки, бу шамъи тирози,
Ки, бўлди жон уйининг жилва сози.
Күёшдек чарх айвонин ёрутқай,
Ки, онинг партави оламни тутқай.
Кетургил, соқи, ул шамъи дураҳшон,
Демай шамъи дураҳшон, меҳри раҳшон.
Ки, меҳр эттаг чен тоғ узра анвор,
Чикай тоғ узра мен ҳам кўхсанвор².

Бу бобда шоир бевосита “мен” деб гап боналайди, демак, уи боидан-охир лирик шарча деб ҳисоблаш мумкин. Мазкур байтларда шоирниң “Фарҳод ва Ширип”ни ёзиши ҳақидаги нияти акс эттан, бу йўлда мадад сўрайди. Бунда тун лавҳаси ва қуёш тушунчаси ишга солиниб, ҳатто соқийнома ана шу образлар асосига қурилади. Шоир майни шамъи дураҳшонга ўҳшатади, кейин уни инкор этиб, меҳри раҳшон деб атайди. Ружу санъати асосида майни қуёш тарзида тасвирилагандан кейин, сўнгти байтда қуёш тоғ узра нур соғанидек, мен ҳам худди тоғ йўнүвчи каби тоғ узра чиқай деган орзусини баён этади. Бунда, ўз-ўзидан равшанки,

¹ Алишер Навоий, Хамса, 158-бет.

² Алишер Навоий, Хамса, 167-бет.

Фарҳоднинг кўҳканлигига ҳам ишора бор. Аммо, мана шуларниңг ҳаммасида табиат жисми бўлмиши қўёш асосий воситага, воқеалар ривожининг йўлчи юлдузига айланган. Демак, табиат тасвири фақат лирик қаҳрамоннинг ўй-хаёл, ҳис-туйғусини баён этишида эмас, балки бир йўла асар воқеаларига ишораларини юзага чиқаришида ҳам хизмат қилияти.

Маълумки, 9-бобнинг лирик хотимаси 10-бобнинг бароати истилоҳи - дастлабки байтлари билаи ўзаро мантиқий боғлиқликка эга. Сөқийномада қўёшининг төғ узра цур сочиши ҳақида гап борган эди. Демак, табиийки, тоиг отиш маҳали қўзда тутиляти. Гарчи 10-боб Султон Ҳусайн Бойқаро ва 11-боб унинг ўғли Султон Бадиузвазмон мадҳига бағишланган бўлса-да, ҳар икки боб ҳам тоиг отиш маҳалининг ўзига хос тасвирлари билан бошлилади.

10-боб бароати истиҳоли:

Казо қилки чу тортиб нақши дилкаш,
Жаҳон авроқини қилди мунаккаш.¹

11-бобнинг бароати истиҳоли:

Азал субҳики қилди хомаи сунъ,
Тахарруксиз хароши номаи сунъ.
Абад шомигача не бўлса мавжуд,
Ёзилди ул варакда булу нобуд.²

Хуллас, қўёш, тоиг отишни достоинлардаги боблар бошлиланмасида энг кўни учрайдиган манзара. Бу, айниқса, айрим бобларда жуда муҳим поэтик ҳодисага айланган. Масалан, ана шу 11-бобда тоиг отишни тасвири билан фикрни бошлиаш шоирга боб ичидаги ҳам қўёш образига қайта-қайта мурожаат қилиши имконини берган:

Ани мажлис дема, олий сипехри,
Қадаҳдин даврида рахшанд мөхри.
Дема мөхр ониким, мөхри сабух ҳез.
Не андоқ тезрав, не усрат ангез.
Нинот афзойроқ Ноҳиддин қўп,
Сарину-саирроқ хуршеддин қўп.
Қўёш бир қатла ҳар кун кўкни сойир,
Бу мажлис чархин ул юз қатла дойир.
...Қўёшлек олам аро базм чоки,
Жаҳонга ўт солиб разм чоги.
... Бериб даврон қўёш янглиғ камоли,
Фалакдин бўлмасун, ё Раб, заволи.
Кетур, сөқий, қадаҳ хуршеддини бот,
Ичай шахзода ёди бирла, ҳайҳот!³

¹ Алишер Навоий, Хамса, ўча бет.

² Алишер Навоий, Хамса, 169-бет.

³ Алишер Навоий, Хамса, 170-бет.

Кўриниб турибдики, ана шу 7 байтда шоир турли шаклларда ўз ва кўчма маъносида “куёш” тушучасини бир неча бор тилга олади. Кўёш - ёруғлик, хайт манбаи. “Шуни таъқидлан керакки, - дейди навоийшунос Э. Исҳоков бу ҳақда баҳс юритар экан,- тоонг отишни ва кўёш чиқини билан алоқадор истиоравий иборалар поэтик этикет даражага етиб қолган бўлиб, уларнинг моҳияти бир - позитив (ижобий) характерда; кўёш-ғолиб, қоронгулик зулмат (салбий) лашкарини мағлуб этган қудратни шоҳ сифатида талқин қилинади”.¹ Тасвирда, биз, аввало, табиат қонуниятига қатъий амал қилинганинги, яъни тундан кейин тоонг отишни, кўёш чиқини, сўнгра, табиат жисми бўлмиш кўёшга хос сифат ва хусусиятларни чукур очилганинги кўрамиз.

Хуллас, “Фарҳод ва Ширин”да табиат тасвири лирик қаҳрамон ўзлигини намоён этишдаги энг муҳим воситалардан бири бўлиб зизмат қилгани.

Турдибой ҚОЛДИБОЕВ

НАВОЙ ВА ҚОЗОҚ АДАБИЁТИ

Истиқдол туфайли содир бўлган ва содир бўлаётган буюк ўзгаришлар бутун Ўзбекистон ҳалқининг ҳаётига ўз таъсирини ўtkазиб келаянти. Оғир синовлар, не-не азоб-уқубатларни бошдан кечирган ҳалқимизнинг асрий орзулади. Дунё ҳаритасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинига давлат - Ўзекистон Республикаси пайдо бўлди. Айсан шундай дамларда, мустакилликнинг шамоли эсиб, ҳалқимиз қалбида озодлик ва ҳурлиқ нафаси жўёни ура бошлаган вақтлар (1991) бутун туркӣ ҳалқлар поэзиясининг чўққиси Мир Алишер Навоий таваллуд топганига 550 йил тўлди. Бунинг илдизида чукур рамзий маъни ётади. Мустакилликнинг илк йилида бутун туркӣ забони ҳалқтар адабий тилининг байроқдори, жаҳони адабиётидаги буюк сиймо, доиниманд шоирнинг юбцелей кенг миқёсда низомнанди. Республикадаги Қозоқ Миллий маданият марказининг ташкил этилиши билан Ўзбекистон Ёзувчилар юшмасида Алишер Навоийга багишланган илмий-назарий анижуман бўлиб ўтди. Унда қозоқ зиёдларни, ёш олимлар ва талабалар, шоир ижодининг ихлюсмандлари иштирок этилди. Мазкур анижуманда таниқли адабиётшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар Навоий ҳаёти ва шекоди ҳақидаги матъузалар билан қатнашиб, шеърлар ўқиди. Конференциянинг эртасига буюк шоир таваллуд кунига багишланган ҳалқаро оқинлар айтишуви ўтказилди. Қозоқистон, Қирғизистон, Монголия ҳамда Ўзбекистоннинг таниқли оқинлари қатнашган айтишув икки кун давом этди. Бу тадбир республикамида яшаётган қозоқ ҳалқининг ўзбек адабиёти классиги Алишер Навоийга бўлган чексиз эҳтиромини акс эттириди. Сабаби, туркӣ забон ҳалқлар дунёсида дасталб Мир Алишер Навоий сингари ўз шеърларини туркӣ тилда ёзиши билан баробар унинг осмонўпар гумбазини буйёд этган ижод соҳиби йўқ. Буюк

¹ Е. Исҳоков, Навоий поэтикаси., Т.. Фан, 1983. 111-112-бетлар.

шоирнинг тўрт девонидан ташкил топган “Хазойин-ул-маоний”, форс тилида ёзган “Девони Фоний”, беин достоидан иборат “Хамса” асари ҳамда кўплаб насрй асарлари туркӣ ҳалқлар учун битмас-туганмас хазина, буюк мерос бўлиб келаётир. Ана шундай маъниавият хазинасидан қардош қозоқ ҳалқи ижодиёт аҳли ҳам баҳраманд бўлмоқда. Унинг яна бир исботи сифатида шуни ҳам айтиб ўтиши жоизки, улуғ сиймо таваллудининг 550 йиллик байрами арафасида Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг напри бўлган “Қазақ эдебиети” газетасида буюк шоирга бағишлаб маҳсус саҳифа жаратилди. Газетанинг 1991 йил 8 февраль сонининг 4-5-саҳифаларида “Туркӣ тилнинг байроқдори Алишер Навоийнинг таваллудига 550 йил” руқнида кириши сўзи бўлиб, шоир ғазаллари қозоқ тилида чоп этилди. Унда Навоийнинг ҳаёти ва ижоди туркӣ ҳалқлар учун осмон ичра шуъла тараттаётган юлдуз сифатида таърифланади.

Шунинг учун ҳам Алишер Навоийнинг меросини кўз қорачигидай асрар авайлаш энг катта вазифамиз эканлигини ёдда тутмоғимиз даркор. Биз жаҳондаги йирик сўз усталари ижодиётини қай даражада ўргансак, қай даражада ўқитсанак, Навоий асарларини ҳам шундай даражада мутолаа қилишимиз, ҳатто аллома шоирнинг меросини чуқурроқ ўрганишимиз лозимлиги баён этилди.

“Ўз томирингдан баҳра олмасдан туриб, бошиқа дарахтнинг шохидаги мева бўла олмайсан”, -деб Навоий асарлари қозоқ ҳалқи учун ҳам, унинг тараққий этган давлатлар қаторидаги маданиятни ва адабиёти учун ҳам карвоно боши бўлини айтилади.

Умумий ўргута таълим мактабларини тамомлаган шогирдларининг туркӣ адабиёт тарихини чуқур ўрганиб, уларнинг қалбида ноэзияга нисбатан муҳаббат туйғусини шакллантирадиган вақт етди. Ёш авлод Навоий, Низомий, Фузулий, Абай, Тўқтағул, Махтумкули ижодини етук ўрганса, шунинг ўзи ҳам бирланишининг, дўстлик, ҳамжиҳатликнинг мустаҳкамланишига туртки бўлиши турган ган.

Лекин, ўтмиши билан маъниавияти муштарак туркӣ ҳалқларга адабиёт бўйича умумий дарслик яратилмагани ўқинчли ҳол, албаттага.

1994 йили чоп этилган умумтаълим мактабларининг 11-сифига мўлжалланган “Қозоқ адабиёти” дарслигининг “Маънавий алоқа” бобида Алишер Навоий меросидан намуна берилганин кувониарли ҳолдир. Қозоғистон Республикаси Давлат “Рауан” нашриёти 1999 йилда қозоқ адабиёти предмети бўйича қозоқ мактабларига бағишлаб янги дастур (5-9-сифилар) чиқарди. Мазкур дастурнинг 7-сифига тегиншли бўлимида “Жаҳон адабиёти намуналари” номли мавзуда (8 соат) Алишер Навоий ижоди билан таништириш мақсади қўзланган. Унда шоирнинг “Ёрим тўғрисида”, “Май бирла юзинг тимтим” ғазаллари, ижодий маҳорати, поэтик ифода усусларини шогирдларга таништириш қўзланган. Шунингдек, Навоийнинг энг катта асари - “Фарҳод ва Ширин” достони эканлиги ҳақида маълумот бериниз назарда тутилган. 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Халиқ таълими вазирлиги тасдиқлаган ўқиши қозоқ тилида олиб бориладиган бошлангич мактабларининг 1-сифига мўлжалланган. “Алифбе” дарслигида (муаллифлар А.Исабоев, Ж.Қайрбоев, Е.Мергенбоев) болаларни Алишер

Навоий ҳаёти билан дастлаб ташиштириш материаллари ҳамда улуг шиоирнинг “Болаларим, билимли ва доно бўлинглар!”, -деган васияти берилган.

Қозок элини Навоий ижодиёти билан ташиштириш каби эзгу ишни юксак маҳорат ила бажариб келаётган ижодкорлар орасида таникли қозок шиори Н.Айитовининг 550 йиллиги арафасида буюк шоир ва давлат арбобининг қатор ғазалларини қозоқ тилига ўтири. Навоийнинг “Садди Некандарий” номли достони Н.Айитов таржимасида қозоқ ўқувчиларига етиб борди. Машҳур достонининг таржимасида қозоқ ўқеввиллари ва жамики Навоий поэзияси ихлоосмандлари тарафидан қизғин кутиб олинган (“Ескендір корғану”, “Жазушу”, Алматү, 1989). Буюк инсанийлик ва донинимандликни мадҳ этувчи достонлар ҳозирги авлоднинг маънавий озиғи. Навоий яцаган даврда Шарқда шуҳрат қозонган араб, форс, туркий тиллардаги уч адабиёт маълум ва машҳур эди. Шулар ичида эса туркий адабиётининг катта шои-шуҳрат ҳамда обрӯ-этиборга сазовор бўлишида Навоий шеърлари ва “Хамса”сининг роли жуда катта бўлди. Умуман олганда туркий адабиётни етук даражага олиб чиқсан ҳамда уни бадиий жиҳатдан юксак савияга кўтарганлиги учун ҳам халқимиз Навоийни улуғлайди. Унинг тарих, адабиёт, лингвистика, шеърият назариясига бағишланган асарларини нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам фанининг тамал тошлари бўлиб қолмоқда.

Қозоқ адабиётининг асосчиси А.Қўон боев, Алишер Навоийни ўзига устоз ҳисоблаган. Шоир қаламига мансуб илк шеърларнинг бирида:

Физулий, Шамсий, Сайхалий,
Навоий, Саъдий, Фирдавсий,
Хожа Ҳофиз - бу ҳаммаси
Мадад бер я шағири фаряд...

деб Шарқ юлдузларига, шулар ичида Навоийга бош эгиб, ўзининг шогирдлик йўлига тушганлигини билдиради.

Абай устоз шоир асарларида ўзи учун намуна, ўриак қидирган. Даставвал достон ёзган Навоийда эмас, ғазаллар муаллифи Навоийдан ўргаимокни истайди. Шунинг учун ҳам Абай “Алиф-бе” шеърини битди. Шеърининг ҳар мисрасини араб алифбесидаги ҳарфлар таркиби бўйича тузади. Навоийда ҳам араб алифбосига караб ёзилган ғазаллар бор. Аммо Навоий ғазаллари ўз хусусиятлари билан ажралиб турди. Масалан, Абайнинг мазкур шеърида ҳар товуини бошқа товуш ўрнига қўйиб борса, Навоий мисрадаги энг охирги кофияли сўзларининг товушини алифбо тартибига мувоффик келтиради.

Абай Навоийга илк бор меҳр қўйини улуғ шиоирнинг бебаҳо лирикаси билан танишинидан бончапади. Бундай интилишни “Йузи-равпан, кўзи-гавхар” шеъридан ҳам кўриш мумкин.

Бутини эмас, Абайнинг “Хўр бўлди жоним...”, “Кўзимнинг кароси...”, “Ошиқлар тили-тилсиз тил”, “Шер сўзининг подшоси, сўз сараси” каби

шेърлари ҳам Навоийнинг “Чор девон”, “Хазойин ул-манионий”, “Ҳайрат ул-аброр”га ўхшаш қатор асарлари билан маъно ва фикр жиҳатдан муштараклиги яхши матълум. Масалан, Навоий “Ҳайрат ул-аброр” асарида бадиий асарининг мазмун-моҳиятига ҳамда унинг тузилиши билан қофиясига сўз заргари сифатида қараган бўлса, Абайнинг:

Олсан-создин пагшасӯ, соуз сарасӯ,
Жиённан ийстўрар ер данасӯ.
Тилге женил, журекке жўлў тип,
Теп-тегис жумур келсін аналасӯ.-

дэйиши бевосита ўз устозидан баҳра топганлигини неботглайди.

Абайнинг қозоқ поэзиясидаги яиги шеърий намуна яратишида тўғридан-тўғри ўз устозига мурожаат этганлигини пайқаймиз. Навоийнинг “Мезон-ул авзон” асарида арабча аruz вазнининг таъсири, шунингдек, форсий аruz билан туркӣ аruz шеър вазилари хақида фикр-мулоҳазалари Абайнинг қозоқ шеъриятида яигилик очишида маълум даражада хизмат қилди. Навоий ва Абай ижодида кўплаб ўхшашликларни учратамиз. Масалан, Навоий юксак инсоий фазилатларни, виждони пок, лафзи ҳалол, ҳалқ ғамиши ўйлайдиган кишиларни мадҳ этса, Абай ҳам ўз иавбатида “ота ўғли эмас, инсон ўғли” бўлиш лозимлигини орзу қиласди.

Навоий шеъриятидан маънавий озуқа олган Абай ўз замонасининг ижтимоий ҳаётидаги иотекисликларни, ёмон иллатларни кўрди, уларни беаёв танқид остига олди. Эзгулк билан адолатни ёқлади. Навоийнинг “Ҳайрат-ул аброр” достои Абай ижодига қаттиқ таъсир кўрсатган. Достондаги эътиқодли бўлиш билан бир қаторда кишини ўз ҳаракати билан, иитилислари ила мақсадга етиши, шунингдек, ҳалқ ҳақида қайгуриш, ҳунар ўрганиш, илмли бўлиш, меҳнат, муҳаббат тўғрисидаги фикрлар Абай асарларида ҳам кўп учрайди.

Бизга Абайнинг “Искандар” поэмаси яхши маълум. Низомий, Навоий достонларининг асосий қаҳрамонига айланган Искандар Зулкарнайи тўғрисидаги турли хил афсоналар вақтида Абайни ҳам қиқиқтирган. “Искандар” поэмасининг яратилишида Навоий ёзган “Садди Искандарий” достонининг таъсири анча кучли бўлганилиги ҳақиқат. Бунда икки нарса сезилади: Биринчиси-Шарқдаги Искандар мавзусини давом эгтириши истаги бўлса, иккинчиси-кўҳна даврдан буён келётган қаҳрамон орқали элга ибрат кўрсатиш мақсади бўлди. Абай Искандарининг босқинчилик, мансабидастлик ҳаракатини ифодалаш орқали мол-дунёга муккасидан кетган очкўзлик каби иллатдан кўнчилликни огоҳлантиради. Искандар образи қайси асарда қандай ифодаланишидан қатъий назар, асрлар мобайнида бадиий адабиётда доимий мавзулардан бирига айланганлиги ҳамда Абай ижодиётидан ҳам ўрин олганлигининг боиси, мазкур мавзудаги афсоналарнинг омма орасида ёзма равишда ҳам, оғзаки тарзда ҳам кенг тарқалгани ва ундаги инсоинят учун умумий ҳисобланадиган буюк гояларнинг теранлигидир.

Абай ўзининг катта ўғли Ақдбойга Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони мотиви бўйича “Жарроҳ” поэмасини ёздирди.

Шу ўринда бир насаны айтып лозим: 1855 йиллардан кейин южоридаги түрт катар шеър биттаң Абай ёш чоғидаёқ шеърияттинг Фузулий, Шамсий, Сайқалий, Навоий, Саъдий, Фирдавсий, Ҳожа Ҳофиз сингари буюк намояндадары асарлари билан яхши тапиш бўлиб, Шарқнинг улуг мутафаккир шоири санъатининг илғор анъанасини ўзлаштириди.

Таниқли абайпунос Мекемтас Мирзахмедов “Абай ва Шарқ” (1994) номли тадқиқотида Навоий билан Абайнинг дунёқарашлари ҳақидаги фикрларни баёп этади. Икки буюк мутафаккирнинг дунёқарашидаги умумий жиҳатлар тегишли намуналар орқали изоҳлаб берилади.

Қозоқ адиллари ҳамда олимлари Навоийни доимо ардоқлаб келганилиги маълум. Адемик М.Авезов Ўтра Осиё ҳалқларининг пафақат бутуниги, балки ўтмишдаги адабий-маданий меросига ҳам ихлос қўйган. Алишер Навоий ҳақида кўламли мақола ёзиб, улуғ шоирнинг яшаган даврига, ўша давр маданийти ва адабиётининг ривожланиш жараёнига тұхтайдн¹. Буюк Абайшунос олимнинг ушбу маколосида Лутфий, Атоий, Саккокий каби ХҮ асрнинг ўтрапларида ўзбек поэзиясини тараққий эттирган адиллардан сўнг ўша асрнинг 70-йилларида Алишер Навоий иоми билан боғлиқ адабиётининг қанот ёзганлиги таъкидланади. Шоирнинг ҳаёт йўлига назар ташлаб, унинг отаси Ғиёсиддицинг фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қараттани, айниқса, адабиёт билан санъатни севишга ўргаттанилиги айтилади. Жамоат арбоби спфатида хизматларини, ана шу йўлда қилган ғамхўрлигини, эзгу ишларини ҳамда оддий ҳалиқ оммасини қўллаб-қувватлагани алоҳида қайд этилади.

Навоий асарларининг аҳамияти, теран мазмуни, шунингдек ўзидан кейинги авлодларга нисбатан ижобий таъсири ҳақида академик М.Авезов шундай дейди: “Ўзидан битмас-тугасмас мерос қолдирган Алишер Навоий фақаттана ўзбек адабиёти доирасида қолгани йўқ. Ўтра Осиё бутун Шарқ давлатлари адабиётига катта таъсир кўрсатди, озарбайжон, туркман, татар, усмоний туркларнинг адабиётларига тарқалган намуналардан талиқари қозоқ адабиёти учун ҳам кўп самарали изланишлар киритди”.

“XIX аср қозоқ адабиётининг Абай, Шангерей, Шодий, Шуртганбой, Ахан сингари йирик шоирларини эсласак, барчасидан Алишер Газалларининг достонларининг мотивларини яққол сезамиз”².

Таниқли шоир Нельмат Сулайменов “Қозикурт” (“Жалўн” нашириёти, А., 1980) номли шеърлар тўпламига ўзбек ҳалқининг истеъодли шоири Рафур Ғулом, Миртемирларнинг Жанубий Қозогистонга ташрифига бағишлаб “Торлет, азіз ағайўн!” деган шеър ёзиб, тўйламга кириттан. Ушбу шеър икки ҳалқ дўстлигининг томири жудаям терандада ётганлигини аплатади.

Жаўндуған кемдигин жои, алайўн,
Ториме ўёї, достойт отўн жаіайў.
Анўлуминўн тамашасун корсетин,
Кокпарўмда бирге озимен шабайўн.

¹ М.Авезов. 20 жиллик асарлар тўплами. 18-жилд. А. 1985, 291-301-бетлар.

² М.Авезов. ўша аср, 300-бет.

Атүн келсе-сүйүм дайын аіайн.
Атүм келсе-салымунду алайын.
Арман еткен осуну улү Науайым,
Арман еткен осуну улү Абайым,-

деб, шоир халқдар дүстлигини қадрлаш билан бир қаторда, шу кунги бирлік, ҳамжығатлик, құт-барака буюқ аждоддаримиздинг рүёбга чиққан орзусы әкаплигини қувонч ила мадх этади.

Буларнинг ҳаммаси адабиётлар ҳамдүстлиги халқлар дүстлиги әкаплигини яна бир марта исботлайды.

Знёда МАШАРИПОВА

“АНГЛА ЗИЙРАК ҚУШ ОНИКИМ...”

Алишер Навоий “Лисонут тайр” достонида “Қушларнинг олий фанога эришиб бақо васлига етгани” деб номланган бобда күнгилга мурожаат этиб дейди: “Эй күнгил” Бу нозик маңыноли сұзлар қушлар тилидан, балки рамзу имо мулкидин хабардор бұлған кишилар тилидир. Гарчи бу сұзларни тушуниш кийин бўлиб, муаммоли бўлса-да, у риёзат чекини билан равланланади. Чунки, риёзат инсондаги ҳайвоний сифатларни йўқ қиласди. Кипти шу хилда ўз нафсониятими ишкор эта олса, унда руҳий покликтан бошка ҳеч нарса қолмайди. Сен бу маънига хилофлик қилас!”¹

Ха инсон, деб аталмиш мураккаб хилқатнинг нафсоний хислатлардан халос бўлиб, руҳий маънавий камолот касб этиши масаласи улуғ шоир изходининг асосий мөхиятини белгилаганким, у бир умр риёзат чекиб одам наслини тўғри, ҳақ йўлга даъват этипдан толмади. Ўз эзгу муроду муддаоларини, қалб түғёнларини баъзан рамзий-мажозий ишоралар билан, баъзан тўғридан-тўғри, баъзан тимсол ва тамсиллар воситасида изҳор этди.

Навоийнинг ҳайратанғиз шеърияти сирли бир маънавий хазина. “Наводир уш-шабоб” девонига кирган “Даҳр боғи аро...” деб бошлинувчи ғазални имкон даражасида ўрганишга ва ҳазрат Навоий маънавиятидан баҳра олишга ҳаракат қилдик.

Даҳр боғи аро қўп истамагил айшу тараф,
Ким гули шублаи ғам, гунчасидур хори таб.
Сунбули ришталарин риштаи мақсад дема,
Ким кўнгуллар қуши домига эрур барча сабаб.
Ариғи ичра ушоқ тоши агар инжу эрур,
Тойири умрунг учун донаву сув топди лақаб.
Англа зийрак қуш онниким, кўрубон мундоқ дом,
Бўлмагай теграсида обхўру дона талаబ.
Дона еб ҳосил этиб, фазла најлас айламагай,
Бог саҳнини риоят қилибон тарки адаб.

¹ Алишер Навоий, “Лисонут тайр”, Т., 1984. Насрий баён музалифи: Шарафиддин Шарипов.

Е бўлуб домга маҳкам топа олмай маҳлас,
Уруниб, талинибон айламагай шўру шағаб.
Чун Навоий кўзи боғлиқ куш эрур олам аро,
Бу чамандин анга учмоғни насиб эт, ё Раб.

1-байт: Даҳр боғи (мавжуд дунё)дан хушиудлик, шодлик излаб овора бўлма. Чуники, аслида унинг гуллари ғам шуъласи, ғунчалари эса озор етказувчи тиконлардир.

Матъумки, классик адабиётда “даҳри дун”, “даҳри дуниарвар”, “даҳри даний”, “даҳр боғи” каби истилоҳлар тез-тез учраб туради. Даҳри дун-насткаш, разил дунё, даҳри дуниарвар-ёмон, насткаш кишиларни тарбия қилувчи дунё, даҳри даний эса разолатга тўла, тубан замон маъноларини англатади. Мазкур изофалии бирикмаларнинг барчасида ҳам мавжуд дунёга нисбат берилган сифатлар салбий маънио касб этиб, қандайдир истехゾ аралаш норозилик кайфиятларини англатмоқда.

Даҳр боғи-чи? Даҳр боғи мавжуд дунё. Матъумки, боғ баҳор ва ёзда гуллаб яшнаб куз-келиши билан ҳазонга юз тутади. Демак, у абадий эмас. Вактичалик. Дунёнинг боққа ташбиҳ берилishi ҳам шундан. Мазкур байтдаги даҳр боғи тушунчасининг маъносини яшада равишанроқ англаш учун яна “Лисонут тайр” достонига мурожаат қўзайлилк. Симурғ даргоҳи сари иштилаётган қўшилардан бири йўл азоб-үқубатлари жонидан ўтиб Худхудга мурожаат қиласди. Мен жаинат боғидек ажойиб бир масканда осуда ҳаёт кечирардим. Шундай фарогатдан воз кечиб Симурғни излаб кийналини мақсадга мувофиқми, деган саволга Худхуд шундай жавоб беради:

“Эй ҳаёллари цуч! Сен айтган барча нарсалар аслида ҳеч нарсага арзимайди. гарчанд гулшан зебо ва дилкамп бўлиб, унинг суви ва ҳавоси кўзга кўринса-да, гуллари юз хиси ишва билан кишини ўзига мағфутун этсана, сен шуни билки, у ердаги онисоқ очиладиган насрин ва бошқа гуллар вафосиздир. У ерининг сарв билан сунбули мангу эмасдир. У ерининг баҳорига бир кун ҳазон етишади ва гуллар қора тупроққа қоришадилар. У боғдаги бирор гул тиканининг санчилишага ҳам чидай олмайсанку! Ҳакиқий эр бўлсанг, бақо Қоғига йўл ол ва у тоғ чўққисида турувчи шоҳ васлига эриш!”

Сўз юритилаётган ғазалда ҳам ҳазрат Навоий бизни ўша даҳр боғи ичнда кечастган воқеалар, у ердаги сир-синоатли қонуниятлардан огоҳ этади.

Жалолиддин Румий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Машраб каби илоҳий ишқ соҳибларининг түғёни шеъриятидан баҳраманд бўлганингиз сари “чарҳи қажрафтгар”га нисбатан бўлған бундай истехゾли қараниларнинг сабаби ойдинлаши боради. Унинг боиси шундаки, ҳақнараст ориф зотлар наздида моддий дунё мутглақ рух билан иносон орасида турган тўсиқ, деб қаралган.

Ғазалнинг биринчи байтида шоирнинг энг муҳим тасаввуфий-фалсафий қарашлари акс этган. Дунё ўткинчи, мувакқат, ёлғон. Ўткинчи нарсага кўнгил боғлаб муродга етиб бўлмайди. Чуники, ҳар қандай ёлғон ва ўткинчи ҳодисалар замирида минглаб ноҳушиликлар янириниб ётади. Даҳр боғининг

гуллари - ғам шуыласыга, ғүичалари озор етказувчи - тиконларга нисбат берилishi ҳам шу боисдан. Чунки, улар ҳақиқий гүзәллик сари интилаёттан ҳақ толибига мутлақ жамол этасини, бөкүй гүзәлликни аңглашып монеълик қылмокда.

2-байт. (Боғдати) сунбул толаларини (ипларини) мақсаддага етказувчи йүл деб ўйлама. Улар қўнгиллар қушини илинтириш учун қўйилган тузоқдир.

Шоир ғазалнинг матлаиданоқ тасаввүфининг асосий талабларидан бирини ифода этган эди. Иккинчи байтта келиб, бу фикр (ўйтит) янада теранилашади. Ундаги ҳар бир сўз, ташбих, ўхшатиш шу қадар бир-бираiga моски, бу мутаносибликлар ғазалдаги асосий маъни қатламларини аңглашга ёрдам беради. Боғ-сунбул, дом-куш ўзаро мутаносиб туниупчалар. Богда гулилар, сунбуллар, қушлар ва ана шу қушлар учун қўйилган дом-тузоқ бўлиши ҳам табиий-ҳаётий ходиса. Агар куни эҳтиёткор бўлмаса, нафса берилшиб кетиб огоҳликни унутса, домга тушишини аниқ. Шоир байтлардаги ҳаётий лавҳалардан фалсафий умумлашмалар чиқариб, дунёнараст, нафса баандаларини кутаётган аччиқ ҳақиқатга ишора қиласди. Дарҳақиқат, Қуръони Каримда ҳам мол-дунёга меҳр қўйиншинг, шайтоний ҳирсу ҳавасга бериллишнинг оқибатлари ҳақида кўн оявлар мавжуд.

“...Билингларким, бу ҳаётий дунё фақат (бир нафаслик) ўйин-кулгу, зеб-зийнат, ўргаларнингиздаги, ўзаро мағтаниши ва молу дунё ҳамда фарзандларни қўпайтиришдир холос. (У) худди бир ёмғирга ўшарки, унинг (ёғини сабабли униб чиққан) ўт-ўланни коғирларни ҳайратта солиб (акылларни банд қилиб қўяр). Сўнгра у қуруқ чўп бўлиб қолур. (Ҳаётий дунёнинг ҳоли ҳам шундан ўзга эмасдир). Охиратда эса (ўша тўрт кунлик дунёга алданиб қолганлар учун) қаттиқ азоб ва (иймон-эътиқод билан ўттанилар учун). Оллоҳ томонидан магфират ва ризолик бордир. Ҳаётий дунё эса фақат алдагувчи матодид!“¹

Сўз юритаётганимиз ғазалнинг мазмуни ҳам Буюк Калом ғоялари билан чамбарчарс боғлиқдир. Бинобарин, шоирнинг даҳр бояига, унинг гуллари-ю сунбулларига таассуб билан нигоҳ ташлаётганлигининг боиси ойдинлашади.

3-байт. Ариқдаги сув ва унинг ичидағи инжудек майдага тошлилар ҳам сенга емиш бўлди. Умринг қуни учун улар дон ва сув номини олди.

Байтда “дон” ва “сув” сўзлари кенг маъни касб этиб умуман, дунё неъматлари (моддий аниёлар) сифатида инсонни ўткини оламга қаттиқ боғлаб турувчи воситалар эканлиги аён қилинмоқда. Лекин, оламда яшашдан мурод фақаг “дон” ва “сув”, фақат нафсан қондиришдангина иборат бўлиб қолини керакми? Унда одамзоднинг борлиқдаги бошқа ёввойи маҳлуқотдан нима фарқи қолади. Ахир Ҳақ Таоло бошқа жонзотлардан фарқли ўлароқ инсонга онг, ақл-идрок ато этиб уни ўзига халифа қилиб яратмаганмиди, ҳатто малонкалар ҳам унга сажда қилмаганмиди?! Шундай экан, инсон ўзининг юксак одамийлик рұбасини аңглаб этиши, бунинг учун эса барча гафлат ва гумроҳликни тарқ этиб, қўнгил қўзини покламоғи

¹ Қуръони Карим, “Ҳадид” сураси, 20-оят.

зарур. Чунки, инсон күнгли илохий жамол эгасининг ўз хуснини намоён қиласидиган муқалдас маскандир. Лекин, күнгил кўзгусига жило бермасдаи туриб Таңгри унга ўз аксини солмайди. Кўзгу қанчалик равшан бўлса, акс ҳам шунчалик бенуқсон намоён бўлади. Қалб кўзгусининг мусаффолигига эринмоқ учун эса, ҳайвоний нағс куткуларидан халос бўлиб рухий поклик сарни нитимоқ лозим. Зоро рухий покликка эришган зоттина Мутлақ рухни англаб этишга кодир. Алишер Навоий олам ва одамни ана шу нуқтани назардан кузатади, идрок этади, бутун эътиборини инсон ахлоқини поклапга қаратади.

4-байт. Эй зийрак қуш, тузоқни кўриб турибсан-ку, шундай экан, унинг атрофидаги дон ва сувга талабгор бўлма.

Ғазалларда кўпинча мақтаъдан олдинги байт шоирнинг соқийга кўнгилса ёки дайр пирига қаратага айтган мурожаати. тарзида насиҳатомуз оҳанглар билан йўғирилган бўлади.

Шундай ўйт-насиҳат мазкур ғазалда бирмунча олдинроқ келиб 4 байтда Зийрак қушга қаратага айтилмоқда.

Маъдум бўлянтики, олдинги байтлар замприга сингдирилган орифона фикр-мушоҳадалар ушбу мисраларда ҳам мантиқи давом эттирилиб, дидактик оҳанг янада кучайган. “Даҳр боғи”, “Сунбул ришталари”, “Кўнгул қуни”, “Зийрак қуш”, “Тойири умр”, “Донау сув” каби сўз, образ ва ифодалар, бир-бираiga мутаносиб тушунчалар ўзаро боғланиб ғазалдаги мазмун вағоянинг силсилавий тадрижини таъминлаган.

Ғазалининг ибтидосидан интиҳосига қадар даҳр боғи ва ундаги “Қуш”нинг тақдирни ҳақида безовталик билан мунюҳада юритилади. Қуш поэтик образ. У иккичи байтда “кўнгиллар қуши”, учиччи байтда эса “тойири умр” шаклида намоён бўлган эди. Тўртичинчи байтга келиб эса унинг “зийрак қуш” эканлиги матълум бўлди. Хўш, зийрак қуш ким? Дунёвий лаззатлардан ўзини узоқ тутиб, умрини парҳезда ўтказаётган ориф зотми? Ё бўлмаса жаҳолат ботқогига ботган жоҳил оломонии дунёнинг моҳиятини англанга даъват этаётган маърифпарвар файласуфми? Агар таъбир жониз бўлса “Зийрак қуш”га қаратага айтилаётган мурожаат даставвал шоирнинг ўзига қаратилган. Негаки,, ғазалининг бопидан охирига қадар ҳақ йўлига қадам қўйган соликнинг асл мақсадга эриниш орзусида тортаётган машаққатлари, бу йўлда учраган минглаб синовлар, дарду ғамлар, дому тузоқлар ҳақида сўз боради. Демак, Зийрак қуш ҳазрат Навоийнинг ўзлари.

“Ва дебтурки, қушки ердин юқори учқай, агарчи осмонга етмагай, аммо домдин йироқ бўлғай” (Насойимул-муҳаббат, XY, 148-бет.). Ҳа, кўнгли гайб асроридан оғах бўлган, дунёнинг сирли ҳикматларини илохий маърифат билан англаб етган бу “зийрак қуш” ўзининг олий ҳиммати туфайли “дунё доми”дан анча юқори туради. Унинг аирофида “обхўру дона талаб” бўлмади. 5-байт. Дои еб ҳосил қўйган ифлос најкосатнинг билан одобга риоя қилишини тарқ этиб беғ саҳини булғатма.

Ғазалда рамзийлик ва ҳаётийлик фақат Навоийгагина хос бўлган юксак санъаткорлик билан қўшиб тасвирланганки, қунининг одатий ҳаёт тарзи тимсолида инсон мартабасини олган онгли мавжудотнинг дуиёвий фаолияти таҳлил қилинади. Қун қанчалик кўн дон еса, шунча кўп најкосат чиқариб,

богни булғаттандек, инсон ҳам қаичалик нафсу ҳирсга берилган сари одамийликдан узоқлашади, окибат адабни тарк этиб, ҳаётни жаҳолат уясига айлантиради.

“Беадаб бир ўзини солмас чохға,
Балки ўт куйтай бутун оғоқка”.

Беадаб ташо ўзишининг балога гирифтор қилмайди, балки бутун олами фитна олови билан ёкиб тоборади”¹. Шунинг учун ҳам тасаввувф фалсафасида нафс жами фалокатларнинг бош сабабчиси деб талкин қилинади ва тариқат йўлини ихтиёр этган киши дастлаб ана шу шайтоний нафс қутқуларидан озод бўлиши зарурий шарт қилиб қўйилади. Зоро, ўз нафсини жиловлай олган кишигини ўзгаларга манфаат етказиб жамиятга хизмат қила олади.

Паҳлавон Маҳмуд дейди:

Оҳ тортган чоғингла йўлга кўз туттил,
Йўлда кудук бордир, эҳтиётинг кил,
Дўст уйида маҳрам бўлган вакътинда,
Қўлингни, кўзингни, дилни тия бил.

Ҳазрат Навоий бое саҳнига ташибек берган дунёни Паҳлавон Маҳмуд “дўст уйи” деб атабди. Дўст-Худо. Дўст уйи эса Худо яратган мавжуд дунё. Демак инсон дўст уйида вакътичалик меҳмон. Шундай экан, унинг олдига хилма-хил неъматларни қўйган уй эгаси (Худо)ни ҳам упутиб, нафсни жиловлай олмасдан дастурхонга ташланиш одобдан эмас. Зоро, инсон меҳмонга фақат нафсни кондириши - овқатланиш илинжида бормайди. боз устига мезбои (Худо) меҳмон (Одам)нинг барча ҳатти-харакатларини зиддан кузатиб туради.

Мазкур байтлари чиқадиган хулоса Мавлоно Жалолиддин Румий маснавийси, Паҳлавон Маҳмуд рубоийси билан ҳамоҳанг. Бу ҳамоҳанглик маслак ва мақсадлар бирлигидан келиб чиқсан бўлиб, “уз жамиятининг виждони” (Н.Комилов) бўлган бу ахлоқ тарбиячилари ҳаётни маърифат билан қадрлани инсонни камолот сари йўллаш орзусида заҳмат чекиб, уни бутуни борлиқ саҳнида ахлоқ-одоби билан юксак бўлишига даъват этадилар ва бу йўлда ўзлари шахсий намуна кўрсатадилар.

6-байт. Тузокқа тунигаидан сўнг қаичалик шовқин-сурон солиб, уриниб талпинмагин, ундан халос бўла олмайсан.

Тасаввувф фалсафаси назариясига кўра, инсон табиати икки асос - руҳий ва моддий олам унсурларидан таркиб топгани учун улар орасида доимо куранг боради. Агар буларниң биридан бандлар боғланса, иккинчисидан очилади. Агар кимки нафсониятни никор қила олса, униг зотида руҳият голиблик қиласди. Бундай шарафга мусассар бўлган зот руҳан тозариб ўз аслига - Олий руҳга - Ҳаққа яқинланади. Борди-ю моддиятта

¹ Жалолиддин Румий. Матнавий мсанавий. I-жилд. (Таржимон Асқар Маҳкам). 74-бет.

асосланган жисм талаблари кучайса, у ҳирсу ҳавас, ҳайвоний нағс дөмига гирифтор бўлиб, борган сари тубанлашади. Нағс дөмига тушган жонзотининг эса у ердан қутилиб чиқиши дунивор. Олтиичи байтнинг ҳикмати ҳам шундан сабоқ беради. Шоир бу борада Мавлоно Жалолиддин Румий билан ҳамфирк:

“То заарардунлик йўлингни тўсмасин,
То гараз ўй чоҳ ичидаги кўммасин.

Эй, ҳақ талабида бўлган инсон! Диққат эт! Бу заарардунлик, яъни қалбаки бўлган бу суворий жаҳон, бу зебу-зийнат ва ҳою ҳашамга ботган ҳаром дунё сени йўлдан оздирмасин! Диққат айла! То эгри ва ботил ҳаётлар сени чоҳ қаърига улоқтирмасин!”¹.

7-байт. Бу оламда Навоий бамисли кўзи боғлиқ қушдири. Ё Раббин, бу чамандан унга учмоқни насиб айла.

Ва ниҳоят, ғазал мақтаъинда юқоридаги байтларда баён қилинган рамзий-мажозий мулоҳаза ва муроҳадаларнинг фалсафий умумланимаси сифатида шоирнинг асл муддаоси баён қилинган. Муддао улуг. Золим нағфдан халос бўлиб даҳр боғи чаманидан асл гулшан сари учмоқ, парвоз қилмоқ. Байтнинг санъаткорона фазилатларидан бири шундаки, шоир “учмоқ” сўзининг турли маъни товланишларини назарда тутиб сўз ўйини ҳосил қилиган. “Учмоқ” сўзининг “парвоз қилмоқ”дан ташкари жанинат-бехишт маъноларини англатинини ҳам ҳисобга олсан, байтда ийҳом санъати содир бўлган. Демак, Ҳақ толибининг жон қуни (руҳи) ўз маҳрами сари талиниб, жанинати аъло боғларига парвоз қилмоқдан умидвор. Лекин қушиниң кўзи боғлиқ. Кўзи боғлиқ қуш учча оладими? Учганда ҳам кўзлаган манзилига адашмасдан ета оладими? Боз устига манзил машаққатли, водий узун, дил хоҳишлири улуг бўлса. Дарвоҷе, нима сабабдан шоир ўзини кўзи боғлиқ қушга менгзаяпти. Буни газалнинг умумий руҳидан, унда талқин қилинган асосий ғоялардан излаш керакка ўхшайди. Танишиб чиққанимиздек, асарда носозлик асосига қурилган дунёниң хилма-хил фириблари, ақслини чалгитувчи алдовлари ҳақидаги шоирнинг ўйтлари, руҳий изтироблари баён қилинган. Зулмат ва нур, ёлғон ва ҳақиқат, нағс ва рух, фонийлик ва боқийлик орасидаги дарду оғатлар, синовлар водийсида турган потинч дилиниң изтироблари бехуда эмас. Негаки, ҳақ талабгори билан Ҳақ Таоло ўргасида мавжуд дунё тўсиқ бўлиб турибди. У ҳар хил монстриклар кўрсатиб, руҳан Илоҳга восил бўлиш орзусида ўрганаётган ҳақ толибининг қалб кўзларини тўсиб қўймоқда. Агар буни улуг шоир фаолиятига тадбиқап айтадиган бўлсан, агар нокис ақслимиз тўғри англаётган бўлса, Ҳазрат Навоий дунё ишларидан бутунлай этак силкиб узлатга чекинмаган, дунёвий ишлар билан банд бўлган киши сифатида ҳам ўзини кўзи боғлиқ (дунёга боғланган) қушга менгзаетгаңдек тасавур ҳосил бўлади. Ҳолбуки, бу дунёвий ишларининг барчаси “олам маъмурлиғи ва одам масрурлиғи”га қаратилган ёди.

¹ Жалолиддин Румий. Матнавий. Маснавий. Куллиёт. I-жилд. Т., 1999. 198-бет.

Эҳтимол, “кўзи боғлиқ күш” дейилгандага инсон (Навоий) қанчалик ақлу хирадга, нуроний мақомотга эга бўлмасин, у барibir бу дунё ва илоҳий олам асрорларидан тўла огоҳ бўлмайдиган оқиз баида эканлиги назарда тутилгандир. Яна қанчадан қанча эҳтимолларни келтириш мумкин. Лекин ҳайратомуз мисралар замиридан яширишиб ётган рамзий, ишоравий маъноларни тўлиқ англаб олмоқ ва улар ҳақида қатъий ҳукм чиқармоқ учун камида ҳазрат Навоийнинг ўзларидек буюк тафаккур эгаси бўлмоқ лозим. Шу боис мазкур ғазал ҳақида айтилган Фикрларни таҳмииий хулосалар, шахсий фикр-мулоҳазалар тарзида қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай қилиб, ушбу ғазал бизга беш кунлик дунёни леб ҳайвоний нағс қутқусига берилмаслик, буюк ишсонийлик рутбасини унугтмаган ҳолда ҳаётини маърифат билан безаш ва энг муҳими, икки дунё Сохибишиниг даргоҳига ёруғ юз билан борини ҳикматларидан сабоқ беради.

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА

“ВАСЛ СУБХИ ҲАСРАТИ...”

Она-табиат ва инсон қалбини айтиб тугатиш мумкин бўлмаган даражада кўп нарсалар бир-бирига боғлаб туради. Гўё табиатда мавжуд ҳар бир зарра инсон қалбидаги ўзининг иккичи бир шаклида яшайди. Айниқса, Оллоҳ, Олам ва Одами бир-бирисиз тасаввур эта олмаган, уларни бир-бири билан чамбарчас боғликларда идрок этишига ўргангани Навоий ғазалларининг матъум кисмида ана шу табиат ва инсон орасидаги боғлиқ жиҳатлар ва муштарак томонларни кайҳоий аидозада - осмоний кенгликлару юксакликлар даражасида ифодалашга мусассар бўлади. Гўё шонир коннотинг ички ўйгунилигини англаб етади, унинг ҳамма ҳам тинглай билмайдиган, тўлиб-тошиб яшаётган мусиқасини эшигади. Сайёralарининг ҳаракатидан вужудга келаётган сокин ва ғамгии бир кўйни тинглай билади. Унинг назарида Кониот - бугун Олам - ундаги ҳамма-ҳамма нарса ўйгуниликдан иборат, бусиз у ҳеч нарсага арзимайди.

Шунинг учун ҳам самовий тимсоллар, ташбеҳлар ва манзараларнинг олиқ изтироблари, қувончлари, орзулари билан қоришиб кетган, қўйида шарҳ этиб ўтмоқчи бўлганимиз ғазал (“Нав. шаб”, №164.) инсон қалбининг чексиз кенгликлари, кўз етмас юксакликлари ва ҳақиқий муҳаббати ҳақида сўзлайди.

Ушбу ғазал навоийшунослар эътиборидан четда қолмаган. 70-йилларда шавоийшунос олим Н. Маллаев ўзининг ғазал ҳақидаги дастлабки фикрларини айтган бўлса, 90-йилларга келиб адабиётшунос Н. Йўумаев ғазални кенгроқ шарҳлайди. Бироқ шундай бўлса-да, ушбу ғазал ботинига чукурроқ назар ташлашга эҳтиёж сездик.

Исоният тафаккури тараққиёти давомида Ер ва само жисмлари - сайдерлар, буржлар ҳақидаги тушупча ва тасаввурлар ривожланиб борган. Навоий даври мушажжимлари Оламнинг тузилишини Птолемей (эр. ав. II

асерда яшаган) тасаввуридагиң түшүнгәнлар. Ва албатта бундан Навоий ҳам хабардор бўлган. Унга биноан Оламнинг (Коинтонинг) марказини ер ташкил этиб, боңца сайёralар унинг атрофида жойлашган. Ерга энг яқини ой, ундан кейин Уторуд (Меркурий), Зухра (Венера), Қуёш, Баҳром (Марс) Муштарий (Юпитер), Зухал (Сатурн) макон топғаи. Ошиқ-шоир назарида сайёра Ердан қапча үзөк бўлса, у шу қадар юксак, яъни арши Аълого шу қадар яқин. “Хамса” достонларидағи ҳар бир нағытда Навоий мъерож кечаси воқеаларини тавсифлар экан, энг настда жойлашган сайёralар тасвиридан юқоридагиларига қараб кўтарилади, яъни ой, Уторуд, Зухра, Қуёш,... ва нихоят Зухал. Бу албатта пайғамбаримиздинг мъерожи - Ердан Самога - арши аълого кўтарилишин билан боғлиқдир. Ушбу ғазалда эса ҳижронкаш ошиқнинг юксакликдан настта эниб бораётган, умидсизликка туинган руҳи сайёralар уйғулигига ифода этилади. Матышуқа юксакларда бўлса, ошиқ қаро ерда... Ғазал табиат, аниқроғи, само жисмлари - сайёralар тасвири ва ошиқ руҳиятини муайян уйғулишкда акс эттирган. Ғазалнинг биринчи байти:

Қўқ бинафшазорини анжум чу наргисзор этар,
Наргисинг бирла бинафшаранг ҳажри кўнглум зор этар.

Зохиран, бинафшазор осмон юлдузлар билан тўлиб наргисзорга айланди, буни, кўргач наргис кўзларининг бинафша хаттинг ҳажри кўнглумни зор этди, - деган мазмун англашилган байтда шоир истиорани ўринли қўллайди. Наргиз кўз - наргис, бинафшаранг хат - бинафша тунунчалари воситасида ифодаланади. Албатта, шоир ушбу байт замирига орифона мазмунни сингдиради. Сўфийлар кўзни илоҳий олам чашмаси билан боғлайдилар, хатни эса илоҳий олам билан моддий олам чегараси ёхуд ғайб олами деб тушунтирадилар. Наргис кўз - олий мартабали зотнинг камол аҳли пинҳон асрайдиган сирлари матъносини англатади. Демак, байтнинг ботиний мазмунини шундай тушуниш мумкин: Ошиқ-соликнинг тунга монанд ғамқада қалбига ҳижрон зулмати туфайли кўп нарса аёни эмас. Осмон- кўнгил эса олий мартабали зотнинг камол аҳли пинҳон асрайдиган сирлари билан тўла. Ҳар битта наргис - юлдуз - битта сир. Нега уни камол аҳли пинҳон асрайди? Чунки, уни онкор этган билан авом тушунмайди. Уни англаш учун ошиқ йўлида риёзат чекмоқ керак. Ошиқ ҳақ сирлари ва ғайб оламини англаш, унга этишиш учун ошиқлик - риёзат йўлига кирган. Ғазалнинг биринчи байти талаб мақомига мансуб аломатларидан далолат беради.

Осмон тасвиридан кейин албатта сайёralар билан боғлиқ манзаралар ифодаси ошиқ изтиробларига уйғуналашиб кела бошлияди:

Чун Зухал толигъ бўлур холинг ҳаёли фитнадин,
Жоним ичра юз минг ошуби бало изхор этар.

Шарқ шеъриятида юксаклик, баҳт ва толеъ рамзи ҳисобланган Зухал еттиничи осмонда жойлашган энг катта ва ёруғ нур сочувчи юлдуз ҳисобланади. Еттиничи осмон ошиқ назарида Арши аълого энг яқин макон.

Байтинг насрій баёни: Зұхал күрінганды холинг хаёли фитнасидан жоним ичра юз мінг ғавғою бало зохир бұлади. Байтда маңыгуқаннинг холи зұхалға үшшатилар экан, уннің жуда олисіда, холдек бұлып күрінішинни ҳам еслаш керак. Ошиқ Зұхалдан шу қадар йироқ, Зұхалдек холдан эса бундан-да йироқ. Байт ботинидаги маъни аввалгисини узвий давом эттиради. Холни сүфийлар вахдат нұктаси; ғайб олами сифатида изохлайдилар. Демак: “Зұхал сенинг якка-ю ягоналигиннег ҳақида хаёлға солиб, жонимга юз мінг балою-ғавғоларии құрсатади”.

Ошиқнинг күнглиға вахдат пұктасыға (Аллоқ васлиға) етишини шигніең түшади. Бу эса жуда машаққатлы бұлып, унға етиш учун жуда катта рухий такомил йүліні босиб үтиш керак. Бу кейннігі байтларда ҳам үз ифодасини топға:

Жиіва күлгіч Мұштарий. құзин узоринг ёдидин
Юз саодат ахтаридин хар замон дурбор этар.

Мұштарий Навоий даври мұнажжимлари фикрича, олтінчи осмонда жойланған бұлып, у фалак “фалак қозиси” деб ном олған. Бу уннің еттінчи осмонға яқынлігі билән изохланади. Шунніңдек, Мұштарий - бахт юлдзу. Аввалин байтда Зұхал ошиққа ёрнинг холини әслаттаған бұлса, бу ўрнида Мұштарий уннің іузини ёдға солмокда. Ғайб олами сирлары хаёлидан жоңига юз мінг бало тащышы ғавғо солған ошиқ Мұштарийга құзын түшгіч, илохиёт манбаидан (Юз - илохий олам манбаи) баҳраманд бұлишини әслайди ва бүннің оқибатида уннің күзларидан іузлаб бахт юлдузларининг жылвалананы шоир ижодий ниятими - ошиқнинг рухий ахволини изохлаштыру хизметі қылади. Нега айсан уннің құзидан сочилаёттан дур каби ёшлар айна бахт юлдузларига айланади? Чүнки, улар илохиёт манбаига яқын маконда.

Кейннігі байт ёрнінг күзлары билан боғланиб кетади:

Чүн чикар Баҳроми қотыл күзларинг андишаси
Хаста жонимни қатили ханжары озор этар.

“Баҳром - Миррих, қызил рангда бұлып, фалакнинг ғашшынчи осмонида жойлаштаған”¹. Ошиқ - Зұхалда ёрнинг холини, Мұштарийда уннің іузини әслаган бұлса, Баҳромни күргач, ёрнинг қотыл күзлары ёдига түшади. Шоир жуда күп ўрнайларда Баҳромнинг жаңға қаҳрамонлық рамзи сифатидаги хусусиятидан фойдалаңды:

Қинға солғыл қылични, эй Баҳром,
Фитна хайлиға бер даме ором.

Баҳроми қотыл фалакда күрінганды, күзларинг хаёли жонимга наизадек ботади, - дер экан, ошиқ ёрнинг пітохини, назарини тасаввур

¹ Еңесул-луғот, 1 том. Душанбе, 1987. 149-бет.

этади. Құз тасаввуфда илохий олам қашмасы сифатида талқин этилади. Шундай экан, илохий олам қашмасынинг ишавқи ошиқни ҳолдан тоййидиради. Кейинги байт:

Мехрдин топмай нишоне сенда ҳам, гардунда ҳам,
Бу мусибат күзума ёруғ жаҳонни тор жар.

Шоир “иіхом” саңғатиниң күллаб, “Мехр” сұзининг маъно имкониятларидан маҳорат билан фойдаланған. “Мехр”-“мехрибонлик” ҳамда “Қуёш” маъноларини англатмоқда. Байтни шундай шарҳлар мумкин: “На сендаи, ятни ёрдан мөхрибонлик, на фалакдан ёруғлиқ (Қуёшин) күрдим. Мехрибонлик ёруғлиқ билан, ёруғлиқ күёш билан боғлашиб кетар экан, буларсиз мусибатда қолған ошиқ учун ёруғ жаҳон тор - зулмат күйинди. Тасаввуфда Қуёш - бирламчи манбадан нишона деб изоҳтанади. Демак, шу ўриига келиб, ошиқнинг чинакам истаги - маҳбубни күриш тилаги янада кучаяди, ойдиналашади. Лекин, шунча изтироблардан сүнг ҳам ошиқ унга етолмайди.

Изчили давом этиб келаёттап тасвир юкоридан күйига энмокуда:

Зухра ҳолимға сурудин навхага айлаб бадал.
Чангининг сочин ёйиб, дурри сиришк изхор этар.

Ошиқнинг қалб күзи кейинги - учинчи осмонга тушар экан, у Зухра - Құлпон қолдузини күрдиди. Шарқда саңғат ҳомийси, нафосат рамзи ҳисобланған бу қолдузни шоирлар осмон өзгөрчеси, созандаси сифатида тасвирлайдилар. Байтни шундай шарҳлаш мумкин: “Менинг бу изтиробли ҳолимни күрган Зухра ўз куйини нола-ю фарёдга алмаштириб, қалаёттап ҹангипининг (торларини) соchlарини ёйиб юборади, дурдан күз ёшларини памайниш этади. Тун ўртасида иорлаб турған Җұлпен, унинг атрофидағы бопықа қолдузлар билан тұла осмонининг маңзарасини шундай изоҳлаган шоирнинг ижодий нияти бундан-да чукурроқ бұлса ажаб әмас. Зухра ҹангининг соchlари орқали туини ифода этаёттган шоир шу “соч”га сұғиёна мазмұнын ҳам юклайди. “Соч” сұғиёлар талқинида илохиёт тажкаласини англатади. Яратылған оламлар, моддий дүнә ҳам шу түшүнчә ичига киради. Демак, байтнинг ботилий мазмұннан моддийлик деб номлаш мумкин бўлган түсикىдан ўтиш нечеөлик машаққатли экаплигига ишора қилинаёттанини сезиш мумкин.

Кейинги байт:

Ұлматим англаб Уторуд ҳолима деб марсия,
Шархи дардим назмидин ҳар лаҳза юз тумор этар.

Қадим Шарқда фалак котиби, ёзуви ва шоирларининг ҳомийси ҳисобланған Уторуд (Мұштарий) Зухрадан қуйидаги осмонда жойлашған. Ошиқ-шоирнинг назаридан Уторуд унинг ҳижрон изтиробларидан ҳалок бўлшишини англаб, марсия айтар экан, ошиқ дардининг шарҳларидан ҳар дамда юзтадан тумор битади. Айрим байтларнда бир сайдернинг тасвирини

шархдаш билап бирга унинг атрофидаги юлдузларни вазаридан четда қолдурмаган шоир тұлақонли маиззарани ифодалашыга мұваффақ бүлади. Үшбу байтда хар лақзада пайдо бұлаётгандың тумор Уторуд атрофидаги юлдузлар. Демек, Уторуд шарх эттеган ошиқ дардлары тумордай азиз. Навоий ишкі, унинг ошиқ хәётидаги ўрнини таъкидлар экан, бир газалида шундай деган эди:

Эй Навоий, ишк атворини хиғз айлай дегай,
Барча ишни тарқ этиб, қылсун бизнинг девонни хиғз.

Аввалғи ғазалнинг кейиңиги байти:

Ой ҳалокимга тутуб мотам, кийиб түщин қаро,
Оразин силли била ахли азакирдор этар.

Ошиқнинг ахволини күриб, Зұхра сочларини ёйиб мотам қүйини
чалса (қора тунининг ўргасидаги Зұхра юлдузига ишора), Уторуд марсиялар
битса, Ой қора - мотам либосини кийиб олган. Ошиқнинг ҳижрон
изтиробидан ҳалок бұлаётганини күриб юзини шапалоқлари билан уради,
аниқроғи мотам аламидан юзларини тириаб йиғлайды (ойдаги дөғларга
ишора), ўзини азадорлар ахлига құшади.

Фалакдаги етти сәйёра билаға боғынқ етти байтнинг хар биріца шоир
хар бир сәйёранинг жойлапшил ўрни, боғыңа хос хусусиятларини әထиборга
олиб, ташхис саңытатын изчил құллаган ҳолда ижодий ииятига әринеп
экай, кейиңиги байтни шундай давом эттиради:

Тирия айлаб бенихоят нема умрим шамъини,
Васл субхи ҳасрати ранжим үл юз микдор этар.

Хижрон туни умрим шамъини - жонимни, қалбимни, рухимни
бенихоя қоронғуликка солса, висол тоңғига етишиш ҳасраты машаққатимни
ундан юз чаңдон оширади, деган шоир-ошиқ барибир азоблар ичра, ҳижрон
дастида камол тоңған рухининг ғалабасига бұлған ишонч түйгүларини қашғ
этади:

Ростлиғ үлдүркі еткач үл қүёш раҳм айлагай,
Улча ахволимға хар түн ғарх қажрағтор этар.

Хақиқат шундаки, ҳар кече бу тескари айлаувлы фалак қанчалар
азоб бермасин, мен ёримга етишганимда у (Қүёшім) менга раҳм қиласы. Демек, ёр - раҳмдил, меҳрибон. Агар бу ғазалдаги ишқни фақат дүиёвий
мағында түшүнганимизда, ушбу байт учрамаслығы мүмкін эди. Чүнки,
бундай ғазалларда мағында охиригача ситамкор, шафқатсыз. Тангри эса
унинг йүлида, ишқида азоб чеккаптарни ҳидоят нури билан баҳраманд
этади. Қүёш тымсолининг мағында мағыносиде келиши ҳам бу ишқнинг
хақиқий ишқиңа үйғунылған ишботлайды.

Шунча изтиборлар, машаққаттардан сұнг қүёшли күнларға -
әрүегілікка, мақсади - ҳақиқатта етишишига ишопар экан, ишк жонинға

қапчалар жабру-жафо құрсатса ҳам упдан шикоят этма, деб хитоб қилади ошиқ-шоир:

Эй Навоий, ишкі дардидин шикоят күлмаким,
Жонингта жавру жағосин ҳар нечаким бор этар.

Хакиқий ошиқ учун чинакам маңсад - моҳиятта стиш. Моҳиятт эса - ҳакиқий маҳбуб. Гарчи ошиқ унга ҳодисаларни (сайёralар, юлдузлар ва ҳоказо) англаш воситасыда етисса-да, унга эришгач, ҳодисаларнинг "хеч"лигини англайди. Зоро, Навоийнинг ўзи бир газалида шундай деган әди:

Назди вужуди ишк бакои сипекро,
Бар рўи оби баҳр қиёси хубоб кун.

(Яъни: Ишик вужуди олдида осмоннинг бақосини деңгиз суви бетидаги қўпинка киёс қили.)

Навоийнинг самовий манзаралар билан уйғуллашиб кетган газал ва байтларида, айниқса, туиги осмон тасвири воситасыда ифода этилган фикрларни кўиласб учратиш мумкин. Қоронгу кечада кўкка термулар экан, ошиқ-шоир хижрон изтиробларини, висол иштиёқини кўнинча коронгу кечга, фалак (чарх), яъни осмон, ундандаюнда ўртангани ошиқ кайфияти, ахволи сифатида ифодаланига мувоффақ бўлади:

Кавкаб эрмас, нахталар тикимиш қулоғимга сипекр,
Ул куёш ҳажрида тунлар баски афғон айладим.

Байтиниң насрый баёни: "Осмондаги ёриткичлар юлдузлар эмас, балки фалак менинг ёрим (Күёшим) ҳажрида торғтан афғону иолаларимдан безиб, қулоғига пахталар тиқиб олган". Шоир тафриъ, ташхис санъатлари орқали бадиий муддаосига эришар экан, ўзга бир байтда ишнадай дейди:

Шафақ ичра эмас анжумки гардун жавида охим,
Ҳарорат онча кўргуздики, эрни бўлди табхола.

Яъни: Күёш ботгач, ҳали уфқининг қизариши тугаб улгурмай самода пайдо бўлган юлдуз лабдаги учукқа киёсланишар экан, осмон қизиллиги ошиқ "ох"ининг ҳарорати туфайли эканлиги таъкидланади (учқунишнинг одатда иситма ҳароратидан кейин пайдо бўлиши аён).

Навоий фалак, чарх, анжум каби самовий мавхумлар билан боғлиқ манзаралар воситасига мурожаат қиласар экан, уларнинг ҳар бирини ўз дарду ҳасратини ифодалашининг муҳим воситасига айлантирганига ишора ҳам қиласди:

Оҳ-гардун, ашк-анжум, нола-раъду пўя-барк,

Демак, ошиқ чекаётган охлар гардунга, күз ёшлари юлдузларга, нола момоқалдириққа ва ниҳоят, яниң унинг қадамларига қиёсланар экан, ошиқ ўзининг азалдан шундай яратылғанлыгига шукроналар айттаңдек бўлади.

Хуляс, Навоийинг ўз дардларини осмоний андоузаларда ўлчашга ўрганинг ошиғи қўнглиниң ўзи бир осмон. Руҳишиңг илдизлари ана шу осмонга туташиб кетган ошиқ бу маконнинг юлдузларида қувонч шуъаларини, ҳижрои нолаларини, соғинич ёшларини, изтироб гулларини кўра билади ва биз англаб стишимиз лозим бўлган улуғ дардларга кўмилиб яшайди.

Тошмурод БЎРИЕВ

ХИНД АНДАЛИБИ

Алишер Навоий маърифатининг устивор кўринишларидан бири пири комил инсонлар улуғ устозларга билдириган катта ҳурмати, чексиз эҳтиромидадир. Улуғ Низомий, ҳазрати Жомий, Мавлоно Лутфий, буларниң адади анча. Амир Хусрав Дехлавий шулардан биридир.

“Ишқ аҳли пок юрувчилари ва шавқ-завқ аҳли назм безовчи ва афсонага пардоз берувчиларининг энг илгари ўтгашлардан бири назм чаигалиниңг арслони ишқ ўтхонасининг самандари, завқ ва жазаба водийсининг ишқ юрувчиси Амир Хусрав Дехлавийдирки”, дейди “Маҳбуб ул қулуб”да, у кишининг пок нафаси ва гапи, иокиза сўзлари ва маъниоли шеърлари ишқ аҳли орасида ғавғо ва шавқ ва жазаба майдонида можаро солибдур”¹.

Шутнина эмас, Навоий Дехлавийга нисбатан иззат-икромини жуда кўп ўриниларда, хусусан, ўз “Хамса”сидаги ҳар бир достон муқаддимасида назм бобидаги шухрати, ҳамсанависликдаги салоҳияти ва ўринни кўрсатиши орқали изҳор этади. Ўплаб бетакрор ташбех ва истиоралар қўллайди, хисравона сўз ўйинлари ясади. “Ҳайрат ул-аброр” достонида ханжарининг барқидаи ўт ҷаҳнаган, раҳшининг тезлиги ўтча бўлган ҳинд чобуксувори-чавандози деб атайди.

Ўз замопасида у мамлакатни имкониятлари тасарруфига олган қалами (килки)пинг уни билан юртини обод этган, безаганлардан эди. Шунинг учун уни чобуксуворгина эмас, “ройи ҳинд”-ҳинд улуғларидан демоқ керак.

Ушбу мамоликдаки маъмур эди.
Қилди тасарруф неки мақдур эди.
Ҳиндви чобук демаким, ройи Ҳинд,
Килки уч мамлакат оройи ҳинд.

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул қулуб. Асарлар. 15 томлик, 13-том. F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 1966, 209-бет.

“Сади Искаандарий” достонида Навоий шу мазмундаги фикрни яна баландроқ нардада айтиб, саройларда ўтирган Хиндиштанинг юзлаб Кеду рой (рожа, подиох)лари Дехлавий назм саройининг супурувчиси бўлса айрзиди дейди:

Дема рой ани, балки коз йеду рой,
Сазодур анга хокрӯби сарой.

Ганжалик Низомий ганж хазина оникор этиб, сўз иқлимида шоҳ бўлгач Дехлавий ҳам найравлик килиб, яъни уининг изидан бориб, Хисрав бўлди. Хисрав сўзи шоҳ маъниосида.

Ганжа шаҳи ганж фишон, пайрав ул,
Шах бу сўз иқлими аро, Хисрав ул.

Кўринадики, Дехлавийга сўз иқлимида шоҳ деган жуда улкан баҳони бермоқда.

Пайравлик ҳақида сўз кетар экан, ҳазрат Навоий барча замоцларда Дехлавий сингари пайравлик билан татаббӯй ҳавас қилганилар кўп ўтганини ҳам кайд этади:

Кўп киши ҳам килди татаббӯй ҳавас,
Сарви гул ўтрусиға кетурди хае.

Бироқ, бу эски фалак гардиши (тақдир) бир киши (Жомий) ва андоқ киши (Дехлавий)дан ўзгага муваффакиятия раво кўрмади:

Бир кишидин ўзгага, андоқ киши,
Бермади ёд эски фалак гардиши.

Бу билан Навоий улуғларини изидан борини ҳам кинидан жуда улкан билим, катта тажриба ва чуқур масъулият талаб этишини ўқтиради. Дехлавий пайравлиги ҳақида сўз борар экан, шу маъниода бетакрор бир ташбехни қўллайди, яъни уни ўз Фарҳодига ўхшатади:

Хисрав ўлуб мулк этиб обод ҳам.
Ёлғуз Хисрав дема, Фарҳод ҳам.

Бу ўринда ҳам Хисрав сўзида тажнис бор. “Мулк этиб обод” жумласида “Хисрав ва Ширин” достонига ишорат, (Достонда Дехлавий Хисравин мулк обод этган шоҳ сифатида талқи қиласи) ҳамда янги мазмунлар кашиф этиши маъниси бор. “Ёлғуз Хисрав дема”, яъни Низомийга пайравлик қилган, изидан бориб, хазинани осонгина қўлга киритган ва шу хазина ҳисобидан мулк обод этган шоҳ (Хисрав) дема, Фарҳод ҳам дегил.

Ранж торин қозмок анинг пешаси,
Тоги анинг назму, тили тешаси.
Ишқ ўти отанигоҳи жони анинг

Ғам тенгизи ашқи равони аниң

Фарҳод сингари ғам тоғини қозмоқ унинг (Деҳлавий) ҳам азалий қасби, ҳунаридир. Унинг учун ранж тоғи-назм, тили эса теншасидир. Бундайин қисмат ишқ туфайлидир. Чунки, унинг қалби ишқ оловининг ўғори, ўтхонаси, шул сабабдан ғам денгизи унинг күбәлларидаидир. Деҳлавий сўз сўзлаганда ана шу ранж тоғини қозмоқ заҳматлари, ишқ ўтигининг оташгоҳидан туруб сўзлайди. Шунинг учун у сўзандга. “Сабъаи сайёр” даги қўйидаги мисралар бу тасвирларни яна-да, тўлдиради. Ишқ оташгоҳининг ахгари, ишқ ўти ёлқинининг самақдаридир дейилади:

Ўтки оламни ўртабон асари,
Келибон қўнгли ўтигининг шарапи.
Ишқ оташгоҳининг ахгари ул,
Балки ул шуътанинг самандари ул.

Ҳар қачон у кўлига қалам олганда назмидин олам ичра ўт солади, шунинг учун уни қаро бало, офати худо демоқлик керак.

Дема Ҳинду каро бало де они,
Не бало, офати худо де они.

Агарки ундан олдин юргаи йўл бошловчи, йўл кўрсатувчи бор бўлса-да, Деҳлавийга хос бу жиҳатни пайравлик деб бўлмайди деб Деҳлавийнинг сўз қудратига жуда юксак баҳо беради.

Бу юсурмакда бўлмайин пайрав,
Агарки ҳар раҳрави мағарки Хисрав.

“Фарҳод ва Ширин” достони муқаддимасида Навоий айниқса Деҳлавийнинг ана шу сўз қудрати, сўз сеҳрини назарда тутиб, уни яна-да, бетакрор янги ташбехълар билан тавсиф этади. Ул зотни Ҳиндистонийг шакаргў фарзаиди, довруги оламни тутган ширинимакол тўти, фифони гардунга тутаиш шўридаҳол булбул деб айтади.

Не хинду тўтийи ширинимакол ул,
Не тути, булбули шурида ҳол ул.
Тушуб оламга тўтидек баёни,
Етиб гардунга булбулдек фифони.

Булардан оша унинг тўти каби ширинимакол сўзларини чашмаи ҳайвон (тириклик суви), ўзини эса Хизр пайғамбар даражасида кўрсатади. Агар Ҳиндистонии охират коронгулиги (зулумот) конласа, унинг равон сўзлари қайта ҳаёт ато этади дейди:

Аниң зулумоти Ҳиндистони охир,
Равон сўзи чашмаи ҳайвони охир.

Навонй бу тавсифларидағи ташбекшлар шу даражадаки, шархини демоққа сұз топмайсан. Үларни фәқат ҳиссий идрок орқасынан тұлғырок аңглаш мүмкін. Масалан, Дәхлавийни булбулга үхшатар әкан, Ҳиндистонни тунга, бирок одатдагидан таңқары анбарфишон тунга үхшатади. Дәхлавий ана шу түннинг шұрангез, шабхез булбулидир деб күрсатади.

Агар булбул десанғ Ҳиндистон тун,
Каро зулмат дема анбарфишон тун.
Бу индоқ тун аро шабхез булбул,
Шабистон ичра шурангез булбул.

Уни булбулгина эмас, қуй-ноласидан афсонавий қақпудаі озор топадиган “қақпуди зор” демоқ керак. Негаки, қақпуд ҳар нағасда юз нола чекади, ҳар ноласи жонсұз бұлса, Дәхлавийннің ноласи мингdir ва яна үқдір. Ҳар ноласи билан дилларни ўртогачи, дилга ўт қаловчи - дилдұздыр. Ҳар бир сұзи чақмоқ ва қақпуди янглиғ еру-күкни ларзага солади.

Агар қақпуд чекиб юз нола жонсұз
Анга мини' нола ўқи барча дилсұз.
Дема ўқ, балки ҳар бир барки охи,
Ки секраб ўртабон мағтоба мохи.

“Лайли ва Мажнун” достонда жодулик ишиннинг эңг мөхіри “соҳири ҳинд” (хинд сеҳиргари) деса, “Садди Искандарий” достонда үйинчи, үйин күрсатувчи сеҳиргарларнинг билимдөн донишмандағы деб таъкидлайды. Уннинг донишмандағы, сұз сөхри назм девонидаиоқ матылум ва машхур эканлығиниң айтади. “Сабъан сайёр”даги мана бу мисралар иш мазмунни түлдіради.

Сұз ичра анга тез бозорлик,
Бу бозор аро түрға атторлик.
Ва лек ул дүкенки мавжуд анга,
Сутуну эшик сандалу үд анга.
Бу аттроликда макосид билиб,
Ани доли дониш Аторуд билиб.

Агар әзтибор қилинса ҳазрат Навоній қўйлаётган “тўти”, “булбул”, “қақпуд зор”, “соҳири ҳинд”, “лабовард” каби ташбекшларнинг барчаси бир мақсадға, яғни Дәхлавийннің сұңдаги сеҳр салоҳиятининг кенг қамровда ёритишига қаратилғанини аңглаш мүмкін.

Тавсифларида Навоній Ҳусрав Дәхлавий пазмининг маънио құдратини хам алохіда әзтироф этади. Тилини дурпош, ўзини покиза бир гавҳар деб айтади. Подюхликнинг йиллик хирожи бу гавҳарнинг олдида бир бұлак гавҳарча йўқ деб муболага қиласади.

Тиши дуриош, ўзи покиза гавҳар,
Хирожи мұлк, ішкім, реза гавҳар.

Навоининг эътирофича, Ҳусрав Дехлавий илм ва иисонии фазилатларният кони, маъно бобида эса улкан бир тоғ ҳамдир.

Не гавҳар балки илму фазл кони,
Дема конким, дегил кӯҳи маъоний.

Агарки Ҳусрав Дехлавий сўзда сохир, илму фазлда гавҳар, маънида тоғ бўлмаганда улуғ қудрат ва ниyat соҳиби бўла олмасди. Навоий тавсифларидан келиб чиқадиган асосий хулоса мана шунда. Бу бизга, кўпчиликка аввалдан таниш қўйидаги жумлаларда ҳикматомуз килиб айтилади:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий наандасига ғапжак урмок.
Керак шер олдида ҳам шерни жангри,
Агар шер ўлмаса, бори наланги.
Йўқ эрса жамъ бўлса барсек юз,
Алардин ҳосил йўқ, гайр нуф юз.

Низомий ғапжу гавҳар яратган жуда улкан бир фил. Унинг билан баҳсламиоқ, хартумига хартум солмоқ учун фил бўлмоқлиқ керак. Гарчи кичикроқ бўлса да, Дехлавий ҳам ана Ѣундай филидир.

Букун ул пилу бу хинду эрур бил,
Кичикроқ бўлса ҳам, лекин эрур пил.

Негаки, бу ҳам аввалиг меъмор бунёд этган қасрлар рўбарўсида “тошида нақши дилқаш”, “ичлари мунаққаш”, ўз асрининг зийнати бўлган беш қаср бунёд этиди.

Яна эътиборлик бир жихати ҳазрат Навоий бу икки улкан сиймонинг ўзларига хос алоҳида ўриниларини эътибордан четда қодирмайди. Улар бунёд этган қасрлар ўргасида каъба олдидаги бутча тафовут борлигини айтгали. Аввалиг меъмор қандай бино қилиган бўлса, буниси зеб берди. Эрам боғидан олиб эккан гулларига шабнам ёғдириди. Ўз қасрига келтирган тоза юзли нигорига ўсма-элик тортиб кўрк қўшиди. Бу нигорлар уларининг бирида жилвагар бўлса, бирида пардадор бўлди дея берган тавсифлари орқали кўрсатади.

Сабоҳат РАХИМОВА

АМИРИЙНИНГ НАВОИЙГА МУХАММАСЛАРИ

Устозлар ижодидан баҳраманд бўлиш, уларнинг шеърларидан илҳом олиб янги-янги асалар яратиш барча даврларда мавжуд бўлган қутлуғ аниъанадир. Буюк сўз санъаткори Алишер Навоининг ўзи ҳам Низомий, Ҳусрав Дехлавий, Лутфий ва Жомий каби буюк санъаткорлар ижодига муҳаббат қўйинб, ўзининг энг мукаммал асаларини яратишда улардан файз

тошиб, илҳом олган бўлса, ундан кейинги давр шоирлари ҳам Навоий ижодий сарчашмаларидан сероб бўлиб, ўзига хос асарлари билан ўзек адабиётни хазинасини бойиттанлар.

Навоий каби буюк даҳолар факат ўз замонасиning эмас, балки ҳамма замонларнинг барҳаёт шоирни ҳисобланади. Чунки улар тараниум этган гоялар ишон юрагига доимо бирдек таъсир қиласди, унга сизиб кириб катта бир адабий мактаб вазифасини ўтайди. Бу адабий мактабдан таълим олиб, Навоийни ўзига устоз деб билгани юзлаб ижодкорларни санаб ўтиш мумкин. Масалаи, Машраб, Равнақ, Оғаҳий, Мунис, Амирий, Нодира ва бошига бир канча стук шоирлар шулар жумласидандир.

Шоир Мунис Навоийни маънолар ўйлида ўзига - пир - буюк устоз деб билиб:

Сўз ичра Навоийки жаҳонгир туур.
Мунисга маоний йўлида пир туур.

деб қайд этса, Оғаҳий Навоийниг “Наво”сидан баҳра олганлигини таъкидлаб шундай дейди:

Оғаҳий ким тошгай эрди сози изменингдин наво,
Баҳра гар йўқтур Навоийниг “наво”сидинсанго.

Шоир Амирний эса Навоийдан олган тажрибалари ғазаллар битинцида асос бўлгани ҳакида:

Бир пири найкар хоти лаълини шарҳ этгим Амир,
Бу ғазални зери машқидур Навоий дафтари.

деб ёзади. Улуг шоирлар ижодига юксак эҳтиромда бўлган Амирийни профессор Абдурауф Фитрат мумтоз адабиёт тарихида муҳим аҳамиятта эга бўлган адабий мактаблардан бирининг асосчиси сифатида эътироф этади. Дарҳақиқат, ўз даврининг энг таникли шоир ва адиларни бирлаштирувчи бу мактабда тез-тез адабий йиғинилар, мушонралар ўтказиб турилиши билан бирга улуғ шоирлар Навоий, Фузулий, Жомий, Бедилларниң шеърларини ўқиши, уларни таҳлил этиб, назира ва мухаммаслар боғлани ҳам одат тусига кирган эди. Жумладан, Амирий девонида ғазал, мухаммас, мусаддас, туюқ, робой жапридаги шеърлар билан бирга устоз шоирларга боғланган мухаммаслар ҳам ашчагина.

Амирий ўз ижодининг юксалинида Шарқ шеърияти саҳнидаги устозлари ижодининг таъсири катта бўлганилигини таъкидлаб, шундай ёзади: “Ва тохи устозлар девонида бирор шавиқангиз ва мухҳаббатомуз ғазалларидин рангин ва таҳсии қофия тошар эдим, татаббуида ғазал айтур эрдим”.

Дарҳақиқат, Навоийни ўз устози деб билиб, Бедилни “руҳий мададкор” деб қайд этган Амирий девонида Фузулий, Жомий, Бедил ва Лутфийларниң ғазалларига боғланган талайгина мухаммаслар мавжуд. Шунингдек, Навоийниг 20 дан ортиқ ғазалига боғланган мухаммаслари

Амирийни устоз шоирл ижодига ўзгача бир мухаббат билан ёндашганидан далолатдир. Шоир Амирий шеърият саҳнинг қўйган илк қадамларидан бошлиб, Навоий шеърларидан илҳом олиб, устоз изидан боришига ҳаракат қиласди. У хазратнинг энг сара газалларига мухаммаслар битиб, улуғ шоир бошлаган мавзуни давом эттаради, тўлдиради ва ўз иавбатида янгича талқин этишига интилади. Чуники, Навоийнинг “Анго”, “Оинг”, “Айладинг”, “Тушти ўт”, “Эрмиш”, “Оқибат”, “Айласа”, “Ораз”, “Қўриб” каби бир қатор машҳур газалларига Амирий томонидаа битилган тахмислар улуғ шоир баён этган фикрларни ривожлантириб, газалининг умумий руҳи сақланган ҳолда янгича мазмун бахш этади. Амирий Навоий газалларига мухаммаслар боғлагандага шеърининг фақат вазни, қоғияси ва туроқлари жаҳатидангина эмас, балки ғоявий мазмунни нуқтаи иазардан ҳам юксак даражада бўлишига интилган. Чуноичи, Навоийнинг “Кўнглим ўргансин агар...” деб бопланувчи газалида ёр висолидан умидвор опиқининг ўз маънгуқасига нақадар вафодор эканлиги қайд этилиб, “Сендан ўзгага боқсам кўзим чиқсан” деб таъкидланса, Амирийнинг ушибу газалга боғлаган мухаммасидаги мисралар эса газалининг мазмун-моҳиятини кенгайтириб, таъсир доирасини янада оширган.

Амирий:

Бошим ўлсун поймол гар тарки савдо айласа,
Хира бўлсун кўз жамолингдин табарро айласа,
Жонга ўт тушсун бўлак дилбар таманио айласа.

Навоий:

Кўнглум ўртасун агар гайрига парво айласа,
Ҳар кўнглум ҳам ким сенинг шавқингда пайдо айласаю

Амирий тахаллуси билан шеърлар битиб, “Ишқ аҳли амири” даражасига қўтарилиган шоирнинг лирикаси марказида ишқ мавзуси турар экан, у Навоийнинг ўша мавзудаги газалига битган мухаммасларида жуда широйли ва бетакрор тасвиirlар яратса олган. Жумладан, Навоийнинг “Айламас” радиофли ишқий мавзудаги газали Амирий тахмиси билан янада ўзгача оҳанг касб этади.

Амирий:

Ул табъи шириклиқо ҳар нечаким ёд айламас,
Ишқ тогида мен этган ишини Фарҳод айламас,
Ҳама кўнглум бу жафоларда нечук дод айламас,

Навоий:

Йўқ демаким фурқати жонимга бедод айламас,
Ғайрни шод этгали кўнглумни ношод айламас.

Навоий ёрииңг айрилиқ азобидаң қалби бирор лаңза ҳаловат билмайдыган ошиқнинг юрак туғёnlарини баён этса, Амирий Навоий фикрите муносиб жавоб айтти билан бирга улуг шоирнинг ижобий қаҳрамони ишқи комил эгаси - Фарҳодни газалга олиб кириб, ундан ўзига хос ташбех яратишга ёрииңган. “Ишқ тогида мен эттан ишни Фарҳод айламас”. Бу мисрада гўзал бир санъат - талмех бўлиб, бу санъат шоир айтмоқчи бўлган фикрларин ифодаланига хизмат қилиғанини билан диққатта сазовор.

Шунингдек, Навоийнинг “Тушди ўт” радиофли ғазалининг матлаъси бўлмиш:

Лолазор эрмаски, охимдин жаҳона тушти ўт,
Йўқ шафакким бу фироқнинг осмонига тушти ўт.

байтида ўз оҳидан пайдо бўлган ўтга ташбех қилгани ҳолда, шафақни қизарган кўз қорачигидан осмонга тушган ўтга ўхшатган бўлса, Амирий муҳаммасида бундай танибехълардан ижодий фойдаланиб, шоир Навоийнинг байтларини “Ёнаётган юртим алансаидан қаҳқаон (сомон йўли)га ўт тушди” мазмунидаги мисралар билан бойитади:

Баски ул гул ишқидин мен нотавонга тушти ўт,
Ўрганиб бағрим ила қўнглумни жонга тушти ўт,
Доғлик кўксим ўтидин қаҳқашонга тушти ўт,

Мальумки, Сомон йўли кўк юзига худди қизил чизиқ тортилгандек намоён бўлади. Демак, бу ерда тамсил санъатидан фойдаланиб ажойиб тасвири яратган. Ғазалининг иккинчи байтида Навоий ошиқнинг ахволини баён қилиб: “Ҳар кимни бу савдога дучор бўлса, маъшуқа рухсорининг ўти унинг хоиумонин куйдиради, дейдилар. Буни эшишиб мен каби бехонумонга ўт тушти” деб ёсса, Амирий эса гўзал дилдорнинг ишқ ўти айрилиқ азобида ёнаётган қўнгилга тушшиб, ошиқнинг дарди кучайганини, шунингдек бу дардининг бало ўтлари ҳам унинг бошига ёғилаёттанини ва бу худдики гулга парвона бўлиб, унинг устида чарх ураётган булбулининг патини гулзор ўти куйдиришига ўхшашлигини ифодалайди. Амирийнинг ушибу мисрасига шеърий санъатлардан истиора ва ташбех усталик билан снгдирилганини кўрилади:

Тушти ҳақридин қўнгил ўтига ул дилдор ўти,
Ёғидирур гарди балодек бошима бу адвор ўти,
Куйдурур андокки булбул пайкоин гулзор ўти,
Дедилар эл хонумонинг ўтарар ул рухсор ўти,
Бу сўн эшиггача мени бехонумонга тушти ўти.

Ошиқ ахволининг бу каби тасвири Навоийнинг “Онинг” радиофли ғазалида ҳам ёрқин кўзга ташланади. Амирий устозининг ушибу ғазалига ҳам катта маҳорат билан муҳаммас боғлаганки, ундаги теран фикрлар Навоий байтига хийла ҳамоҳангидир:

Ул париким күнтуллар ўлди афгори оининг.
Тўкти коим нарғиси бадмасти хумори оининг,
То кўзимга жилва жети кади руҳсори оиниш,
Бўлди қотил кўз ила зулфи сиёҳ кори оининг.
Кофири муаттар ки ҳар ён тушти зунори оининг.

Шоир Амирий дейдикни қанчалаб кўнгилларни яратган ул парни юзли санам мастона хумор кўзлари билан қонимни тўкти. Унинг қади руҳсори кўз олдимда жилваланар экан, кўзлари-ю қўлмиши қаро зулфи қотилта айланди. Ул парни руҳсорининг зунори (зулфи) тушган ҳар ерда кофурининг хушбўй ҳиди анқийди (Бу ерда кофур сўзининг икки маъноси бўлиб, бири хушбўй ҳидли модда, иккинчлиси номуслик; ахир бирорининг қонини бегуноҳ тўкиш кофирининг иши!).

Ғазалининг иккичи байтида Амирий томонидан тузилган мухаммас ундаги маъноири ривожлантириб, мавжуд образларга монаанд тасвир яратада олганини кўрамиз:

Этти Фарҳод ишқини ул дилбари ширин мақол,
Теша янгилиг коматим ул гул ғамидин бўлди дол,
Нотавон колаб аро руҳи равон этгил хаёл,
Истасанг Лайли, Мажнун хуси ишқидин мисол,
Мен назариман, менинг ёрим намудори оининг.

Навоий ўз байтида дейдикни, Лайли-Мажнун ишқига мисол изламоқчи бўлсанг мену ёримга назар сол. Мен бу ошиқнинг ўхшаши бўлсам, ёрим эса ишқимнинг кўркидир. Амирий эса ўз тахмисида: Ул ширин сўзли дилбар Фарҳод ишқини баён этар экан, қоматим унинг фамида тешадек дол бўлди, деб ёзади ва талмех санъати орқали ўз фикрини нафис ифода этади. Бундан ташқари ширин сўзниг қўши маъноси бўлиб (бири Навоийнинг қаҳрамони, бири ширин сўзли маъносида) ҳар иккиси газал руҳига жуда мос тушган. Щунингдек, ошик қоматининг Фарҳод тешаснига ўхшатилиши ҳам ўзига хос бир санъат.

Амирий Навоийнинг факат ишқий-спёсий мавзуларда ёзилган айрим ғазалларига ҳам мухаммаслар битган. Жўмладаи, “Оқибат”, “Фард”, “Меининг” радифли ғазалига битилган мухаммасларида шоир жамият аҳли орасидаги оқибатсизликни, нафсу ҳавога берилишини ва бевафоликни қоралайди. Бундан ташқари Амирий Навоийга мухаммаслар битини билан бирга унинг шеъларига назиралар айтиш йўлидаи ҳам боради. Бу билан Амирий Навоий ва унинг меросига юксак мұхаббатда эканлигини ва ўз ижодида Навоий каби даҳо санъаткор бўлишга интилганини намоён қиласди.

Айниқса, Навоий ижодида мұхим ўрии тутувчи “Одил шоҳ” гояси шоир ва айни пайта шоҳ Амирийнинг ўша гояси билан уйғунлашиб кетади.

Чунончи Амирийнинг “Анго” радифли ғазали ҳам Навоийнинг худди ўши радифа, шоҳдарни зоҳиран шоҳ, ботинан дарвеш бўлишга чорлаб ёзган ғазали таъсирида бунёдга келганини илғаш қийин эмас.

Амирийнинг:

Фақр йўлни шох роҳи салтанатдин хуш билар,
Ул Амирким эрур дарвешдек зийнат анго.

байти Навоийнинг:

Шоҳлар дарвению, дарвешлар шоҳини бор,
Шоҳлик сурат анго, дарвешлик сийрат анго.

байтига ҳам шаклан, ҳам мазмунан ҳамоҳангдир. Биз бу каби Навоий ғазаллари шаклида, уларга ҳамроzlикда ёзилган шеърларин Амирий ижодида кўплаб учратамиз. Бундан Амирий шеъриятида Навоий изидан бориб янгиликлар яратишга, унинг илгари сурған ғояларини ўз асарларида япада ривожлантиришга харакат қилиганини кўрамиз.

Хулоса қилиб айттача, Амирийнинг улуг Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари унинг устозлар даҳосига бекиёс ҳурматини ва ўшалар дарајасидаги шоир бўлиб етишини ингтиёқида яшаганини кўрсатади.



ЛИСОНИЙ ЗЕБОЛИКЛАР



АЛИШЕР НАВОЙНИНГ НАСРИЙ АСАРЛАРИДАГИ АЙРИМ СОДДА ГАПЛАР

Буюк сўз устаси Алишер Навоийнинг адабий мероси кенг миқёсда ўрганилаёттапи жамоатчиликка аён, айни замонда бу санъяткор асарлари тили ҳамои тадқиқот обьекти бўлмоқда. Бу соҳада F. Абдураҳмонов, А. Рустамов, Б, Бафоевлар самарали меҳнат қилмоқдалар.

Шунга қарамай, адаб асарлари тилининг синтактик хусусиятлари режали илмий изланишлар олиб борилишини кутиб ётиди. Тўғри, бу соҳада ушбу муаллифнинг содда гап сатҳида маъдум ишланмалари мавжуд¹, лекин Алишер Навоий асрлари, шу жумладан, насрий асарлари тили синтаксиси бўйича ностандарт талқинларга мухтож бўлган масалалар анчагина.

Ушбу мақолада шу масаланинг айрим жиҳатлари ҳақида фикр юриталади.

Алишер Навоий насрий асарларида ўнчадай содда гаплар учрайдики, улар ҳозирги ўзбек адабий тилидаги гаплардан таркибий ва мазмун жиҳатлардан фарқ қиласди. Бундай гапларни мавқе (позиция), кўчим (трансформация) усусларини кўллаш оркалигини ўрганиш мумкин. Булар қуйидагилар:

1. Эгани тайин қилиш мунозарага сабаб бўладиган гаплар. Масалан: *Ва алар тўқуз киши салтанат қилдилар* (ТМА). Бу гап ташки жиҳатидан мураккаб эмас, лекин гапнинг эгаси сифатида қайси сўз шаклини ажратни масаласида қийинчилик юзага келади. Бу ҳам бўлса, гап таркибида *алар* сўз шакли ҳам, *тўқуз киши* сўз биримаси ҳам бош келишинда қўлланиши билан боғлиқидир. Бу гаплар *алар салтанат қилдилар* тарзида ҳам, *тўқуз киши салтанат қилдилар* тарзида ҳам мавқега эга бўлиши мумкин. Бундай мавқеларда ҳеч қайси вариант эгани белгилашда маъдум устунликка эриша олмайди. Эди ўша эга деб белгилаш мумкин бўлган сўз шаклларининг морфологик имкониятларини гапнинг турли кўчимларига оркали синаб кўрамиз: *ва алардин тўқуз киши салтанат қилдилар*. *ва алар тўқуз кишилашиб салтанат қилдилар*. Бу каби кўчимларда биринчи вариант устуилнекка эга бўлади гапда эга вазифасини *тўқуз киши* биримаси бажариши аниқ бўлиб қолади.

2. Гапда эга ва кесимни белгилаш осон бўлса ҳам, унинг тушунилиши маҳсус изоҳ талаб қиласди. Масалан: *зихи, муваффақ бандаки* улдур (МН). Бу гапда эга сифатида *зихи* муваффақ бандаки биримасини (уни ёйик эга деб ҳам юритамиз), кесим сифатида *улдур* сўз шаклини белгилаш мумкин. *Улдур* сўзининг кесим эканлигига -дур боғламасининг қўлланиши ҳам далолат қиласди. Лекин бу гап *ул барча яхши ниятларга* эриша олган

¹ Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрий асарларидағи содда гапларининг маъни ва таркиби хусусиятлари. Т., Ўқитувчи, 1990; Алишер Навоийнинг насрий асарларидағи мураккаблашган содда гаплар. Т. 1993.

бандадаур маъносида тушунилдики, натижада эга сифатида кўрсатилган бўлак кини онгиде кесим, кесим сифатида ишаклланган бўлак эса эга бўлиб гавдаланади. Бу логик ва синтактик категорияларнинг айнан ўхшаш эмаслигини кўрсатадиган мисол бўлиб хизмат қиласди. Шу ўринда эга таркибида (*бандан* сўзидаги -и “ёйи ишорат” белгисидир) -ки юкламаси *бандани* сўзида шу сўзнинг маъносини кучайтириши, шу сўзнинг гапда тема эканлигини таъкидлаши учун қўлланган. Бу эски ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятини кўрсатади.

3. Алишер Навоийнинг насрый асарларида шакл жиҳатидан қўйима гапни эслатадиган, лекин мазмун ишанига кўра содда гап бўлиб, унда эгага иисбатан ортмавкеда келган киритма ва изоҳ иборали содда гаплар ҳам учрайди. Масалан: *Ва ул кишиким, бу лақаб тонди, ул эрди. Ва Каёнйлардин аввал кишиким, салтанат қилди, Кайкубод эрди* (ТМА). Бу гаплардаги *бу лақаб тонди, салтанат қилди* биринчина ва аналитик ишаклари бир қарашда бир бош бўлакли гапга ҳам ўхшаб кетади, лекин бу биринчина ва шакллареиз ўша гапларнинг асосий мазмунин очилмай қолади. Бу гапларни *Ва бу лақаб тонгаш киши ул эрди, Ва Каёнйлардан аввал салтанат қилган Кайқубод эрди* каби кўчим (трансформация) килиничи мумкинлиги хисобга олганда, уларни киритма ва изоҳ ибора иштирок этган содда гап деб қарани мумкин бўлади.

4. Сўзлашув тили таъсирида шаклланган айрим гапларда кесимдаги асосий лугавий маънони ташйидиган (от билан ифодаланган) сўз тушиб қолини (ёки тақрорга йўл қўйилемаслик туфайли қўлланмаслиги) мумкин. Масалан: *Ҳар оинаким, салтанат Шеруяга вафо қиласанча анга қилди* (МН). Бу гап тўла тикланидиган бўлса, “Ҳар оинаким, салтанат Шеруяга вафо қиласанча анга вафо қилди” тарзида шаклланини керак, яъни даражамикдор холини билдирган вафо қиласанча биринчаси тиркибидаги вафо сўзи айни ўринда қилди кўмакчи феъли билан бирга деб тушунилди. *Вафо* сўзининг қилди сўзи билан қўлланмаганлиги муаллифиning тақрордан қочини билан боғлиқидир.

5. Кўйима гап таркибларидан бирининг атов гапга кўчим бўла бошлаган гаплар ҳам учрайди. Масалан: *Яна ҳақиқат аҳлининг сархайл ва сарафрози Ҳожа Ҳоғиз Шерозий нуқот ва асроринки, инфоси руҳул кудустини нинсон айттур ва руҳуллоҳ инфосидин асар еткукурур* (МН). Бу гапдаги биринчи қисм яна ҳақиқат аҳлининг сархайл ва сарафрози Ҳожа Ҳоғиз Шерозий нуқот ва асрорин биринчаси олдмавкеб ва ортмавкели аниқловчилли биринчадур, айни ўринда у гап кўчими туфайли ҳосил бўлган, лекин у кейинги гапга иисбатан грамматик тобе ва ҳоким бўла олмайди, фақат унинг субъектини кўрсатади, холос. Шу жиҳатидан матълум даражада атов гапига яқинлашади.

6. Алишер Навоий насрый асарларида ишундай содда гаплар (мураккаблашган) учрайдики, уларни изоҳлаш жуда қийин. Масалан: *Бутнарастлик яхшироқким ҳуднарастлик* (МК). Бу гапда *бутнарастлик* сўзининг эга, *яхшироқ* сўзининг кесим эканлигини англаш қийин эмас, лекин, *ҳуднарастлик* сўзининг мавқеи ва *яхшироқким* сўз шакли таркибидаги -ким воситасининг қандай грамматик вазифа бажарини

масаласи мунозара талаб қиласи. Бизингча, бу гап бутнарастлик худнарастликтинг яхшироқ тарзида кўчим қилинганда, худнарастлик сўзининг гапнада тўлдирувчи вазифасини бажараётганилиги маълум бўлади. Лекин, бундай кўчим гапнинг мазмун планига мувофиқ келса ҳам, унинг ифода планига -ким воситасиниг вазифасини нолга тенглантириб қўяди. Эди шу ўринда -ким воситаси қандай вазифа бажараётганигини аниқлаш керак бўлади. Бизнингча, -ким ёрдамчи сўзи ортмавкедаги (тўғрироғи, инверсияга учраган) тўлдирувчининг ажратилишини таъминлаган. Шу билан бирга ўна бўлакнинг таъкидланишини ҳам билдиради.

Эта таркибидаги -ким йўқламаларининг қўлланилиши ҳам синтактик таркибга бевосита таъсири бор. -ким йўқкни эски ўзбек тилида, шу жумладан, Алишер Навоий асарлари тилида ўзининг маъно вазифалари билан бирга синтактик таркибда ҳам маълум аҳамиятга эга¹. У қайси гап бўллагига қўшилмасин, ўша бўлакка турли маъно қўниши билан бирга,, шу гап бўлгадан сўнг маълум синтактик ҳодисаларнинг қўлланингни ҳам таъминлайди:

1. Изоҳ иборанинг мавжудлигини кўрсатди: *Ва уч тилки, туркий ва форсий ва ҳиндий бўлгай, бу учовнинг авлоду атбояи орасида шоёз бўлди* (МЛ 5). *Ва Золким, Рустамнинг отаендуру, анинг замонида мутаввалид бўлди* (ТМА 9).

2. Киритма ибораларнинг мавжудлигини кўрсатади: *Ва чоғирки, мудовамати мужиби гафлату бепарволигидур, ани мулк ишидин фориғ килди* (ТМА 54). *Бу наъъ кипники, анга мундок бўлгай кирдор, бу даврда мавжуд ва ҳозир бор* (МК 103).

3. Изоҳ ва киритма ибораларнинг биргаликда қўлланганилигини билдиради: *Аржаси бинни Афросиёбим, турк подшохи эрди, анлокки, зикри ўтти, вилоятни холи топиб, Балхни олиб, Лухрасини ўлтуруб, қизлариниким, Гунтосиининг сингиллари эрди*, асири қилиб, Балхни бузуб, қўни ғанойим билан мулкига қайти (ТМА 19). *Ва Ашким, Доробпиниг ўғли эрди ва Искандар замонида вахмиди ёшурин юрур эрди*, анга хуруж қилиб, ани ўлтурди ва таҳт билди (ТМА 32).

4. Гап кўчимидағи феъл ва от кесимли ибораларнинг мавжудлигини кўрсатади: *Улким қаноатқа мўътод бўлди, шоҳу гадо тардицидин озод бўлди* (МК 74). *Деҳғонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар* (МК 46).

5. Содда ва таркибли кесимлар уюппишини таъминлайди: *Бовужуди, бу бекнинг синоҳийликда жалодат ва баҳодурлугини ҳар кишиким танир, мусаллам тутар* (МН 181).

Синтактик таҳлили қийин ва мунозарага сабаб бўладиган гаплар фақат содда гаплар доирасида эмас, балки қўшима гапларда ҳам учрайди. Мисол сифатида қўйидаги гапни кўрсатиш мумкин: *Ўн секиз минг олам ва адам яратиб, бир кишини оғариниш дағтаридин мунтаҳаб ул қила олур, анга келди мусаллам бу умр, гар ўлса мусбатлик бу бўлди сабаб* (МК). Бу гап мунтаҳаб сўзи сабаб сўзига сажъ қилишини асосида тузилган, лекин бу

¹ Абдураҳмонов Ф., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик ҳусусиятлари. Т. 1984, 145-148-бетлар.

сўзлар қўпима гап таркибларининг тугашига ишора қила олмайди. Бу таркибнинг таркиби ўн секиз минг олам ва одам яратиб, бир кишнин оғарининг лафтаридан мунтаҳаб ул қила олур иборасини мунозарасиз қабул қилини мумкин. Лекин, анга келди мусаллаам бу умр, гар ўлса мусбатлик бу бўлди сабаб ибораси эса жуда мураккаб бўлиб, унинг аввалги ибора билан грамматик муносабати анча чигал. Бундай гаплар Алишер Навоий насрый асарларида жуда кўп учрайди ва маҳсус ўрганишни талаб қиласди.

Кисқартмалар:

- ТМА - Тарихи мулукি Ажам
МН - Мажолис ун-нафонс
МК - Маҳбуб ул-қулуб
МЛ - Муҳокамат ул-дуғатайи

Иброҳим Йўлдошиев

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЎЗБЕК КИТОБАТЧИЛИК АТАМАЛАРИ

Ўзбек халқининг севимли фарзанди Алишер Навоий ўз замонасиning қомусидир. У пафакат шоир ва мутафаккир, балки тарихчи ва тиљшунос, олим ва мусиқашунос, атоқди давлат арбоби ва ҳукукшунос ҳам эди. Шунингдек, у давлат ва мамлакатнинг бутунилиги, мустақиллиги ҳамда тинчлигини сақлаб қолниш, ўзаро қирғизларининг олдини олиш, маданиятни ривожлантириш учун қурашибди. Шу билан бирга катта адабий мерос ҳам колдириди. Унинг бой ижодий фаолиятини қанчалик ўрганимайлик, янги янги кирралари очилаверади. Ҳусусан, ўзбек китобатчилиги, у билан ҳамоҳанг тарзда, китобатчилик атамаларининг шаклланиши ҳамда ривожланишида Алишер Навоий қўнгига хисса бекиёсdir. Бунда Алишер Навоий яшаган даврининг ҳам ўзига хос ўрни бордир. Чунки темурийлар даврида китоб ёзиши ва уни безази санъати ҳар қачонгидан ҳам катта рағбат кўрди. Шунинг учун ҳам бутуни дунёни неча асрлар давомида лол қолдириб келаётган Шарқ китобатчилигининг энг изози ва қимматли дурдоналари анишу даврларда яратиляди. Темур ва Улугбек даврида ҳаттот, музахҳиб, наққош, мусаввир ҳамда саҳҳофларининг юксак маҳорати безакли қўлэзманинг шу қадар гўзал намуналарини яратдики, улар ҳанузгача жумлаи жаҳонни лол қолдириб келади. Котиблик санъати Алишер Навоий замонасида, айниқса, Темурийлар идораси остидаги ҳудудларда янада туркираб гуллади. У даврида “Хаттотлар султони” Султон Али Машхадий, миниатюра санъати бўйича Ҳирот мактабининг асосчиси Камолиддин Беҳзод ва китоб безагининг машҳур устаси наққош мавлоно Ёрий Музахҳиб безакли китобининг шоҳона намуналарини яратган юзлаб усталарининг мураббийлари эди. Ҳар бир безакли қўлэзма бетакрор санъат асарига айланаб кетгани. Ҳусусан, Алишер Навоий “Хамса”сининг 896F1492-1493 йили қўчирилган ва ҳозир Санкт-Петербургда сақланётган нусхаси миниатюрасиз, аммо безакли қўлэзманинг ноёб намунаси ҳисобланади.

“Котиблар қибласи” мавлоно Султон Али Машхадий күчирған, Ерий Музаҳиб ва “замона гавҳари” саҳҳоф Султон Али Марвозий каби беназир усталар қўлидан ўтган бу нусха бетакрор санъат асари намунасиdir. Китобатчилик ишнинг бу қадар тараққий этишида буюк аллома ва мутафаккир шонир Алишер Навоий билан бирга замона ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқаронинг хизмаглари каттадир. Чунки Султон Ҳусайн Бойқаронинг бевосита ташабbusи билан сарой кутубхонасида юқорида номлари зикр этилган моҳир усталардан ташқари яна буюк мусаввиrlардан Мирак Наққош, Қосим Али Маҳмуд Музаҳиб, Шоҳ Музаффар, Султон Муҳаммад, Дўст Муҳаммад, Абдураззок, хаттотлардан Муҳаммад ибн Нур, Дарвеш Муҳаммад Тажий, Муҳаммад Хандон, Муҳаммад ибн Асхар, Шерали ва бошқалар меҳнат қилишган. Энг ажойиб безакли қўлёзмалар, авваламбор, “Ҳусайний” тахаллusi билан ғазал битган Султон Ҳусайнининг ўзи учун ишлангани шубҳасиз, албатта.

Алишер Навоий ўзининг “Маҳбубул-кулуб” асарида муҳим касб-кор эгалардан бири бўлган “котиб”лар ҳақида бир фасл битган. Унда “котиб”лик касбига оид муҳим хусусиятлар очиб берилади. Айни шундай ҳолатни Юсуф Ҳос Ҳожибнинг “Қўтадгу билиг” асарида ҳам кузатиш мумкин. Факат унда “битигчи” ҳақида сўз боради, холос. Ҷемак бу билан юқорида таъкидлаганимиздек, XV-XVI асрларда туркий “битикчи” ўринини арабча “котиб” атамаси эгаллаганини кўрамиз. Алишер Навоий ёзди: “Котиб шуаро сўзининг варақнигоридур ва сўз маҳзанининг хазонадори... Яхши хат ва нуқтадон сафҳага жамол, андоқни, яхши юз саҳифагача хатту хол. Хушнавис котиб сўзга оройиш берур ва сўзлагувчига осойиш еткуурур”-Котиб шоирлар сўзини вараққа нақшловчи ва сўз хазинаси сақловчи... Худди хол яхши юз саҳифасига гўзаллик бергаидай, яхши хат ва ундаги нуқталар қоғоз саҳифасига чирой беради. Хушхат котиб сўзини безантарида ва сўзловчини роҳатлантиради.

Байт:

“Қайси бир котибли, ул сўзга қалам сургай хилоф,
Ул қаро юзлик боши бўлсун қалам янглиғ шикооф”.

-Қайси бир котибли, ҷалқаш ёзадир сўзни,
Қаламдек тилинсин боши у қаро юзнинг.

(Маҳбубул-кулуб)

Шунингдек, Алишер Навоий “Маҳбубул-кулуб”нинг “Танbihлар” бўлимида мақтанчоқ ва совуқкон котиблар ҳақида ишнайдай дейди: “Котибли кулоғпойи зоги мулаввас оғғидин манкуброқ, ўз олида Жаъфар ва Азҳар хатидин маҳбуброқ”-Жарғаоёқ хати қарғанинг ифлос оғғидан ярамас бўлган котиб (кўчирувчи) ёзга хатини ўз замонасининг машхур котиби Жаъфар ва Азҳар хатидан ёқимлироқ сезади (Маҳбубул-кулуб).

“Котиб”нинг асосий иш фаолияти қўлёзма китобларни кўчиришдан иборат бўлган. Айни замонда у ҳукмдор фармонларини ҳам оққа тушириши иши билан шугуллангани матълум. Бундан ташқари у ҳукмдор фармонларини оққа тушириши иши билан ҳам шугуллаингани матълум. Айни

замонда “китоб кўчирини иши билан шуғулланувчи” хусниҳат соҳиби “хаттот” ёки “хушнавис” деб аталган. Алишер Навоий ижодида арабча “хаттот” ва форс-тоҷикча “хушнавис” атамалари аралаш тарзда қўлланган бўлиб, улар юқорида таъкидлаганимзек, бир хил маънони аиглатган. “Бойсунгур Мирзо... хаттот ва наққош ва созандга ва гўяндадан мунча беназир киппиким, анинг тарбиятидан арога кирди, маълум эмаским, хеч замон подиоҳи замонида пайдо бўлмиши бўлгай” (Мажолисун-нафонс). “Хушнавис ҳамким, саҳви қўп бўлгай - илги фалаж иллатига жуб бўлгай. Улки, бежо цуқта била ҳабиби ҳabis қилгай...”-Чиройли ёзувчи қўн хато қилувчи бўлса, қўли налаҗ касалига учрасин. Кимки, ўриисиз нуқта билан “ҳабиб”ни “ҳabis” қилгай (Маҳбубул-қулуб).

“Хушнавис” сўзи айни замонда “котиб” ва “хаттот” сўzlари билан ҳам қўшилиб келиб, “хушнавис котиб”, “хушнавис хаттот” кўринишида бирекма шаклидаги атамани ясайди. Бундай ҳолатларда ўта чиройли хусниҳат соҳиби бўлган “котиб” ёки “хаттот”ни англатиб келган: “Хофиз Мұхаммад Султоншоҳ-хушхон ҳофиздур ва хушнавис хаттотдур” (Мажолисун-нафонс). “Хушнавис котиб сўзга оройин берур ва сўзлагувчига осойиш еткурур” (Маҳбубул-қулуб).

“Хушнавис” атамасини “Бобурнома”да ҳам учратамиш: “Хушиавислардин агарчи хейли кини бор эди, vale боришинг саромади настатьлиқда Султон Али Машҳадий эди”.

XV-XIX асрларда Ўрта Осиё ҳалқарида минглаб хаттотлар етишиб чиққан. Лекин уларнинг кўпчилиги турли сабаблар билан тарихда номнишонисиз бўлиб кетганлар. Ўрта аср тарихида ва маданий ҳаётидаги котиблик ёки хаттотлик ҳунари энг шарафли ва муқаддас вазифа ҳисобланган. Улар ҳам доим ҳалқининг, қолаверса, давлат ҳукмдорларининг доимий эътиборида бўлиб келганлар. У даврларда китоб кўчирини билан шуғулланган хаттотларни биз одий кўчирувчилик вазифасини бажарувчи шахс деб эмас, балки ҳар бир хаттотни ўз замонасининг ўқимишли маърифатиарвари, илғор зиёлиси ва йирик маданият арбоби деб тушунишимиз керак. Тарихдан яна шу нарса маълумки, ўрта асрларда яшаган бир қанча олим, июир ва фозил кишилар ёнилдан хаттотлик санъатини эгаллаб, кейинчалик котиблиқда ҳам ном чиқарганилар. Бундай улуг зотлар фақат ўз асрларининг китобат қиласдан, балки бошқа муаллифлар асарини ҳам кўчирганлар. Масалан, Алишер Навоийнинг моҳир хаттот эканлиги тарихий манбалардан маълум. Мирзо Бобур араб графикасининг туркий ҳалқларға мослаб ислоҳ қилинган енгил ёзув - “Хатти Бобурий”ни ижод этган. Мунис Хоразмий хаттотлиқ санъати ҳақида “Саводи татъим” номли рисола ёзган ва Алишер Навоийнинг “Хамса”сини ниҳоятда гўзал ҳат билан кўчирган. Муқимий жуда майда настатьлиқ ва шикаста ҳатида баёз кўчирган. Ниҳоят, Бухоро хаттотлик мактабининг сўнти вакилларида XIX асрларнинг олимни Аҳмад Дошиш ўндан ортиқ зебо қўллэзмаларни кўчирив колдирган.

Хаттотларининг асосий иши жойларида бири сарой кутубхонаси ҳисобланган. Ҳукмдорларнинг эътиборида бўлган хаттотларга керакли шарт-

шароит имкон даражасида яратиб берилган. Шуннингдек, уларнинг меҳнати муюносиб тақдирлаб борилган.

Хаттот ишлайдиган хона ҳарорати, унинг ёритилиш даражасига катта аҳамият билан қарашга. Хонанинг мўътадил ҳароратда бўлишига эътибор берилган. Чунки хона ҳарорати ниҳоятда иссиқ бўлса, қозоз тезда ўз юмшоқлигини йўқотади. Натижада эса, у дағаллашиб, ёзишда қийинчлилик туғлиради. Ёки иссиқда хаттотнинг кўли терлаб, ёзуванинг сифатли бўлишига салбий таъсир кўрсатади. Сиёҳ ҳам иссиқ ҳавода тез қуюқданиб қолини натижасида ҳуснихатни бузади. Ҳаво совуқ бўлса, унда қозоз ўзига нам тортиб, ўз сифатини йўқотади. Шу сабабли, ёзинг жазирама кунларида хаттотлар учун энг қулай вақт сифатида тоңг соатлари, қиши кунларида эса, пешин соатлари тавсия этилган. Шуннингдек, хаттот хонасида ёруғлик хонанинг ҳар тарафидан туциши лозим бўлган. Эрта соатларда хаттот Шарқ тарафга қараган ойна олдида, пешинида Жануб тарафдаги, оқшом соатларда Farb томондаги ойна олдида ўтириб ишлани тавсия этилган. Шуннингдек, хаттотнинг иш жараёнида оч ва чапқоқ ҳолатда бўлмаслиги, асабийланимаслиги каби ҳолатларига ҳам эътибор берилган. Ҳатто, хаттотнинг иш ўрини ўзидан ёши ва макоми жиҳатидан улуғ кишилар хонага кирган вақтда ҳам ҳурмат юзасидан ўриндан туришга эҳтиёж сезмайдиган жойда бўлни керак бўлган. Акс ҳолда буларнинг барчаси бир мақсадга йўналтирилган хаттот руҳиятига ва асабига манфий таъсир кўрсатган.

Хаттотнинг кунлик иш соати ва ҳажми олдиндан белгилаб қўйилган. Бу ҳақда Захидидин Мұҳаммад Бобур шундай ёзади: “Хүннавислардин ... валие борининг саромади насхатыниқда Султон Али Машҳадий эди. Мирзо учун, Алишербек учун қалин китобатлар қизди. Ҳар куни ўттиз байт Мирзо учун ва йигирма байт Алишербек учун битар эди” (Бобурнома). Баъзи ҳолларда хаттотлар ўз санъат асарларининг гўзал ва нафис чиқини учун кимматли вақтларини ҳеч ҳам аямасдан меҳнат қилганлар. Бунга ўтминида бўлиб ўтган қўйидаги сухбатни келтирсан, фикримиз янада ойдилашади.

“Хожа,- деб сўрабди бир куни Бухоро хони Абдулазизхон сарой хаттоти Хожа Ёдгордан,- бир кунда ҳозир сиз ёзаётган шу қўлёзмадан қанчасини ёзин мумкин (хаттот Ҳофизнинг шеърлар тўпламини битаётган эди).

- Агар мен ҳаракат қилсан, бир кунда ўн байт ёзишим мумкин.

-Эшитинимча, Узоқ Шарқда бир уста қирқ йилда бир чинни идиш тайёрлар экан. Бағодда эса, бир кунда ана шундай чинни идишдан юзаси тайёрланар экан. Ҳар иккисининг нархида қанчалик фарқ борлигини сезиб турган бўлсангиз керак. Сизнинг санъатингиз ҳам айнан шундай. Сиз моҳир хаттотсиз. Биз сизга ушбу асари кўчириши амр этдик. Агар бир кунда ўн байт ёзилса, у ҳолда бу ҳуснихатнинг нозиклиги-ю назокати қаерда қолади? Агар сабрингиз етса, бир кунда икки байт, етмаса, бир байт ёзинг!”

Бу фармонга амал қилган Хожа Ёдгор Ҳофиз девонини етти йил деганда ёзип тугаллади ва девон энг кимматбаҳо дурдана сифатида баҳосини топибида.

Албатта, бундай зийнатлии ва нафис қўлёзмаларни тайёрлаш учун хаттотлардан катта меҳнат талааб этилган. Хаттотнинг бундай маҳорати натижасида ҳақиқий санъат асари вужудга келган. Бу ўринда яна шуни таъкидламоқчимизки, Алишер Навоий замонасида “китоб ёзиш ёки уни кўчириш ишлари билан шуғулланувчи шахс”ларни ифодалашида яна бир канча атамалар қўлланилган. Айникеа, Алишер Навоий асарларида бундай атамаларни кўплаб учратишими мумкин:

“рақамкаш” - “муаллиф, ёзувчи, хат ёзувчи, котиб”. Матъумки, араб тилидан ўзлашган “рақам” сўзи Навоий замонасида сонни ифодаловчи белги маъносини англатиш билан бирга хат, ёзув, ёзилгани нарса каби англамларни ҳам ифодалаган. “Рақам”нинг ушбу хусусиятидан Алишер Навоий ўз асарларида усталик билан фойдаланади. Бу сўзга шахс оти ясовчи “-каш” қўниммачасини қўниши билан асосдан англапилгани иш билан шуғулланувчи шахс оти - “рақамкаш” ясалган:

Бу нома учун бўлуб рақамкаш,
Сафҳа юзин эттилар мунаққаш.
(Лайли ва Мажнун)

Қалам васфида бир печа қалам сурмак ва ул рақамкаш таърифин рақамга кетурмакки, назм кишвари саводин яққалама қилиб эрди... (Фарҳод ва Ширин)

“роқим” - хат ёзувчи, котиб, муаллиф.

Роқимки, рақами ростдор, ростлар кўнглуга кабулияти бехост... (Махбуб ул-қулуб); Роқимки узотти тил синонин, Бу иавъ эвурур қалам иношин... (Лайли ва Мажнун); Котибга хатти мубталолиқ ва қайси хуруфга ружкуй қилмоқ сахифаи рухсорга мужби оқлик дурур ва роқимга сафид авроқлик... (Хайрат ул-аброр); “Панж ганж” авроқига рақами тортилиб эрди ва ул роқим бобида ҳамки мунунг хатти маънисин рақам-баракам билди... (Фарҳод ва Ширин).

“қаламзан” - қалам тебратувчи, ёзувчи, котиб, шоир, олим:

Қаламзанга бўлуб сурмак қалам фани, Ёнида корфармо ҳам қаламзан... (Фарҳод ва Ширин); Фатвода чу бўлди музд учун “ло” ву “наам”, Қилмоқ керак ул қаламзан илгина қалам... (Махбуб ул-қулуб).

“қаламрав” - маъно жиҳатидан “қаламзан”га ўхшайди:

Сурати хат лутгидин ул нок даст, Бўлди қаламрав шаҳига хамишишт... (Хайрат ул-аброр).

Алишер Навоий ўз замонидони, машҳур хаттот Султон Али Машҳадий таърифини келтиаркан ушбу сўздан фойдаланади: “Бу кун Хурсоңда ва оламнинг аксар билодида “наех таълиқ” хатида қиблатул-қуятобдур ва китобат мулкининг қалавран як қалама анча мусалламдур... (Мажолисун-нафонс).

“пависанда”- хат ёзувчи, котиб:

Мавлоно Мушрифий - хирийликдур. Нависандаликдии бирор нима вуқуфи бор... (Мажолисун-нафонс); ...Неча пависанда, ... неча парвоиачи жоопларига етиб, неча ҳийла била қутулурлар... (Муншаот).

“мусанинф” - ёзувчи, муаллиф:

Мавлоно Абдусамад Бадахший - ... маснавийгүй ва мусанинф киши эрди ... (Мажолисун-нафонс); Биринч дегай: -Тахт рўқаидур, биринч дегай:- Мусанинифи гашдур... (Сабъаи сайдер).

“муннисий” - ёзувчи, котиб, кўчирувчи, саройда идора ишларига оид ёзув ишларини олиб борувчи:

Мавлоно Номий - сабзаворликдур. Инчо била нома хатин битурга мазхурдур. Аммо, инчода ҳеч мунни они бегоимас, нома хатида ҳеч хушилавис они писанд қилмас... (Мажолисун-нафонс); Сурдин мунни васфи узра хомани, Ким писанд эткайму шоҳ ул помани ... (Лисонут-тайр);

Аввалидур муннисий гавҳар фишон, Ким гаҳи ул руқъя ёзар, гаҳ нишон... (Хайратул-аброр).

Муннисий - атамаси котиб, ёзувчи, кўчирувчи маъноларида “Бобурнома”да ҳам учрайди: “Мунишийларини тилаб, буюрдумким, бу икки зимуш-шашын умуркум, воқе бўлду, бунинг ихбориг фармонлар биттгайлар”.

“Муҳаррир” - ёзувчи, муаллиф, кўчирувчи, таҳрир қилувчи:

Мухаррирки, таҳрири тузнисанадур, агар бир байт битир, агар юз. Агар хат сурати похушдур, маъни хайлида ўқуручи андии мушаввашдур... (Махбубул-кулуб).

ИНОМЖОН АЗИМОВ

АЛИШЕР НАВОЙИ НАСРИДА БОҒЛОВЧИСИЗ ҚЎШМА ГАПЛАР

Улуг муттағаккир шоир, ёзувчи, олим Алишер Навоий ўзининг бой изодий мероси билан келажак авзодга битмас-туғанимас хазина қолдирди. Алишер Навоий ўзининг изоди билан ўзбек адабиётини юксак дарражага кўтариши билаи бирга, ўзбек адабий тилининг тараққиётига ҳам салмоқли қисса қўнди. Навоий яратган асарлар ҳам гоявий, ҳам бадиий жиҳатдан юксак савияда бўлганинги туфайли оламга тез тарқалди ва шоирнинг ўз давридаёқ илм аҳлининг, жумладан, тиљшуносларининг дикқатини жалб қилди. Орадан неча асрлар ўтибдики, шоир қолдирган бой хазина ҳанузгача илмий-тадиқот обьекти бўлиб келмоқда.

Маъдумки, Навоий асарлари тили фонетик, лексик, морфологик жиҳатдан чуқур тадқиқ этилган бўлса-да, унинг синтактик қурилиши нисбатан кам ўрганилган. Мазкур мақолада адабининг насирий асарларидағи қўшма гапларининг мазмуний боғланнишига тўхталамиз.

Яқин вақтларгача нафакат эски ўзбек тилига оид тадқиқотларда, балки ҳозирги ўзбек тилига доир тадқиқотларда ҳам ганинг шаклий томони асосий ўринига қўйилиб, мазмун планинга жиҳдий этибор қаратилмади. Ваҳоланки, мазмуний боғланниш содда гапларни боғланща асосий восита ҳисоблаиади.

Навоий насиридаги боғловчиларсиз биринчан қўшма гапларининг таҳлили шуни кўрсатдики, бундай гапларни боғлашда боғловчилар мухим синтактик

восита бажармайди, уларнинг кўллапилиши гапнинг модаллигини таъминлайди, холос. Аслида буидай гаплар семантик жиҳатдан мустаҳкам алоқага киришган бўлади.

Боғловчиларсиз тузилган қўнима гапларда турли маъно муносабатлари ифодаланига:

Найт мазмуни ифодаланган: Бу тўрт девон овозасин рубъи маскунга еткуруимен, “Хамса” панижасига панжа уруимен (МЛ 120).

Мисолдаги денотатив воеа (Бу тўрт девон овозасин рубъи маскунга еткуруимен) нинг тугани билан иккичи денотатив воеа (“Хамса” панижасига панжа уруимен) содир бўлмоқда. Биринчи денотатив воеа (Бу тўрт девон овозасин рубъи маскунга еткуруимен) нинг тугани билан иккичи денотатив воеа (“Хамса” панижасига панжа уруимен) содир бўлмоқда. Бу гаплар орасида мустаҳкам ички боғланиш мавжуд. Гапларнинг позицион жойлашиши ҳам қатъий: биринчи денотатни биринчи ўрининг, иккинчисини биринчига ўтказиб бўлмайди. Демак, семантик жиҳатдан биринчи денотат иккичи денотатнинг бажарилиши шайтани билдирган.

Яна бир мисол: Булбул била Гул ва Шамъ била Парвона орасида мунозара биттибдур, анда кўп диккат кўргузубдур (МН 18). Денотатлар ўзаро найт муносабатидан ташкири, изоҳлаш муносабати орқали ҳам боғланган. Иккичи денотант биринчи денотантни изоҳлаб ҳам келмоқда, яъни мисолда “Булбул била Гул” ва “Шамъ била Парвона” иомли сермазмун, мукаммал асарлар ёзи, деган тагбилим мавжуд. Денотатларнинг ўзаро боғланishiда баъзи лексик элементларнинг (мунозара-анд) ҳам муҳим аҳамияти бор. Биринчи денотат таркибидаги мунозара лексик элементи иккичи денотат таркибидаги анча лексик элементи орқали ифодаланмоқда. Уларнинг жойлашиши тартиби ҳам қатъий, ўзаро ўрин алмаситириб бўлмайди, чунки, иккичи денотатнинг юзага келишига биринчи денотат сабаб бўлмоқда.

Зидлаш муносабати: Хар кимгаким, бир вафо кўргуздим, юз бевафолиг кўрмагунча кутулмадим (МК 78).

Мисолдаги зидланни икки хил шакл, ҳам лексик, ҳам морфологик шакл орқали ифодаланига. Биринчи денотатдаги бир вафо лексик элементи, иккичи денотатдаги юз бевафолиг лексик элементи билан, предикатлар бўлишилил - бўлишилизик (кўргуздум-кутулмадим) муносабати билан оппозицияга киришган.

Изоҳлаш муносабати: Бовужудким, Самарқанднинг аълами уламоси эрди, шеър ва муаммола даги мойил эрди (МН 32). Мисолдаги иккала денотатда ҳам субъектга хос бўлган хусусиятлар ифодаланмоқда, яъни биринчи гапда субъектнинг мансаби ифодаланаётган бўлса, иккичи денотатда субъект фаолиги изоҳланмоқда. Денотатларни ўзаро боғланда даги лексик элементи муҳим роль ўйнаган. “Даги” лексик элементи иккичи денотат билан биринчи денотатнинг семантик алоқасини таъмин этган.

¹ Денотатив модус воеа ҳакида каранг: Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Т. Ўқитувчи. 1995.

“Даги” сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “такроран, кайтадан, янгидан, бундан ташқари, бунинг устига” маъноларини англатиши айтилади¹. Демак, “даги” сўзи янги денотатни талаб этади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, даги лексемаси иштирик этган боғловчисиз қўшима гапларда мустаҳкам семантик боғланниш мавжуд бўлади.

Сабаб-натижа муносабати: Номус дасторин бошидин олиб, бир журъя учун майфурущ оёғига солиб (МК 35). Биринчи денотат (Номус дасторин бошидин олиб) сабаб воқеани, иккичи денотат (Бир журъя учун майфурущ оёғига солиб) патижа воқеани ифодалайди. Яъни, номуссиз, ҳаёсиз инсон ҳар қандай пасткашликларга бориб етиши мумкин, ана шу пасткашликлар-нинг асосий сабабчиси ҳаёсизлик, номуссизликдир.

Киёслаш муносабати: Бундай қўшима гаплар таркибидаги денотатив воқеалар бир-бирига қиёсланади. Бу қиёсланиш орқали денотат ўртасидаги ўхнаш, фарқли томонларни қўрсатни ёки қўшимча маъно ифодалашдир: Тилаб берганни ҳам саҳодан йирок бил, ибром била берганни бермаганин яхшироқ бил (МК 112). Аввало, мисолдаги икки лексема (тилаб беришлик ва ибром била беришлик) ўзаро қиёсланимоқда, яъни сўрагандан сўнг беришлик ҳам “ибром” - қистаб турраб олиш билан беришлик ҳам саҳийликдан йироқ бўлган нарсалар. Иккала тушунча ўзаро қиёсланган холда инсон мана шундай хислатлардан йироқ бўлиш лозимлиги уқтирилмоқда. Маълумки, бирордан бирор нарса сўраб олингандан ёки қисташ орқали олингандан, турли норозилик, келинмовчилик келиб чиқади.

Аввало, сўрамагуича бирорвта бирор нарса бермаслик мардиар иши эмас. Демак, ушбу гап асосида “Дено ҳеч қачон иоди саҳоватта мухтоҷ бўлмасин” деган тағбилим мавжуд.

Яна бир мисол: Дўст жавридин гунгранма, душман бедодидин инграима (МК 82). Мисолда дўст жаври-душман бедоди лексик бирималари ўзаро қиёсланимоқда. Аслида, дўст-душман лексемалари ўзаро зид маъноли сўзлар. Дўстлик - инсонлар ўртасидаги ижобий муносабат бўлса, душманлик - салбий муносабатдир. Агар дўст дўстга хиёнат килса, унга жабр-ситам қўрузса, унинг душмандан фарқи қолмайди. Демак, душман жабр-зулмига мардонавор чидаганинг каби дўст хиёнатига, бедодига бардошли бўл, демоқчи шоир.

Қуйидаги мисолда ҳам юкоридаги ҳолатни кузатиш мумкин: Фосиқдин хаё тилама, золимдин вафо тилама (МК 112). Мисолдаги “фосиқ-золим” лексемаларининг семантикаси ушбу гапларниш мустаҳкам алоқасини таъминлагай. “Фосиқ” сўзи фисқу-фасод тарқатувчи гийбатчи шахсларга нисбатан қўлланади. Бундай шахслар бошқалар муваффақиятини кўра олмайдиган, иккюзламачи, маънавий тубан шахслардир. Шунинг учун бу тоифадан шарм-ҳаё кутиш дарёға тош ташлаб қидириш билан баробар. Золимнинг иши ҳам фосиқ каби ёмонлик, бирорларга жабр-ситам ўтказиб шу билан роҳатланиши. Золимдан вафо кутишилик фосиқдан ҳаё кутиши билан биробар экан, демак, бу гапда “фосиқ ва золимдан яхши фазилатлар кутишилик ўта подонликдир” деган тағбилим мавжуд.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М. 1981, 482-бет.

Шунингдек, мисолда “хаё-вафо” лексемалари ҳам гапларнинг мазманий боғланшини таъминлаган. Юқоридаги хусусиятлар комил инсонларга ишбатан ишлатилади. Фосиқ, золим лексемалари билан мантиқан боғдана олмайди, ишнинг учун ҳам гапда феъл-предикатларининг бўлишиз шакли тайланган.

Еки мана бу мисолни кўрайлик: Томеъдан қарам тилама, гадодан дирам тилама (МҚ 10). Ушбу мисолда ҳам “тomeъ” - тама қўйувчи - “гадо” лексемалари ўзаро қиёсланимоқда. Томеъ-таъмагир бирорга озгина ёрдами, фойдаси тегса, шу учун бирор нарса талаб қиласди, ҳар бир ҳатти-ҳаракатини нул, мол-дунё билан ўтчайди. Бундай шахслардан савоб, одамийлик нуқтаи назардан яхшилик, саҳоват кутиб бўлмайди. Гадо тиланчилик билан бирорларнинг садақаси эвазига ҳаёт кечиради. Садақа сўровидан садақа сўраб бўлмайди. Таъмагир шахслар қанчалик бойбадавлат бўлмасин, инсонларга ёрдам кўрсатмас экан, у гадодан ҳам баттарроқдир. Бу гаплар предикатларининг инкор шаклида бўлишида мағтиқий асос бор, чунки “қарам-дирам” лексемалари “тomeъ” - “гадо” лексемалари билан мазманий боғланшига киришмайди.

Хулоса қилиб шунин айтиш мумкинки, қўшима гап таркибидағи содда гапларнинг боғланшида мазманий муносабат мухим аҳамиятта эга.

Муборак АБЗАЛОВА

АЛИШЕР НАВОЙЙ НАСРИЙ АСАРЛАРИДАГИ МУРАККАБЛАШГАН ГАПЛАРГА ДОИР

Мураккаблашган содда гаплар алоҳида синтактик ҳодиса сифатида ўзбек тилшунослигида кенг ўрганилган. Мураккаблашган содда гапларни вужудга келтирувчи шаклий ва маъни компонентлар ҳақидаги қарашларда бир-бирига яқинликлар мавжуд, лекин биз қўйида фикр юритаётган масала-содда гаплар ва қўнимга гапларни ҳосил қылган содда гап билан бирга қўлланган илова ибораларнинг мураккаблашган содда гапни ҳосил қилиш тўғрисида фикр айтилган эмас, балки илова иборалар алоҳида синтактик категория сифатида ўрганилганлиги маълум.

Алишер Навоий насрий асарларини содда гап садҳида ўрганган С.Амирбоев илова гапларни мураккаблашган содда гап тизимида тадқиқ қиласди. Бунда гапнинг ҳам шаклий, ҳам мазмунан мураккаблашини ҳисобга олинган.

Биз ушбу мақолада содда гап мураккаблашувини синтактик арабизмлардан иборат гаплар доирасида ўрганишга ҳаракат қиласмиш ва бунда фактик материаллар асосан Алишер Навоининг “Насойимул-муҳаббат” асарларидан олиниди.

Маълумки, илова иборалар гапидаги маълум бўлакининг маъносини янада ойдинлантириши, қўшимча маълумот бериш каби семантик вазифаларни бажаради ва гапнинг ортмавқенда келиб, гап бўлакларидаи

бирига семантик жиҳатдан синоним бўлади, лекин гапнинг узвий бўлгаги бўла олмайди.

Алишер Навоийнинг насрый асарларида қўлланган синтактик арабизмлар ҳам шакл ва маъни жиҳатдан туркӣ (узбекча) илова ибораларга хос мақомга эга бўла олади. Уларни қўйидагича тасниф қилиши мумкин:

1. Арабий илова иборалар гапнинг эгасига хос бўлган қўшимча маълумотни ифода қилини мумкин: Абу Жаъфар Хаффор Жунайдининг асхобидиндор: ва қана қарибу-с-синн минху ва қана-и-насу йаъудунаху мии асранини-л-жузайд ва қана йаъуду нафсаҳу мии асхабиҳи.

(Таржимаси: Ва у билан тенгидоп эди ва одамлар уни Жунайд авлодидан деб ҳисоблашар эди ва у ўзини уларниң сағдошлиридан деб ҳисоблашар эди.)

Бу гапда илова ибора Абу Жаъфар хақида қўшимча маълумотлар баён килинади. Аслида Абу Жаъфарниң Жунайд авлодидан эканлиги фактлардан ҳисоблашади.

2. Гап кесимининг семантик жиҳатдан ойдинлашишга хизмат қиласди: Абу Бакр Ҳамадоний дедиким: дарвешлик уч нимадур: тарқу-т-таъми, вал маъни, вал жамъи.

(Таржимаси: Татмагирлик, манъ этмоқ ва (мол-дунё) тўплашни тарқ этмоқ)

Бу гапда дарвешликниң уч хусусияти ҳақида фикр билдирилган, яъни юкоридаги гапда кесим мавқеида келган уч нома бирикмасининг мазмuni арабий ибораларда ойдинлаширилган.

Келтирилган гапда мавхум мазмунга эга бўлган сўз бирикмаси ойдинлаширилган бўлса, қўйидаги мисолда арабча илова ибора атоқли от билан ифодаланган мураккаб от-кесимга хос бўлган хусусиятни кенгроқ изоҳлашга, унга тавсиф беришга қаратилган: Оти Мухаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Самъундур: ва қана йулақибу бин нактиқи би-л ҳикмати.

(Таржимаси: У ҳикмат эгаси потиқ деб аталаар эди.)

3. Гандаги бирикмали тўлдирувчини ойдинлашириб келади: Ва ҳам ул дебдурки, ҳар ким бу йўлга кирап тўрт ўлимни тутмоқ керак: мавтун абиаду ва ул корин очлигилур, ва мавтун асваду ва ул ҳалқ изосига сабр килмокдур, ва мавтун ахмару ва ул нафс мухолифатидур, ва мавтун ахдару ва ул хирқага йурунлар тиламоқдур (25-с.).

Мисолдаги мавтун абиаду, мавтун асваду, мавтун ахмару, мавтун ахдару бирикмалари тўрт ўлимни ибораси билан шаклланган тўлдирувчининг изоҳидур. Ушбу гапда юкоридаги гапдан фарқли ўлароқ синтактик арабизмнинг мазмунан таржимаси Алишер Навоий томонидан амалга оширилган, аслида мавтун абиаду-оқ ўлим, мавтун асваду-қора ўлим, мавтун ахмару-қизил ўлим, мавтун ахдару-яшил ўлим каби таржима қилинини лозим, яъни қорин очлиги-оқ ўлим, азобларга сабр-қора ўлим, нафс мухолифати-қизил ўлим, хирқага йурунлар тиламоқ-яшил ўлим тушунчаларига ўзаро синонимdir.

Гандаги белгисиз тўлдирувчини ойдинлашириди:

Ва Шиблий била қавм масойилида сўз айтишиб эди: Ва хува мин азлами машайихи бильгулуми тавхид.

(Таржимаси: У тавхид илмида ўз даврининг энг машхур машайихлариданур.)

Бу арабий ибора гап таркибидаги сўз калимаси билан ифодаланган белгисиз тўлдирувчиси мазмунини ойдинлантириб келган.

4. Ундалма мақомидаги синтактик категорияни ойдинлантиринига хизмат қиласи: Шайх Ҳаммадий Даббос. Ул Шайх Абдулқодирнинг машайихидур: Кана умйаш ва футиха алайҳи бабу-л-матърифи вал асари ва сара қувватин лиз машайих-л-қибар.

(Таржимаси: У саводсиз эди. Унга матърифат эшиклари очилди ва у йирик машайихларга ўрнак бўлиб етиди.)

Бу гапда Шайх Ҳаммадий Даббос тўғрисида фикр юритилмоқда, лекин айни ўринда арабий ибора ундалмага илова қилингани асосий гапнинг эгаси ўз сўзини ойдинлантириш учун қўлланмоқда деб қаранига ҳам асос бор, лекин шу гапда мантиқан ундалманинг мавқеи муҳимир.

5. Арабий ибора тўлиғича асосий гапнинг мазмунини тўлдиришга хизмат қиласи: Ноумидлик куфр сари эшити бор ва тенгри таододин ноумидлик куфрдур: ла йайас мин рухи-л-лаҳи илла-л-қавма-л куфурувна ва ла такнугу мин раҳмати-л-лаҳи.

(Таржимаси: Оллоҳдан ноумид бўлмасин, факат коғиргагина оллоҳ раҳматидан ноумид бўладилар.)

Бу гапда арабий иборадаги мазмуни аслида асосий матида акс этган, лекин ўқувчига яна ишончлироқ бўлишини таъминлаш мақсадида унга арабча ибора илова қилингани. Шундай хусусиятга ушбу гап ҳам алоқадор: Ва деблурки, кирқ йиллурки бир вақтда мен ва тенгри кўнглумга бокар ва ўзишан ўзга кўрмас: ма бакиёя фийа лиғайри-л-лаҳи шай'ун ва ла садри лиғайрихи каарарни.

(Таржимаси: менда оллоҳдан бўлак бошка ҳеч нарсага ишонч колмади, қалбимда ўзгага ўрин ийк.) Кўришадики, бу гапда ҳам асосий мазмун туркӣ жумлаларда иамоён бўлган, лекин ишончлиликни таъминлаш мақсадида арабий иборалар келтирилган.

Юқоридаги мисолларда арабий ибораларнинг илова мақомида эканлиги унинг гап ортмавқеида келиб, уни янада тўлдиришга хизмат қиласа, қўйидаги арабий ибораларда изоҳ мазмуни яққол сезилиб туради ва шунинг учун ҳам улар яъни ёрдамчи сўзи билан қўлланади: Ҳамул айтти, бувъ ийроқликлур, яъни иншал-л-ҳакки акраба ила-л-абди манъян ўншара илайҳи фий жихатин.

(Таржимаси: Ҳақ толо, кимки унга интилаётган бўлса, ўз байдасига ўзини яқин тутади.)

Арабий илова ибораларнинг синтактик таркиби ҳақида.

Бундай иборалар, асосан сўз бирикмаси қолипида ва гап қолинида қўлланган:

Сўз бирикмаси қолинида: тарку-т-тамъи вал-л жамъи.

Бу иборада бирикманинг апикловчи компоненти уюшиб келган.

Бир бош бўлкли содда гап қолинида:

Ва анинг тасониғи бор; муюмалотда ва сурати оғатида.

Ва руббама йатакалламу фий шайти мин үлуми-л-маориғи ва-л-хукми.

(Таржимаси: Эҳтимол, у ҳар парсада билим ва ҳикмат билан сўзларди.)

Икки бош бўлакли содда гап қолинида:

Ва Шиблий била қавм масойилила сўз айтишиб эрди;

Ва хува мин аълами машаҳи вактихи би үлуми тавхид.

(Таржимаси: У тавхид илмида ўз даврининг энг машхур машойихларидаидир.)

Қўшима гап қолинида:

Абу Жаъфар Ҳаффор Жунайдийцинг асхобидиндур.

Ва кана кирийбу-с-синц минху ва кана-н-насу йаъудунаху мин акрани-л-жунайд ва кана йаъуду нафсаҳу мин асхабиҳи.

(Таржимаси: Ва у билан тенгдош эди ва одамлар уни Жунайд авлодидан деб ҳисоблашар эди ва у ўзини сафдошлиаридаин деб ҳисобланар эди.)

Хулоса. Алишер навоий насирий асарларида арабий илова иборалардан ўрни билан фойдаланган ва бундай иборалар унинг тарихий асарларида тилга олинган фактларни асослаши, ўқувчига ишончли манбалар асосида фикр баён қилинаётганлигини исботлаши ҳамда айрим фактларни ойдинлаштириши мақсадини кўзлаган. Бу эса ўз павбатида ҳар қандай гапнинг таркибини мураккаблаштирган.



МУНДАРИЖА

<i>Б.Ғ.Қодиров.</i> Анъана давом этади.....	3
РУХИЯТ СЕХРИ	
<i>А.Хайитметов.</i> Илк навоийшунослар.....	7
<i>Ғ.Мусина.</i> Мехинбону-али қиз.....	15
<i>Ҳ.Ҳомидий.</i> Рухий муштарақлик.....	19
<i>Н.Комилов.</i> Алишер Навоийнинг “Минҳожун најот” қасидаси.....	26
<i>Б.Акрам.</i> Муборак “Ҳасби ҳол”, мұқаддас хотирот.....	35
<i>Б.Саримсоқов</i> Алишер Навоий ғазалиётіда тахаллус санъати.....	44
<i>Б.Тұхліев.</i> Алишер Навоий асарларидаги бир халқона тасвир усули ҳақыда.....	51
<i>М.Мухиддинов.</i> “Ҳайратул аброр” достонида иисон талкини.....	54
<i>Ф.Набиев.</i> Лирик қаҳрамои ва табиат тасвири.....	59
<i>Т.Қодабоеев.</i> Навоий ва қозоқ адабиёті.....	66
<i>З.Машарипова.</i> “Англа зийрак Қүн оииким...”	71
<i>К.Мұллахұжаева.</i> “Васл сұбҳи ҳасрати...”	77
<i>Т.Бұрніев.</i> Ҳинд аңдалиби	83
<i>С.Рахимова.</i> Амирийнинг Навоийга мухаммаслари.....	87
ЛИСОНИЙ ЗЕБОЛИКЛАР	
<i>С.Алтірбоев.</i> Алишер Навоийнинг насирий асарларидаги айрим сөндағаптар.....	94
<i>И.Йұлдошев.</i> Алишер Навоий ва ўзбек китобатчилік атамалари.....	97
<i>И.Азимов.</i> Алишер Навоий насирида боғловчысиз құшма ғаптар.....	102
<i>М.Абзалова.</i> Алишер Навоий насирий асарларидаги мұраккаблашған ғаптарға доир.....	105

Илмий-оммабоп нацр

**НАВОИЙГА АРМУГОН
(Иккинчи китоб)**

Мұхаррир: Илхом Зойир

Мусаввир: Темур Саъдулла

Тех. мұхаррир:

Мусаххих: Т.Бўриев

ИБ № 277

Теришга берилди 25. X. 2000 йил. Босишига рухсат этилди 25.XI.2000 йил.
Бичими 84Х108 $^1F_{32}$. Шартли босма табоги_____. Адади 1000 пусха.
Баҳоси шартнома асосида. Буюртма №_____.

А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент, 129. Навоий
кўчаси, 30-йй.